Мустақил таълимга ажратилган баллнинг 0-54 фоизида - топшириқларни умуман бажармаган ёки кам қисмини бажарган, ишга масъулиятсизлик билан ёндашган, назарий ва амалий билими паст савияда эканлигини кўрсатган талабага қўйилади.

Оралиқ назорат рейтинг жадвалида белгиланган муддатда ёзма иш шаклида олинади. Мазкур назорат тури семестр давомида икки маротаба ўтказилади ва ҳар бирига максимал 15 балл берилади. Бу назорат турларидан бири мустақил таълим топшириқлари асосида баҳоланади. Бунда талаба мавзуулар бўйича мутақил уй вазифаси бўйича реферат ва тақдимот тайёрлайди.

Якуний назоратда баллар тақсимоти (ўзлаштириш кўрсаткичлари бўйича):

Жорий ва оралиқ назоратларга ажратилган умумий балнинг 55 фоиздан (39 баллдан) юқори балл тўплаган талабага якуний назоратда иштирок этиш ҳуқуқи берилади. Якуний назоратдаги вариантлар ҳар бир талабага тақрорланмайдиган, алоҳида тузилиб, ҳар бири 5 та топшириқдан иборат бўлади. Якуний назоратдаги ёзма ишларни баҳолаш мезонлари ҳар бир топшириқ учун максимал 6 баллдан белгиланган.

Талаба:

- а) 26-30 балл** йиғиш учун 5 та топшириқни ҳам бажариши керак.
- б) 21-25 балл** йиғиш учун 4 та топшириқни тўлиқ, 5- топшириқни қисман бажарган бўлиши керак
- в) 17-20 балл** йиғиш учун 3 топшириқни тўлиқ, 4-топшириқни қисман бажарган бўлиши керак.
- г) 0-16 балл** тўплаш учун 2 тадан кам топшириқни тўлиқ 3-топшириқни қисман бажарган бўлиш лозим.

Топшириқларни бажаришда талабага қўйидаги талаблар қўйилади:

Балл (фоиз да)	Талабанинг билим даражасига қўйиладиган талаблар
86-100	Иқтисодий ходиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзууни иқтисодий жиҳатларини билади ва ёритиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга, назарияларни амалиёт билан боғлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади, ижодий ёндошувга эга, хулоса ясай олади.
71-85	Иқтисодий ходиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзууни иқтисодий жиҳатларини билади ва ёритиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга, назарияларни амалиёт билан боғлай олади, мустақил мушоҳада юрита олади.
55-70	Иқтисодий ходиса ва жараёнларни моҳиятини тушунади, мавзууни иқтисодий жиҳатларини билади ва ёритиб бера олади, савол бўйича тасаввурга эга.
0-54	Мавзу (савол) бўйича аниқ тасаввурга эга эмас, иқтисодий тушунчаларнинг айримларини ёритиб бера олади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**«Корпоратив бошқарув»
ФАНИДАН
ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

ТОШКЕНТ – 2011

1-мавзу.	“Корпоратив бошқарув” курсига кириш. Корпоратив бошқарув назариясининг эволюцияси.
-----------------	---

1.1. Маъруза машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 4 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Кириш, визуал маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Корпоратив бошқарув фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари, корпоратив бошқарув тушунчаси.</p> <p>2. Корпоратив бошқарувнинг корпоратив менежментдан фарқи.</p> <p>3. Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши.</p> <p>4. Корпоратив бошқарувнинг тизими, тамойиллари ва унинг омиллари.</p> <p>5. Корпоратив бошқарувнинг турли иқтисодий шакллардаги субъектларга таъсири.</p> <p>6. Корпоратив бошқарув келиб чиқишининг асосий шартлари ва сабаблари.</p> <p>7. Неоклассик ва институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси: таққослама таҳлил.</p> <p>8. Корхона назариясидаги замонавий корпорация: молиялаштириш, мулкчилик, назорат.</p>

Ўқув машғулотининг мақсади: “Корпоратив бошқарув” фани курси бўйича фаннинг предмети ва билиш усуллари, ривожланиш тарихи бошқа фанлар билан алоқаси тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш.

Педагогик вазифалар:	<p>-Корпоратив бошқарув фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари, корпоратив бошқарув тушунчаси.</p> <p>-Корпоратив бошқарувнинг корпоратив менежментдан фарқи.</p> <p>-Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши.</p> <p>-Корпоратив бошқарувнинг тизими, тамойиллари ва унинг омиллари.</p> <p>-Корпоратив бошқарувнинг турли иқтисодий шакллардаги субъектларга таъсири.</p> <p>- Корпоратив бошқарув келиб</p>	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <p>-Корпоратив бошқарув фанини предметини ўзлаштиради;</p> <p>-корпоратив бошқарув ва менежмент тушунчаларини моҳиятини тушунади;</p> <p>-корпоратив бошқарувнинг келиб чиқишини ва уларнинг асосчиларини айтиб беради;</p> <p>-корпоратив бошқарув тамойилларини билади;</p> <p>-корпоратив бошқарув тизимини тўғрисида тушунчага эга бўлади;</p> <p>- “Корпоратив бошқарув” фанининг бошқа фанлар билан ўзаро алоқасини ва уни фанлар ичida тутган ўрни тўғрисида тушунчага эга бўлади;</p> <p>-Корпоратив бошқарув келиб чиқишининг</p>
----------------------	---	--

чиқишининг асосий шартлари ва сабаблари.	асосий шартлари ва сабабларини ўзлаштиради.
- Неоклассик ва институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси: таққослама таҳлил. - Корхона назариясидаги замонавий корпорация: молиялаштириш, мулкчилик, назорат.	- Неоклассик ва институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси түғрисида тушунчага эга бўлади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Визуал маъруза, блиц-сўров, баён қилиш, кластер, “ҳа-йўқ” техникаси
Ўқитиш воситалари	Маърузалар матни, проектор, тарқатма материаллар.
Ўқитиш шакли	Жамоа, гурӯҳ ва жуфтлиқда ишлаш.
Ўқитиш шарт-шароити	Проектор, компьютер билан жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси (1-машғулот)

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзуни, унинг мақсади, ўқув машғулотидан кутилаётган натижалар маълум қилинади.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабаларни эътиборларини жалб этиш ва билим даражаларини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади.</p> <p>-корпоратив бошқарув ва менежментнинг фарқини айтинг?</p> <p>- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида корпоратив тизимни шакллантириш зарурати нимада деб ўйлайсиз?</p> <p>-корпоратив бошқарувнинг тамойилларини қандай</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маъruzani баён этишда давом этади.</p> <p>Корпоратив бошқарув, менежмент, корпорация тушунчаларини шархлайди</p> <p>2.3. Корпоратив бошқарув омилларини ўрганади</p> <p>а) Корпоратив бошқарув деб ўйлайсиз? б) У қандай вазифаларни бажаради? в) Бошқа фанлар билан қандай</p>	<p>2.1. Эшитади. Навбат билан бир-бирини тақрорламай атамаларни айтади.</p> <p>Ўйлайди, жавоб беради.</p> <p>Жавоб беради ва тўғри жавобни эшитади.</p> <p>2.2. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қиласди.</p> <p>Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади.</p> <p>2.3. Эслаб қолади,</p>

	<p>боғлиқлиги бор ва аҳамияти нимада? каби саволлардан 3-саволни ёритишида фойдаланилади.</p> <p>2.4. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларига эътибор қилишни ва ёзиб олишларини таъкидлайди.</p>	<p>ёзади. Ҳар бир саволга жавоб беришга харакат қиласиди. Таърифни ёзиб олади, мисоллар келтиради.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Мавзуга якун ясади ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади. Фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Мустақил иш учун вазифа: “бошқарув кластер тузишни вазифа қилиб беради. баҳолайди.</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради. Топшириқни ёзиб олади.</p>

Визуал материаллар

1-савол. Корпорациялар тушунчаси ва унинг хусусиятлари

1-илова.

Корпорация (лотинча corporatio – бирлашиш) – бу умумий мақсадларга эришиш, биргаликда фаолият кўрсатиш учун бирлашган ва ҳуқуқнинг мустақил субъектини – ҳуқуқий шахсни ташкил қилган жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар бирлашмасидир

Корпоратив бошқарув - компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулқдорлар, ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (компания ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича компания менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими

Корпорациялар 3 асосий фарқли жиҳатларга эга бўлади:

1. Корпорациялар ўзларининг эгаларидан юридик жиҳатидан мустақилдир ва солиқларни тўлайди.
2. Корпорациялар масъулияти чекланган, қайсики, акционерлар компания қарзлари учун жавобгар бўла олмайди.
3. Ҳар доим ҳам корпорация эгалари менежер бўла олмайди, бу эгалик қилишининг бошқариш билан чекланишига олиб келади.



Акциядорлик жамиятлари билан иқтисодий алоқа қилувчи субъектлар

Акционерлар корпорациялар билан алоҳида иқтисодий алоқаларни ташкил этади: улар корпорациянинг ташкил этилишининг сабабчилари бўлиб, “хатарли” капиталнинг етказиб берувчилари ҳисобланади, уларнинг капитали орқали корпорацияларнинг ривожланиш ва ўсиши кузатилади. Корпорацияларнинг барча ҳаракат ва жараёнларида акционерларнинг манфаати ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир.

•**Истъемолчилар**, ўзига алоҳида эътибор талаб қилувчилардан бири ҳисобланиб, корпорациялар уларсиз фаолият олиб бориши мумкин эмас. Истъемолчилар сифатли маҳсулот ва хизматларни қониқарли даражадаги нархда олишни ва талабга жавоб берадиган хизмат турларини ва ҳақиқиқатга яқин рекламаларни қабул қилишни истайди. Агарда корпорациялар истъемолчиларнинг ҳоҳишини қониқтиришга барча кучини сарфламаса, корпорацияларнинг асосий стратегик мақсадларини қулдан бой берилганлигидан далолат беради ва корпорациялар ўзоқ ва қисқа муддатли омодсизликларга дуч келиши мумкин.

•**Хизматчилар**, корпорациялардан оддий талабларни қондиришини сўрайди, яъни оддий иш ҳақини тўлашдан бошлаб, то иш берувчи ва хизматчилар билан буладиган бошқа жиҳатларини ўз ичига қамраб олади. Имкониятларнинг тенглиги, иш жойида соғлиқни химоя қилиш, молиявий бехатарлик, шахсий ҳаётга аралашмаслик, мустақиллик ва ўзига таълуқли яшаш шароитини таъминлашни талаб қиласди.

•**Маҳаллий аҳоли**, ишлаб чиқариш жараёнида корпорациялар уларга катта таъсирини курсатади. Аҳоли корпорациялардан маҳаллий муаммоларда иштирок этиш ва уларнинг муаммоларини ечишда бевосита иштирокини: яъни таълим, транспортни ташкил этиш, дам олиш учун шароит қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини, атроф муҳитни химоялашни кутади.

•**Жамият**, корпорациялар уларга халқаро ва миллий даражада таъсир курсатади. Уларнинг фаолияти хар хил шакллардаги корхона ва ташкилотларнинг, шунингдек, бошқариш тузилмаларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг эътиборида булади.

**Корпоратив бошқарувда иштирок этувчиларнинг
фаолияти таснифи**

№	Корпоратив бошқарув иштирокчилари	Корпорация фаолиятидаги иштироклари	Корпорация фаолиятидан кутилаётган натижалар	Корпоратив бошқарувнинг назорат кўрсаткичлари
1	Мулкдорлар	Хусусий капитал	Акциялар баҳосидаги ўзгаришлар, дивидендер	Молиявий барқарорлик
2	Инвесторлар, кредиторлар	Инвестиция, кредит	Жойлаштирилган капиталлардан олинадиган даромад	Ликвидлилик
3	Корхона менежерлари	Билим, малака, масъулият, жавобгарлик	Меҳнатига ҳақ олиш, мансаб поғоналарига кўтарилиш (карьера)	Меҳнат унумдорлиги
4	Ходимлар	Меҳнат фаолияти	Иш ҳақи, меҳнат хавфсизлиги, бандлик	Меҳнат шароити ва юқори тўлов
5	Таъминотчилар	Ресурслар таъминоти	Ресурслар нархи, шартномалар муддати, ўз вақтида ҳисоб-китоблар	Молиявий холат ва ишончлилик
6	Харидорлар	Маҳсулотларни (хизмат кўрсатиш) сотиб олиш	Маҳсулотларни (хизмат кўрсатиш) нархи	Нарх, сифат, хизмат кўрсатиш, сервис
7	Давлат	Қонунчилик	Давлат бюджетини тўлдириш	Қонунчилик талабларини бажарилиши
8	Солиқ органлари	Солиқ назорати	Солиқ тўловлари	Солиқ тўлаш тартиби

3-илова.

Корпорациялар корпоратив мұхитни ва ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш учун ҳужжатлар

- ◊ Ахлоқ кодекси;
- ◊ Иш ҳақи түлаш ва хизматчиларни рағбатлантириш, уларнинг хуқуқларини химоялаш, шахсий ҳаётга аралашмаслик, әркинлик бўйича таклифларни киритиш;
- ◊ Ишчиларни иш жойларида хавф хатардан сақлаш, соғлиқни сақлашни таъминлаш ва уларга оид меъёр ва тартибларни ўрнатиши;
- ◊ корпорацияларнинг хайрия фаолияти қоидаларини тартблаштириш;
- ◊ корпоратив муносабатлардаги мавжуд менежерларни тайёrlаш ва қайта тайёrlаш, дастурларни ахборотлаштириш.

ю

4-илова

Корпоратив менежментини тақомиллаштириш вазифалари


- ◊ кузатув кенгаши аъзолари ва бошқарувчилар томонидан ҳамда акциядорларнинг ўзи томонидан ҳам корпоратив ҳуқуқнинг мазмун-моҳияти ва имкониятларини чуқур англаб етилиши;
- ◊ бевосита акциядорлик корхоналари бошқарув фаолиятини тартибга солувчи тўлиқ меъёрий ҳужжатлар пакетини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши;
- ◊ акциядорлик жамиятлари ишини онгли бошқаришга акциядорларнинг кенг доирасини энг юқори даражада жалб қилиши;
- ◊ корхоналар фаолиятининг акциядорлар ва инвесторлар учун максимал очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш;
- ◊ акциядорлик жамиятлари бошқарувининг юқори ва ижро органлари ўртасидаги ўзаро таъсир даражасини ошириш.

5-илова

Ўзбекистон миллий корпоратив бошқарув модели тузилмаси



6-илова.



7-илова.

Бошқариш босқичларини мақсадли амалга ошириш



Низом капитали ва бошқарув органлари нуқтаи назаридан ташкилий-хуқуқий шакллар тавсифи

Хўжалик ўртоқчиликлари	Хўжалик жамиятлари	Акциядорлик жамиятлари	Ишлаб чиқариш ширкатлари
Низом капитали			
Терма (таъсисчилар улушига тақсимланган)	Терма (таъсисчилар улушига тақсимланган)	Акциядорлик капитали (акциялар белгиланган сонига тақсимланган)	Пай капитали (бирлаштирилган мулкий пай бадалларидан иборат)
Бошқарув органлари			
Бошқарув органлари йўқ	Қатнашчилар умумий йиғилиши – олий раҳбар орган; Ижроия органи (Бошқарма) якка ҳолда ҳам, жамоавий ҳам бўлиши мумкин (якка ҳолдагиси қатнашчилар орасидан бўлмаслиги мумкин)	Акциядорлар умумий йиғилиши – олий раҳбар орган; Ижроия органи якка ҳолда ҳам, жамоавий ҳам бўлиши мумкин; умумий раҳбарлик амалга оширувчи стратегик орган – директорлар Кенгashi	Аъзолар умумий йиғилиши – олий раҳбар орган; Ижроия органи (Бошқарма); ширкат қатнашчилари сони 50 дан ошганда Кузатув кенгashi - умумий раҳбарлик амалга оширувчи стратегик орган ташкил этилиши мумкин

Маъруза машғулотининг технологик картаси (2-машғулот)

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзуни, унинг мақсади, ўқув машғулотдан қутилаётган натижаларини маълум қиласди.	1.1. Эшитади, ёзиб олади.

2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабаларнинг дарсга тайёргарлик дарражасини аниқлаш учун тезкор савол-жавоб ўтказади.</p> <p>1. Корпоратив бошқарув нима?</p> <p>2. Корпоратив бошқарув нимани ўргатади?</p> <p>3. Корпоратив тизим буғинларини айтинг?</p> <p>2.2. Ўқитувчи визуал материаллардан фойдаланган ҳолда маърузани баён этишда давом этади. (5-илова намойиш этилади).</p> <p>Корпоратив бошқарув, менежмент, корпорация, акциядорлик жамият тушунчаларин и шархлайди.</p> <p>2.3. Илмий билишга ёндашиш йўллари, тамойиллари, қонун-қоидалари намойиш қилинади.</p> <p>2.4. Куйидаги саволлардан фойдаланган ҳолда мавзу ёритилади.</p> <p>а) Корпоратив бошқарув тамойиллари?</p> <p>б) Корпорация нима?</p> <p>в) Акциядорлик жамиятлар ва уларнинг турлари?</p> <p>2.5. Талабаларга мавзунинг асосий тушунчаларга диққат қилишни ва ёзиб олишни таъкидлайди.</p>	<p>1. Саволларга бирин-кетин жавоб олади.</p> <p>2. Ўйлайди ва ёзиб олади.</p> <p>3. Схема ва жадваллар мазмунини муҳокама қиласди.</p> <p>Саволлар бериб, асосий жойларини ёзиб олади.</p> <p>Ҳар бир саволга жавоб ёзишга харакат қиласди.</p> <p>Таърифни ёд олади, мисоллар келтиради.</p> <p>Эслаб қолади.</p>
3-босқич. Якуний (15 мин.)	<p>Мавзу бўйича якун ясади ва талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>“Корпоратив бошқарув” сўзига кластер тузишни вазифа қилиб беради ва текширади, баҳолайди.</p>	<p>“Корпоратив бошқарув” сўзига кластер тузади.</p> <p>Уйга вазифа олади.</p>

Визуал материалар

1-илова.

Корпоратив бошқарув-компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар, ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (компания ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича компания менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими;

куринишларидан оири ҳисобланади. Унда оир неча мулкдорлар манфаатлари бирлашади, ягона мақсад доирасида инвесторлар капиталлари бирлаштирилади

Мол етказиб берувчилар, одатда уларнинг асосий қисмини кичик корхоналар, яъни корпорациялар билан хақоний савдо алоқаларини, ва ўз вақтида тўловларни амалга оширишни ва ижобий хамкорликни амалга оширишни авзал қуради. Корпорацияларнинг ва уларнинг мол етказиб берувчилари ўртасидаги хамжиҳатлик иқтисодий тизимнинг асосий буғини ҳисобланади, чунки кичик корхоналарнинг ҳаётийлиги корпорацияларнинг уларга нисбатан жиддий ва хақоний алоқаларига боғиқ ҳисобланади.

2-илова.

Корпоратив бошқарув тамойиллари			
Адолатлилик - бошқарув қоидалари адолатли бўлиб, ҳалол рақобатчилик шароитида компанияга муваффақиятли харакат қилишга имконият бериши ва шу билан бирга барча қатнашчиларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳам хуқуқларини таъминлаш лозим.	Равшанлилик - компанияга алоқадор барча муҳим ахборотларнинг, шу жумладан мулкчилик шакли, молиявий ҳолати, фаолият натижаларини ўз вақтида ва аниқ ошкора қилинишини керак.	Жавобгарлик - акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар олдида маъмуриятнинг ва компания фаолиятига боғлиқ қарорларни қабул қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги.	Ҳиссадорлик — барча бошқарув органларининг вазифалари ва ваколатларини аниқ ажратиб беришни, Ижроия органининг Кузатув кенгashi ва акциядорларга ҳисоб бериш мажбуриятини юклайди.

3-илова.

Очиқ ва ёпиқ акциядорлик жамиятлариниг фарқли жихатлари

Фарқлантирувчи белгилар	Очиқ жамиятлар	Ёпиқ жамиятлар
Акциядорлар сони бўйича	Чекланмаган.	3 шахсдан кам, 50дан кўп эмас.
Устав фонди ҳажми бўйича	Давлат рўйхатидан ўтиш санасида қиймати 400.000 АҚШ долларига	Давлат рўйхатидан ўтиш санасида қиймати 400.000 АҚШ долларига эквивалент

	эквивалент бўлган ҳажмдан кам бўлмаслиги керак.	бўлган ҳажмдан кам бўлмаслиги керак.
Акцияларни жойлаштириш бўйича	Акцияга очик обуна ва уларнинг эркин сотилиши. Жамият уставида ва қонунчиликда ман қилингандан ҳоллардан ташқари ҳолларда ёпиқ обунага руҳсат берилади.	Ёпиқ обуна. Акциялар факат таъсисчилар ёки олдиндан маълум бўлган бошқа шахслар орасида жойлаштирилиши мумкин. Чиқариладиган акцияларга очик обуна ўтказиши мумкин эмас.
Акцияларни сотишдаги чекловлар	Чекланмаган: акциядорлар ёки жамият томонидан розилик талаб қилинмайди.	Бошқа акциядорлар агар уставда назарда тутилган бўлса, жамият акция сотиб олишда устунлик хукуқига эга.
Ахборотнинг ошкор қилиниши бўйича	Қонунчиликда ўрнатилган масалалар бўйича ахборотни ошкор қилишга мажбур.	Қонунда ахборот ошкор қилиниши бўйича ҳеч қандай талаб мавжуд эмас.

акциялар эркин олди - сотди предмети бўлиб, уларга эгаликнинг ўзгариши акциядорлик капитали ва акциядорларга нисбатан хукуқ ва мажбуриятларнинг ўзгаришига олиб келмайди

ирик компаниянинг устунлигидан фойдаланиш

4-илова.

1.2. Семинар машғулотининг ўқитиши технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулоти шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича семинар машғулоти
Ўқув машғулоти режаси	<ol style="list-style-type: none"> Корпоратив бошқарув фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари, корпоратив бошқарув тушунчаси. Корпоратив бошқарувнинг корпоратив менеджментдан фарқи. Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши. Корпоратив бошқарувнинг тизими, тамойиллари ва унинг омиллари.

	5.Корпоратив бошқарувнинг турли иқтисодий шакллардаги субъектларга таъсири
	<p><i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Бу семинар машғулоти жараёнида саволлар ва муаммолар борасида сұхбат үтказилади. Бу дарсда “ақлий хужум” усулинин ҳам қўллаш мумкин. Шунингдек, тест ва масалалар ечиш мумкин.</p>
<p><i>Педагогик вазифалар:</i></p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш. - - дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш 	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “бошқарув, корпоратив бошқарув, менежмент” тушунчаларига таъриф беради. - Корпоратив бошқарувнинг асосий масалаларини тавсифлайди; - Корпоратив бошқарувининг мазмунини ва мақсадини ёритади; - Корпоратив бошқарувнинг предметига таъриф бериб, вазифаларини кўрсатиб берадилар; - Корпоратив бошқарув ва менежмент таъриф бериб, мисоллар келтирадилар; - Корпоратив бошқарув усулларини шарҳлаб берадилар.
Ўқитиш услугини ва техникаси	Блиц-сўров, биргаликда ўқиймиз, иқтисодий эссе, кластер “иқтисодиёт”, “эҳтиёж”, дискуссия.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланмаси, проектор, флипчарт, маркер, доска.
Ўқитиш шакли	Билимларни чиқурлаштириш ва кенгайтириш, индивидуал ва гуруҳ бўйича ўқитиши.
Ўқитиш шароитлари	Компьютер технологиялари, проектор билан таъминланган, гурухда дарс ўтишга мослаштирилган аудитория.

Семинар машғулотининг технологик картаси (1-машғулот)

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қиласи ularning аҳамиятини ва актуаллигини асослайди.</p> <p>Машғулот ҳамкорликда ишлаш технологиясини қўллаган ҳолда ўтишни маълум қиласи.</p> <p>1.2. Ақлий хужум методидан фойдаланган ҳолда аудиториянинг тайёргарлик даражасини аниқлайди:</p> <p>1) Корпоратив бошқарув билан боғлиқ қандай терминларни биласиз? Уларнинг мазмунларини ҳам биласизми?</p>	<p>1.1. Мавзуни ёзди ва саволларга жавоб беради.</p>

	Мазмунининг муҳокамаси гуруҳларда давом этишини эълон қиласди.	
2-босқич асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабаларни З гуруҳга бўлади, ҳар бирига вазифа беради (2-илова).</p> <p>Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гурухда ишлаш қоидаси билан танишириди (1-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қиласди.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади.</p> <p>Гуруҳларда иш бошлишни таклиф этади.</p> <p>2.4. Тайёргарликдан кейин тақдимотни бошлангани эълон қилинади.</p> <p>2.5. Талабалар жавобини шархлайди, хulosаларга эътибор беради, аниқлик киритади.</p> <p>2.6. Талабаларга Б.Б.Б усули бўйича ифодаланган жадвални намойиш қиласди ва устунларни тўлдиришни айтади.</p> <p>Тушунчаларга изоҳларни тўғрилайди ва саволларга жавоб қайтаради.</p> <p>Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.</p>	<p>2.1. Ўқув натижаларини тақдим қиласдилар.</p> <p>2.2. Саволлар беради.</p> <p>2.3. Жавобларни тўлдиради.</p> <p>2.4. жадвални устунларини тўлдиради ва муҳокамада иштирок этади.</p>
3-босқич Якуний (10 мин)	<p>3.1. Машғулотни якунлайди талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш сифатида “Талабаларда корхоналарни бошқаришни шакллантиришда корпоратив бошқарувнинг ўрни” мавзусида “эссе” ёзишни топширади.</p>	<p>3.1. Эшитадилар.</p> <p>3.2 Топшириқни оладилар.</p>

Ўқув топшириқлар

1- илова.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;

Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;

Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;

Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;

Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштишлари лозим;

Ҳар бири: “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз” атамасини яхши билишлари лозим.

2-илова

1. Битта гап билан саволга жавобни шакллантиринг.

Корпоратив бошқарув, менежмент, бошқарув тамойиллари, бошқарув усуллари тушунчалари қандай боғлиқлиқда.

2. “Акциядорлик жамиятларида бошқарув” бўйича схема тузинг.

3. Уибуларни мазмунини ёритинг.

3-илова.

Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)

Гурух	1 топшириқ	2 топшириқ	3 топшириқ (ҳар бир савол 0,2 балл)			Баллар йиғиндиси
	(1,0)	(1,4)	1 сав	2 сав	3 сав	
1						
2						
3						

4-илова.

Б.Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”.	Билдим “+”, Билаолмадим “-”.
1	Агент		
2	Андеррайтер		
3	Аутсайдер		
4	Аффилланган шахс		
5	Акционер капитали		
6	Ассоциация		
7	Диверсификация		
8	Дивиденд		
9	Инвестициялар		
10	Корпоратив бошқарув		
11	Конгломерат		
12	Маржа		
13	Миноритар акциядор		
14	Синдикат		
15	Холдинг		

5илова

Гурухлар учун топшириклар.

1- гурух.

Корпоратив бошқарув, менежмент, корпорация тушунчаларининг мазмунини ёритинг.

“Корпорация” сўзига кластер тузинг.

2- гурух.

Корпоратив бошқарувнинг мақсади нима? Корпоратив бошқарув соҳасида қандай муаммолар мавжуд?

“Корпоратив муносабатлар” тушунчасига кластер тузинг.

3- гурӯҳ.

Корпоратив муҳитни қандай шакллантириш лозим?

“Корпорати мулкв ” тушунчасига кластер тузинг.

4- гурӯҳ.

Корпоратив бошқарувнинг вазифалари қандай?

“Бошқариш бочқичлари” тушунчасига кластер тузинг

6-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсани тасдиқлади.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.

(?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Иқтисодиёт				
Эҳтиёж				
Иқтисодиётнинг бош масаласи				
Иқтисодий ресурслар				
Иқтисодий қонунлар				
Иқтисодий категориялар				
Иқтисодий оқимлар				
Ўрганиш услублари				

7-илова.

Тест.

- 1) Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун хужжатларига акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонуннинг қайси моддаси бағишлиланган?

- A)1
Б)2
В)3
Г)4

2)Акциядорлик жамиятларини тузиш, уларнинг фаолияти ва уларни тугатиш, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатлар қайси меъёрий хужжатлар билан тартибга солинади?

- А) Ўзбекистон Республикасининг АЖ тўғ қонун билан
- Б) Ўзбекистон Республикасининг банкротлик тўғрисидаги қонуни билан
- В) Ўзбекистон Республикасининг стандартлаштириш тўғрисидаги қонуни билан
- Г) Ўзбекистон Республикасининг лицензиялаш тўғрисидаги қонуни билан

3) Қандай корхоналарни хусусийлаштириш чоғида акциядорлик жамиятлари тузиш ва улар ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусиятлари АЖ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари билан белгиланади?

- А) кичик корхоналарни хусусийлаштириш чоғида
- Б) давлат корхоналарини хусусийлаштириш чоғида
- В) йирик корхоналарни хусусийлаштириш чоғида
- Г) венчур корхоналарни хусусийлаштириш чоғида

4) Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект

- А) Акциядорлик жамияти деб ҳисобланади
- Б) Хиссадорлик жамияти деб ҳисобланади
- В) Холдинг компаниялари ҳисобланади
- Г) барча жавоблар тўғри

5) Жамият қандай фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқларига эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

- А) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш билан
- Б) ишлаб чиқариш фаолияти билан
- В) экспорт ва импорт билан шуғулланиш ҳуқуқига эга
- Г) жамиятна қайта таркиблаш ҳуқуқига эга

6) Жамият

- А) юридик шахс ҳисобланади
- Б) жисмоний шахс ҳисобланади
- В) ҳуқуқий шахс ҳисобланади
- Г) юридик ва жисмоний шахс ҳисобланади

7) АЖ тўғрисидаги қонунга мувофиқ жамият қандай муддатга тузилади?

- А) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.
- Б) уставида белгилаб берилган муддатга тузилади
- В) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, 10 йилга тузилади.

Г) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чегараланган муддатга тузилади.

8) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб

А) жисмоний шахс хукуқларини қўлга киритади.

Б) давлатнинг имтиёзли хукуқларини қўлга киритади.

В) хукуқий шахс хукуқларини қўлга киритади.

Г) юридик шахс хукуқларини қўлга киритади.

9) Жамият белгиланган тартибда қаерларда ҳисоб ва рақлар очишга ҳақлидир.

А) Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган банкларда

Б) Ўзбекистон Республикаси худудидадан ташқаридаги банкларда

В) Европа иттифоқига кирувчи давлатларда

Г) Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган банкларда ва ундан ташқаридаги худудлардаги банкларда

2-мавзу.	Корпоратив бошқарув назариясининг эволюцияси
-----------------	---

2.1. Маъруза машғулотининг ўқитиши технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза.
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Корпоратив бошқарув келиб чиқишининг асосий шартлари ва сабаблари.</p> <p>2. Неоклассик ва институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси: таққослама таҳлил.</p> <p>3. Корхона назариясидаги замонавий корпорация: молиялаштириш, мулкчилик, назорат.</p> <p>4. Парадигма: акциядор-манфаатдор томонлар.</p> <p>5. Корпоратив бошқарувнинг замонавий ривожланиш назарияси.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади Корпоратив бошқарув назариясининг эволюциясини ўрганиш	
Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талабалар:</p> <ul style="list-style-type: none"> - корпоратив бошқарув келиб чиқишининг асосий сабаблари аниқлайди. - институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси таҳлилини амалга оширади. -корхоналар заминида замонавий корпорация қиёфасини куриб ўтилади


-корпоратив бошқарувнинг замонавий ривожланиш назариясини ўрганади	шархлайди;
Ўқитиш услуги ва техникаси	Маъруза, муаммоли ҳолатларни ечиш, синквейн, ЎТВ/КТ, блиц-сўров, график органайзер: кластер, концептуал жадвал.
Ўқитиш воситалари	Проектор, тарқатма материал, график органайзерлар, доска, бўр
Ўқитиш шакли	Индивидуал, фронтал, умумжамоа ва жуфтликда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Проектор ва компьютер билан таъминланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар , вақти	Фаолият мазмуни	Талабанинг
	ўқитувчининг	
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларини эълон қиласди. 1.2. Режа ва муаммоли ҳолатларни ифодаловчи саволларни экранга чиқаради.	1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар. 1.2. Эътибор берадилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Асосий категория ва тушунчаларни ва маъруза оҳирида ечиладиган масалаларни намойиш қиласди. 2.2. Ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари маълум қилинади.	2.1. Аниқлик киритадилар. Саволлар беради.
3-босқич. Асосий (55 мин.)	3.1. Қўйидаги саволни ўртага ташлайди: Корпоратив бошқарувнинг вужудга келиш сабаблари? Ана шу савол бўйича билимларни мустаҳкамлаш учун “Синквейн” усулидан фойдаланган ҳолда (10-илова) ҳар бир омилга таъриф беради. Корпоратив бошқарувнинг вужудга келиш сабабларини акс эттирувчи чизмани намойиш қиласди. 3.2. Трансакция ҳаражатлари назарияси нима? 3.3. Мулоқатлар назариясига таъриф беринг? 3.4. Мулкчилик хукуқлари назарияси 3.5. Шериклар назариясини талқин қилинг	3.1. Омилларни санайди. Таърифларни ёзиб оладилар. 3.2. Ёзиб оладилар, мухокама қиласдилар. Гурухлаш мезонини тушунтирадилар. Ёзадилар
4-босқич.	4.1. Мавзуга хулоса ясайди. Ўқув жараёнида	4.1. Эшитади.

Якуний (10 мин.)	фаол иштирок этган талабаларни рафбатлантиради. 4.2.Мустақил ишлаш ва назарий билимларни мустаҳкамлаш учун саволарни беради: менежер, истъмолчилар, акционерлар, тижорат корхоналари, давлат органлари “Синквейн” мисоли ёрдамида таъриф беришни топширади.	Аниқлаштиради. 4.2. Топшириқни ёзиб оладилар.
---------------------	--	--

1-илова
Визуал материаллар
Корпоратив бирлашмалари шакллари



2 илова
Корхоналарда корпоратив бошқарувнинг ривожланишини эволюцион босқичлари

Босқичлар	Оралиқ даврлар	Тадқиқот олиб борган олимлар	Белгилари	Тадқиқот объектлари	Натижалари
I-босқич	1932-1980 йиллар	А.Берли, Г.Минза	Турли хил кўринишдаги мулкчилик шакларининг иқтисодий самарадорлигига бағишланган бир неча эмпирик тадқиқотлар олиб борилган	Тадқиқотларнинг асосий қисми Инглиз-Америка мамлакатлари мисолида ўрганилган	Мулкчиликнинг турли хил кўринишлари ва шакллари бўйича хуросалар ишлаб чиқилган. Бу босқичдаги асосий муаммо деб мулқдорларнинг ўзаро ички зиддиятлари кўрсатилган

II-босқич	1980-1997 йиллар	С.Гроссман, О.Харт, Ж.Мур, Э.Маскин, Ж.Тироль	Корпоратив бошқарув механизмлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган	Молия бозорлари, Кузатув кенгаши, акциядорларнинг хуқуқлари, стейкхолдерларнинг моҳияти ва вазифалари тадқиқ этилган	Корпоратив бошқарув моделлари хусусиятлари бўйича алоҳида хуросалар ишлаб чиқилган. Корпоратив бошқарув моделларига таъриф берилган
III-босқич	1997-1999 йиллар	Ла Порта, А.Шлейфер, Х.Демзең, Л.Бебчук	Турли хуқуқий тизимларнинг корхона фаолиятига таъсири тўғрисидаги эмпирик тадқиқотлар натижалари таҳлил этилди	Турли хуқуқий тизимларнинг корхонага таъсири ўрганилди	Хуқуқий тизим-корпоратив бошқарувнинг муҳим ташқи омилларидан бири эканлиги илмий жиҳатдан исботланди
IV-босқич	1999-2003	Р.Рэджен, Л.Зингалес, А.Радыгин, Р.Энтов	Корпоратив бошқарувга комплекс ёндашилди	Корпоратив бошқарув сифатини баҳолашнинг ягона рейтинг тизимини яратиш тўғрисидаги илмий тадқиқотлар олиб борилди	Рейтинг тизимини жорий этиш орқали корпоратив бошқарувнинг ички механизмларига таъсири ўрганилди

3 илова Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг шаклланиш даврлари

Бос-кичлар	Оралиқ даврлари	Номланиши	Белгилари	Натижалари
1.	1990-1992 йиллар	Асосларни шакллантириш	Мулкий муносабатларнинг хуқуқий асослари шакллантирилди	Корпоратив бошқарувнинг назарий асосларини яратиш бўйича изланишлар

2.	1993-1995 йиллар	Мулкий муносабатларни ислоҳ этиш	Дастлабки акциядорлик жамиятлари ҳамда кичик ва хусусий корхоналар вужудга келтирилди	Корпоратив бошқарув амалиёти корпоратив бошқарув элементларининг вужудга келишини таъминлади
3.	1996-2002 йиллар	Корпоратив бошқарув муносабатларининг шаклланиши	“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хуқуқларини химоя қилиш хақидаги”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилиниши билан Ўзбекистонда корпоратив бошқарув тизимининг тўлақонли шаклланиши ҳал қилувчи босқичга кирди	Корпоратив бошқарув ҳақида жамиятда тасаввур пайдо бўлди, мулкдорлар синфи шаклланиши, бизнес ривожланишида корпоратив тузилмаларнинг аҳамияти ошди
4.	2003-ҳозиргача	Корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 24 январдаги “Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улущи ва аҳамиятини тубдан ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Фармони ва ундан кейинги меъёрий хужжатларнинг қабул қилиниши корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга замин яратди	Давлатнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича саъи-харакатларнинг натижалари яққол кўринди. Акциядорлик жамиятлари йириклиштирилди, кузатув кенгаши ваколатлари кенгайтирилди, корпоратив маслаҳатчи, аудитор хизмати институтлари жорий этилди ва ҳ.к.

Агентлик низо тушунчаси

Агентлик низосини ҳал қилиш үсүллари

- йирик мулк әгалари, институционал инвесторлар ва кредиторлар, директорлар Кенгаши томонидан амалга ошириладиган мониторинг
- корпоратив назорат бозори демак, душманларча босиб олиш таҳдиidi
- компенсация схемалари ва қўриниб турмайдиган рағбатлари
- -мулк эгаси ва менежер ўртасида мулокот ўрнатиш харажатлари;
- мулк эгасининг менежерни назорат қилиш харажатлари;
- менежернинг ўзини - ўзи чеклаш харажатлари;
-қолдик йўқотишлар

5-илова

Қарзнинг агентлик харажатлари

қарз шартномаси
ёзиш харажатлари

менежернинг юқори
рискли инвестиция-
лардан йўқотишлари

мониторинг ва ўзини
- ўзи чеклаш ха-
ражатлари

Корпорация фаолиятидаги барча шериклар ўзларининг қуидаги мақсадларини кузайди:

■ Менежерлар – индивидуал мақсадлар, масалан, меҳнатга тўланадиган ҳақни максимал қилиш, уларнинг профессионал малакаси кўрсаткичи сифатида компания активларини ошириш, ходимлар штатининг ўсиши ва бошқалар;

■ Ходимлар индивидуал мақсад сифатида меҳнатга тўланадиган ҳақни максимал қилишни кўзлади;

■ истеъмолчилар айирбошлишдан олинадиган фойданинг максимал бўлишини мақсад қилиб қўйган;

■ тижорат ҳамкорлари корпорация билан шартномаларни амалга оширишдан операцион фойданинг максималлаштиришга ҳаракат қиласди;

■ молиявий воситачилар ва молиявий ресурслар таъминотчилари индивидуал мақсадлар сифатида айланманинг ўсиши, кредит имкониятлари ва бошқалар учун корпорациянинг молиявий воситаларига эга бўлиш имкониятларини олишни кўзлади;

■ облигациялар эгалари облигацияларга фоиз тўловлари ва облигациялар курс қийматининг максимал бўлишини мақсад қилиб қўйган;

■ давлат тартибга солиш органлари корпорациядан олинадиган

**Агентлик муносабатлари қуидагилардан иборат бўлган агентлик
харажатларига олиб келади:**

“Синквейн” (5 қатор) техникаси

Мақсад – категорияга характеристика бериш

Синквейн схемаси:

1-қатор – тушунча

2-қатор – тушунчани тавсивловчи 2 сифат

3-қатор – ушбу тушунча вазифалари тўғрисидаги 3 та феъл

4-қатор – ушбу тушунча моҳияти тўғрисидаги 4 сўзли сўз биримаси

5-қатор – ушбу тушунча синоними.

2.2. Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Мунозарали семинар
Семинар машғулоти режаси	<p>1. Корпоратив бошқарув келиб чиқишининг асосий шартлари ва сабаблари.</p> <p>2. Неоклассик ва институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси: таққослама таҳлил.</p> <p>3. Корхона назариясидаги замонавий корпорация: молиялаштириш, мулкчилик, назорат.</p> <p>4. Парадигма: акциядор-манфаатдор томонлар.</p> <p>5. Корпоратив бошқарувнинг замонавий ривожланиш назарияси.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: Корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши сабаблари, корпоратив бошқарувнинг назарий асослари, фирма назарияси, трансакцион ҳаражатлар, мuloқатлар назарияси, мулкчилик хуқуқлари назарияси борасидаги билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш.	
Педагогик вазифалар: мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш; дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш; иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш ва ўз фикрини ифодалаш кўникмаларини ривожлантириш.	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - мавзудаги асосий тушунчалар, корпоратив бошқарувнинг назарий асослари ва ҳар бир назариянинг мазмунини ёрита оладилар; - уларни гуруҳлай олади, тизимлаштиради ва фарқлай олади;
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали семинар, сухбат, ақлий ҳужум.
Ўқитиш шакли	Жамоада ва гуруҳларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, маркер,

	скоч, А32 Ф қоғоз, конспектлар
Үқитиши шароитлари	Гурухларда ишлашга мүлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	талаба
	ўқитувчи	
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қиласди уларнинг аҳамиятини ва актуаллигини асослайди.</p> <p>1.2. Семинар мунозара тарзида ўтишини эълон қиласди.</p> <p>1.3. Билимларни фаоллаштириш мақсадида “Сиз қандай янги корпоратив бошқарувга оид атамалар билан танишдингиз?” саволи билан мурожаат қиласди.</p> <p>1.4. Мунозара қоидаларини эслатади.</p>	Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабаларни мунозара саволлари билан таништиради</p> <ul style="list-style-type: none"> - трансакцион ҳаражатлар нима? - мулоқатлар назарияси нима? - мулкчилик назарияси нима? - ишлаб чиқаришнинг умумий ва пировард натижаларини айта оласизми? <p>2.2. Талабалар мунозарасини ташкил этади. Ҳар бир жавобнинг мазмунига ва мантиқлилигига эътибор беради. Саволллар беришни таклиф этади. Турли нуқтаи назарлар тингланади ва умумлаштиради. Ҳар бир савол муҳокамаси умумий хулоса билан тугайди.</p> <p>2.3. Талабаларнинг қўшимча саволларига жавоб беради.</p>	<p>2.1. Эшитадилар ва жавобларни тайёрлайдилар.</p> <p>2.2. Талабалар саволларга ўз нуқтаи назарларини билдирадилар, қўшимчалар қиласдилар ва саволлар берадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Семинар машғулотини якунлайди саволлар бўйича хулосалар чиқаради, мунозара иштирокчиларини баҳолайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради. (Мавзу бўйича масалалар)</p>	Эшитадилар. Хулосаларни ёзиб оладилар. Топширикни оладилар.

1-илова.

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услугбиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган

холда сўзла.

4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;

5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истеҳзоли ёндаш;

6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маъruzачиларнинг тақдимотларин эълон қиласди.

2. Маъруза 5 минут давом этади.

3. Тақризчи – 2 минут.

4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.

5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

2-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Мунозара иштирокчилари			
	Маъruzачилар (Ф.И.Ш.)			
	1	2	3	4
1. Маъruzанинг мазмуни (2,5):				
2. мавзуга мос келиши (1,5);				
3. - мантиқийлик, аниқлик (0,5);				
4. хуносаларни қисқалиги (0,5);				
5. Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалилик) – (0,9).				
6. Регламент (0,6)				
7. Жами (4,0)				
8.	Тақризчилар (Ф.И.Ш.)			
9. Маъruzанинг тавсифи (3,0)				
10. маъruzанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2)				
11. маъruzанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2)				
12. Регламент (0,6)				
13. Жами (3,0)				
14.	Оппонентлар, иштирокчилар (Ф.И.Ш.)			
15. Саволлар:				
16. ҳар бири учун (0,3)				
17. Қўшимча				
18. ҳар бири учун (0,3)				
19. моҳияти бўйича (0,3)				
20. Жами (3,0)				

Муҳокама ва хулосалар чиқариш учун саволлар

1. Корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши сабаблари
2. Корпоратив бошқарувнинг назарий асослари
3. Трансакция харажатлари назарияси
4. Мулоқотлар назарияси
5. Имплицит шартномаси.
6. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси.
7. Корпоратив бошқарувнинг назарий манбалари.
8. Риск турлари ва уни диверсификациялаш.
9. Модильяни - Миллер теоремаси
10. Йенсеннинг эркин пул оқимлари назарияси

З-мавзу.	Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари
-----------------	--

3.1. Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар	
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот маъруза биргаликда ўқиш усули ва Б.Б.Б жадвали график органайзеридан фойдаланган ҳолда.	
Маъруза машғулотининг режаси	1. Корпоратив бошқарувнинг моделлари (англо – америка, германия ва япония моделлари) ва ҳусусиятлари. 2. Корпоратив бошқарув моделларининг мамлакатлардаги ҳусусиятлари. 3. Моделларнинг таққослалама таҳлили: ўхшашликлари, фарқлари, ривожланиш истиқболлари. 4. Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан корпоратив бошқарув тизимидағи корпоратив бошқарувни амалга ошириш тамойиллари. 5. Корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари. 6. Корпоратив назоратнинг шакллари ва моделлари. 7. «Кимматли қоғозлар бозори», «Акциядорлик жамиятлари» түғрисидаги қонунларда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий жиҳатлари.	
Ўқув машғулотининг мақсади: Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари түғрисида талабаларда аниқ тасаввур ҳосил қилиш.		
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> - Корпоратив бошқарувнинг моделларини ёритиш; - моделларнинг таққослалама таҳлили; - корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий жиҳатлари; 	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: <ul style="list-style-type: none"> -Корпоратив бошқарувнинг моделларини айтиб берадилар; -корпоратив бошқарув моделларининг таққослашни билади; -корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий асосла- 	

- Корпоратив бошқарув моделларининг мамлакатлардаги хусусиятларини куриб ўтади.	рига таъриф берадилар; -корпоратив бошқарув моделларининг мамлакатлардаги хусусиятларини айтиб берадилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Ахборот маъruzаси, Инсерт, блиц-сўров, презентация, график органайзер техникалари, аниқ ҳолатларни ечиш, Б.Б.Б.
Ўқитиш шакли	Фронтал маъруза, индивидуал, гурӯҳ билан ишлаш
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, қоғоз, маркер, КТ/ОТВ, доска, бўр
Ўқитиш шароитлари	Жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-bosқич. Кириш (10 мин)	<p>1.1. Ўқув машғулотининг мавзуу ва режасини маълум қиласди. Эришадиган натижалар билан таништиради.</p> <p>Мазкур машғулот муаммоли тарзда ўтишини эълон қиласди.</p>	<p>1.1. Эшитадилар ва ёзиб оладилар.</p>
2-bosқич. Асосий (60 мин)	<p>2.1. Талабалар эътиборини режадаги саволлар ва улардаги тушунчаларга қаратади. Блиц-сўров ўtkазади.</p> <p>2.2. Билимларни янада аниқлаштириш мақсадида Б.Б жадвалини дафтарга чизишни таклиф этади (1-илова). Доскага чиқаради.</p> <p>2.3. Муаммоли саволларни ўртага ташлайди ва уларни биргаликда ўқишига чорлайди:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Корпоратив бошқарув моделларининг хусусиятлари? 2. Корпоратив бошқарув тамойиллари? Бу саволларга жавоб бериш учун аввал корпоратив тизим, модел, бошқариш босқичлари ёритиб беради. Корпоратив моделларининг афзаллик ва камчиликларини тушунтириб беради. 2.4. Муаммони ҳал қилиш учун қўйидаги саволларга аниқлик киритади. 1. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) корпоратив бошқарув тамойиллари айтиб беринг? 	<p>2.1. Талабалар жавоб берадилар, дафтарларига чизадилар, жадвалнинг 1,2 устунларини тўлдирадилар.</p> <p>2.2. Муаммога эътиборни қаратадилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Ёзиб оладилар ва ўз билимлари билан солиштирадилар.</p> <p>2.4. Муаммо юзасидан ўз ечимларини таклиф қиласдилар. Мунозара қиласдилар. Жавоб берадилар.</p>

	<p>2. Корпоратив бошқарувнинг ўзбек модели?</p> <p>3. Евроакциядорлар корпоратив бошқаруви асосий тамойиллари? деган саволлар схемалар ва жадваллар ёрдамида жавоб беради.</p> <p>2.5. Ўзбекистон республикасида корпоратив бошқарув масалалари қандай ҳал қилинмоқда? деган саволни ўртага ташлайди.</p> <p>Корпоратив бошқарувни ифодаловчи чизмани намойиш қиласди.</p>	<p>2.5. Оптимал ечимлар юзасидан таклифлар берадилар. Б.Б. жадвалининг 5-устунини тўлдирадилар.</p>
3-босқич Якуний (10 мин)	<p>3.1. Мавзуга хулоса қиласди.</p> <p>3.2. Режадаги натижага эришишда фаол иштирокчиларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа беради: “Корпоратив бошқарув моделининг зарурлиги” мавзусида Эссе ёзишни топширади.</p>	<p>Эшитадилар, ўзларини тўғрилайдилар. Ёзиг оладилар</p>

1-илова.

Б./ Б. /Б техникасини қўллаш қоидалари

№	Мавзу саволи	Биламан	Билишни хохлайман	Билдим
1	2	3	4	5
1.	Директорлар кенгаши			
2.	Ревизион комиссия			
3.	Саноқ комиссияси			
4.	Акционерлар йигилиши			
5.	Давлат вакили			
6.	Инвесторлар			
7.	Кредиторлар			
8.	Аудиторлик компания			
9.	Истъемолчилар			
10.	Капитал			
11.	Молиявий бозор			
12.	Асосий восита			
13.	Айланма маблағлар			

Визуал материаллар

2-илова.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) корпоратив бошқарув тамойиллари

Биринчи тамойил - акциядорлар учун фойдани максималлаштириш. Компания унинг акциядорлари энг юқори фойда олиши учун ишлайди. Бунда у акциядорлар (мулк эгалари) ёки менежментнинг бирон гурухи эмас, балки барча акциядорлар манфаатларига риоя қилиши лозим.

Иккинчи тамойил – молиявий ахборотларнинг очиқлиги. Акциядорлар, шунингдек, тартибга солиш органлари (Ўзбекистонда бу молия бозорлари бўйича Федерал хизмат хисобланади) учун компания молияси ҳақида халқаро бухгалтерия ҳисоби андозалари бўйича тайёрланган ва мустақил аудитор текширувидан ўтказилган ахборот очиб берилиши лозим.

Учинчи тамойил - компания мулкининг шоффофлик таркиби, менежмент билан боғлик, 5% дан ортиқ акцияларга эга бўлган, акциядорларнинг аффилланган таркиби.

Тўртинчи тамойил - оддий акциялар “битта акция – битта овоз” қоидаси бўйича овоз беради. Ушбу тамойилга Ўзбекистон Республикасида риоя қилинади. Акциядорлар қабул қилиши лозим бўлган муҳим қарорлар доим ҳам айнан акциядорларни олган акциялари даражасида қабул қилинмайди.

Бешинчи тамойил – директорлар Кенгашини компания акциядорлари сайлайди. Кенгаш уларнинг олдида ҳисбот беради, шунингдек, мустақил директорлар кенгашига компания менежерлари хисобланмаган шахсларни қамраб олади.

Олтинчи тамойил – корпорацияда рафбатлантириш тизими (иш ҳақи, мукофотлар, опционлар ва ҳакозо) акциядорлар манфаатларига жавоб бериши лозим. Бу компания ходимлари ёки унинг акциядорлари эканлигини, ёки компанияда акцияларни бонус сифатида олишини англатади. Агар менежер унга компаниянинг аҳволига боғлик бўладиган қарорлар қабул қиласа, унинг иш ҳақи корхонанинг капиталлашув даражасига тўғридан - тўғри боғлик бўлиши лозим.

Еттинчи тамойил - корпорациялар қайси мамлакатда фаолият юритаётган булса, ўша мамлакатнинг қонунларига амал қилишлари шарт.

Саккизинчи тамойил – ҳукуматлар ва корпорациялар доимий мулоқотда бўлади.

З-илова.

ЭССЕ

Эссе – таклиф этилган мавзуга 1000 дан 5000 гача сўз ҳажмидаги иншо.

Эссе – бу муаллифнинг таъкидлаб ўтадиган индивидуал позициясидаги эркин ифода этиш шакли; қандайдир предмет бўйича умумий ёки дастлабки дунёқарашни ўз ичига олади.

Йигирма дақиқалик эссе

Йигирма дақиқалик эссе – ўрганилаётган мавзу бўйича олинган билимларни умумлаштириш, мушоҳада қилиш мақсадида ўқув машғулотида охирида 20 дақиқа оралиғида олиб борилади.

3.2. Семинар машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти - 2-соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли семинар
Семинар машғулотининг режаси	<p>1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш.</p> <p>2. Умумдавлат вазифаларини бажаришда хўжалик жамоалари қатнашишини таъминлаш.</p> <p>3. Мудофаа, ижтимоий-иқтисодий, экологик масалаларни ҳал этиш. Табиий монополияни тартибга солиш.</p> <p>4. Давлат инвестицион активларини бошқаришнинг жавобгарлиги.</p> <p>5. Давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашиши.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш механизмини ўрганиш	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, мустаҳкамлаш; - дарслик билан ишлаш кўниммаларини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўнимма-ларини ривожлантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш таъриф беради; - умумдавлат вазифаларини бажаришда хўжалик жамоалари қатнашишини таъминлашни ёритади; - Табиий монополияни тартибга солишнинг мазмунини ёритади; - давлат инвестицион активларини бошқаришнинг йўлларини кўрсатиб беради.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Муаммоли усул, ақлий хужум, блиц-сўров, график органайзер.
Ўқитиш шакли	Фронтал, колектив, гурухларда
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проект, флипчарт, маркер, доска бўр
Ўқитиш шароитлари	Гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1bosқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзуу, режа ва мақсад, семинар машғулотининг режаси маълум қилинади.	1.1. Эшитади ва ёзадилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Асосий тушунчалар бўйича блиц-сўров ўтказади (1-илова). Бир неча жавобларни эшитади ва фаолият кичик грухларда давом этишини айтади. 2.2. Асосий тушунчалар бўйича категориялар таснифини тайёрлашни айтади (2-илова).	2.1. Эшитадилар, саволлар берадилар. 2.2. Жавоб берадилар.
3-босқич. Асосий (50 мин.)	3.1. Талабаларни 6 та кичик грухларга бўлади ва топшириқ беради: 1) асосий тушунчалар бўйича категорияларни таснифлаш; 2) ишнинг натижаларини презентация шаклида тайёрлаш; 3) берилган топшириқ бўйича умулаштирувчи хулосалар чиқариш. Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (3-илова). Грухда ишни бошланганини эълон қиласди. Грухлар ишларига маслаҳат беради. 3.2. Презентация жараёнини ва жамоа бўлиб муҳокама қилишни ташкил қиласди. 3.3. Ўзлаштириш даражасини текширилади: ҳар бир талабага саволлар тўпламини тарқатади текшириш мақсадида (4-илова).	3.1. Грухларда ишлайдилар. - жамоа бўлиб маълумотларни тизимлаштиради; - категориялар жадвалини презентация қоғозларига ёzádi. 3.2. Презентацияни тақдим этади, саволларга жавоб беради. 3.3. Жавдвални тўлдиради ва топширади.
4-босқич. Якуний (10 мин.)	4.1. Мавзууни яқунлайди, иштирокчиларни баҳолайди ва рағбатлантиради. 4.2. Мустақил иш сифатида “Корпоратив бошқарувнинг ўзбек модели” эссе ёзиш топширади.	Эшитадилар ва топшириқни ёзиб оладилар.

Асосий тушунчалар

Бошқарув моделлари, корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари, евроакциядорлар корпоратив бошқаруви тамойиллари

1-илова

2-илова.

Категорияларни тавсифлашни ўтказиш қоидаси

- Гурухда “Ақлий хужум” ўтказасиз ва мавзу бўйича барча тушунчаларни ёзиб оласиз.
- Бирон-бир белгиси бўйича олинган маълумотларни умумлаштирувчи категорияларни аниқлайсиз.
- Категорияни қозогга ёзинг ва олинган маълумотларни маълум мезонлар бўйича тақсимланг.
- Тақсимлаш жараёнида бирон-бир категорияни номини ўзгартириш ёки кўшиш мумкин.

3-илова

Мавзу бўйича назорат саволлари

<i>Саволлар</i>	<i>Жавоблар</i>
1.Корпоратив бошқарувнинг моделлари	
2.Корпоратив бошқарувнинг ўзбек модели.	
3.Корпоратив бошқарувнинг инглиз - америка модели.	
4. Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятлари.	
5. Корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари.	
6.Евроакциядорлар корпоратив бошқаруви асосий тамойиллари	

4-мавзу.**Давлатнинг корпоратив секторда иштироки**

4.1. Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўкув машғулотининг шакли	Визуал маъруза, икки томонлама таҳлил.
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1 Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш.</p> <p>2.Умумдавлат вазифаларини бажаришда хўжалик жамоалари қатнашишини таъминлаш.</p> <p>3.Мудофаа, ижтимоий-иктисодий, экологик масалаларни хал этиш. Табиий монополияни тартибга солиш.</p> <p>4.Давлат инвестицион активларини бошқаришнинг жавобгарлиги.</p> <p>5.Давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашиши.</p> <p>6.Давлат ишонч вакилининг вазифалари.</p> <p>7.Давлат ишонч бошқарувчиси.</p> <p>8.Хусусийлаштириш бўйича дастур.</p>

	9.Давлатнинг жамоавий инвестициялаш механизмида инвестор сифатида қатнашиши.
Үқув машғулотининг мақсади:	Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштиришни тушунтириш.
Педагогик вазифалар:	<p>- умумдавлат вазифаларини бажаришда хўжалик жамоалари қатнашишини таъминлашни аниқлайди.</p> <p>-Мудофаа, ижтимоий-иктисодий, экологик масалаларни ҳал этиш. Табиий монополияни тартибга солишни изоҳлайди</p> <p>-Давлат инвестицион активларини бошқаришнинг жавобгарлигини изоҳлайди</p> <p>-Давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашишини таърифлайди</p> <p>-Давлат ишонч вакилининг вазифаларини ўрганади.</p>
Үқитиш услуби ва техникаси	Маъзуза, ҳикоя, ахборот, бошқару усуллари
Үқитиш шакли	Гурӯхий, колектив
Үқитиш воситалари	Маъзуза матни, проектор график органазаер
Үқитиш шарт-шароити	Жиҳозланган аудитория

Маъзуза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	талаба
	ўқитувчи	
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Маъзуза мавзуси ва режаси эълон қилинади. Авлалги мавзуга савол-жавоб орқали боғланади.	1.1.Эшитадилар, ёзадилар, жавоб берадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	2.1.Мавзуни ёритиш учун муаммоли саволларни таклиф этади. 2.2. Дарс аввалида ва сўнгига “билим-билдим” жадвалини тўлдириш учун саволлар тарқатилади. 2.3.Корпоратив стратегияни ёритиб беради. 2.4.Корпорацияларнинг молиявий сиёсатини ёритиб беради.	2.1.Муаммоли саволларга эътибор берадилар: «билим-билдим» жадвалининг 1-устунини тўлдирадилар. 2.2.Эшитадилар, ёзадилар. 2.3.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тўлдиради.

	<p>2.5.Стратегик режалаштириш тизимини ёритиб беради.</p> <p>2.6.Б.Б.Б. жадвалининг 2-устунини тўлдиришни таклиф этади.</p>	
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Мавзуга хулоса чиқаради. Асосий масала устида тўхталади. Б.Б.Б. жадвалини тўлдиришдаги савол-жавобларни таҳлил қиласди ва фаол талабаларни баҳолайди.</p> <p>3.2.Мустақил иш учун топшириқлар беради: муаммоли саволларга тайёргарлик кўриш.</p>	<p>3.1.Эшитадилар, саволларини беради ёзиб оладилар.</p> <p>3.2. Топшириқларни ёзиб оладилар.</p>

1-илова.

Б.Б.Б. методи асосида тарқатма материаллар

	Тушунча	Биламан “+”, Билмайман “-”.	Билдим “+”, Билаолмадим “-”.
1	корпоратив бирлашма		
2	Корпоратив бошқарув мақсадлари		
3	Корпоратив ижтимоий масъулият		
4	молиявий тузилма		
5	инвестор		
6	Кузатув кенгаси		
7	контрагентлар		
8	даромад		
9	харажат		
10	лойиха		
11	қарз капитали		

2-илова

Визуал материаллар.

Давлат акциялар пакетларини бошқаришнинг мақсадлари



3-илова.

Маъруза юзасидан муаммоли саволлар:

1-савол.

1. Корпоратив бошқарувнинг америка тизими
2. Корпоратив бошқарувнинг ўзбек модели.
3. Корпоратив бошқарувнинг инглиз - америка модели.

2-савол.

1. Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятлари.
2. Ички аудит хизмати ҳақида низом
3. Корпоратив бошқарув глобал тамойиллари



1-расм. Корпоратив бошқарув моделлари.
Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятлари

Моделларнинг ху- сусяйтлари	Инглиз-Америка модели	Германия модели	Япон модели
Ижтимоий қадриятлар тизими	Шахсиятпаратлик, танлов эркинлиги	Ижтимоий ҳамкорлик	Ҳамкорлик ва ишонч
Меҳнат жамосининг роли	Пассив	Фаол	Фаол қатнашув
Молиялаштиришнинг асосий усули	Фонд бозори	Банклар	Банклар
Ахборотлардаги номутаносиблик	Менежмент	Менежмент	Бош банк
Инвестициялаш муддати	Қисқа муддатли	Узок муддатли	Узок муддатли
Капиталнинг қиймати	Юқори	Ўрта	Паст
Капитал бозори	Юқори ликвидитли	Ликвидитли	Нисбатан ликвидитли
Асосий иқтисодий бирлик (йирик бизнес учун)	Компания	Холдинг	Молия-саноат гурухи
Менежментни тақдирлаш	Юқори	Ўрта	Паст
Акциядорлик капиталининг тузилмаси	Тарқалган	Кучли жамланган	Жамланган

4.2. Семинар машғулотининг ўқитиши технологияси

Вақти - 2-соат	Талабалар сони: 30 нафар		
Ўқув машғулотининг шакли	Мустақил ишлаш кўниммаларини ҳосил қилиш бўйича муаммоли семинар.		
Семинар машғулотининг режаси	1.Давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашиши. 2.Давлат ишонч вакилининг вазифалари. 3.Давлат ишонч бошқарувчиси. 4.Хусусийлаштириш бўйича дастур. 5.Давлатнинг жамоавий инвестициялаш механизмида инвестор сифатида қатнашиши		
Ўқув машғулотининг мақсади:	мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш, тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш.		
Педагогик вазифалар:	– мавзу бўйича билимларни тизимлаштириш, Талаба: -давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашиши айтиб бериш.		

мустаҳкамлаш. – дарслик билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш. – иқтисодий ахборотлар-ни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш.	2.Давлат ишонч вакилининг вазифалари буйича тушунча бериш 3.Давлат ишонч бошқарувчиси вазифасини аниқлаш. 4.Хусусийлаштириш бўйича дастурни ўрганиш. 5.Давлатнинг жамоавий инвестициялаш механизмида инвестор сифатида қатнашиши буйича муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўллади.
Ўқитиш услуби	Муаммоли усул, блиц-сўров.
Ўқитиш шакли	Фронталь, жамоа ва гурухларда ишлаш.
Ўқитиш воситалари	Маъзуза матни, проектор, флипчарт, маркер, конспектлар
Ўқитиш шарт-шароити	Гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзуу, режа ва мақсад, семинар машғулотининг режаси маълум қилинади.	Эшитадилар ва мавзуни ёзадилар
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Муаммоли масалаларни ўқиб беради муаммони шакллантиради ва муаммоли дарс қоидасини эслатиб ўтади (1-илова).</p> <p>2.2. Билимларни фаоллаштириш мақсадида асосий тушунчалар борасида блиц сўров ўтказади (илова 2).</p> <p>2.2. Талабаларни гурухларга бўлади ва уларга гурухлар эътиборига вазифани ҳавола қиласди. Уйга вазифа сифатида берилган муаммоли саволларнинг жавобларини гурухларда ўзаро муҳокама қиласди ва презентацияга тайёрлайди.</p> <p>2.3. Гурух сардорлари муҳокамани, ўз презентацияларини тақдимот қилишига таклиф этади.</p> <p>2.4. Ноаниқликларни аниқлаштиради, саволларга жавоб беради. Бажарилган ишларни гурухлар фаолиятини баҳолайди. Ўзлаштириш даражасини</p>	<p>2.1. Эшитадилар, эслайдилар. Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.2. Гурухларда ишлайдилар тақдимотга тайёрланадилар.</p> <p>2.3. Рақиб гурухга саволлар беради. Мунозарада иштирок этади.</p> <p>Эшитадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>2.4. Саволларга жавоб берадилар.</p>

	аниқлаш учун назорат саволлари беради.	
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Мавзуни якунлайди, умумий хулоса чиқаради иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун топшириқ: “Ўзбекистон миллий валютасини муоммалага киритилиши ва уни мамлакат иқтисодиёти учун аҳамияти”.</p> <p>“Давлатнинг корпоратив сектордаги роли” мавзуларидан бирига реферат ёзиш.</p>	Эшитади, аниқлаштиради ва топшириқни ёзиб оладилар.

1-илова.

Тестлар

1) Жамият манзили қўрсатилган юмaloқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам қўрсатилиши мумкинми.

- А) фирма номи давлат тилида ёзилиши лозим
- Б) фирма номи давлат тилида ҳамда бошқа тилда ҳам қўрсатилиши мумкин
- В) лотин имлосида ёзилиши лозим
- Г) мумкин эмас

2) Жамиятнинг манзили қандай белгиланади.

- А) Давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.
- Б) Жамиятнинг муҳрига кўра белгиланади
- В) Тузилган шартномага кўра белгиланади
- Г) Чет эл инвесторларига қулай шароитдан келиб чиқиб белгиланади
- Д) Маҳаллий бошқарув органлари томонидан белгиланади

3) Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари юзасидан кимнинг мол-мулки билан жавобгар бўлади.

- А) ўзига тегишли активлари билан
- Б) ўзига тегишли барча мол-мулки билан
- В) акциядорларнинг акциялари билан
- Г) акциядорларнинг мол-мулки билан
- Д) барча жавоблар тўғри

4) Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жамият олдида.....

- А) жавобгар бўлади
- Б) жавобгар бўлмайди

- В)қонун билан белгиланмаган
Г)маълум қисмини тўлашга кўмаклашади
Д)тўғри жавоб келтирилмаган

5)Агар жамиятнинг ночорлиги (банкротлиги) жамият учун мажбурий кўрсатмаларни бериш хуқуқига эга бўлган акциядор сифатидаги шахснинг ғайриконуний хатти-харакатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, мазкур акциядор зиммасига жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича.....

- А)солидар жавобгарлик юклатилиши мумкин
Б)жавобгар эмас
В)субсидиар жавобгар юклатилиши мумкин
Г)солидар ва субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин
Д)давлатнинг ижтимоий кўмагидан фойдаланилади
6)Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўладими?
А)бўладилар
Б)бўлмайдилар
В)қонунда кўрсатилмаган
Г)фақат акциядорлар жавобгар ҳисобланади
Д)тўғри жавоб кўрсатилмаган

7)Жамият давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўладими?

- А)бўладилар
Б)бўлмайдилар
В)қонунда кўрсатилмаган
Г)фақат акциядорлар жавобгар ҳисобланади
Д)тўғри жавоб кўрсатилмаган

8) Акциядорлик жамиятларининг шакллари

- А)ОАЖ ва ЁАЖ
Б)МЧЖ ва ҚМЖ
В)концернлар ва конгломератлар
Г)синдикат ва трестлар
Д)тўғри жавоб кўрсатилмаган

9)Очиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони

- А) камида 3та
Б) камида 5та
В) камида 1та
Г) камида 2та
Д)чекланмайди

Ўқув материаллар

Корпоратив бошқарув тамойиллари

Корпоратив бошқарув халқаро тамойиллари қуидаги ифодаланади. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ) корпоратив амалиёти ва оқилона ишбилиармонлик меъёрлари. Бу ҳужжат 1997 йил Европа тикланиш ва тараққиёт банки томонидан “Купере энд Лайбрэнд” компанияси билан биргаликда компанияларга нуфузли кредиторлар ва инвесторлар томонидан инвестиция қарорлари қабул қилишда қайси жиҳатлар кўпроқ ҳисобга олинишини яхши тушуниш мақсадида тайёрланган. ЕТТБ корпоратив амалиёти ва оқилона ишбилиармонлик меъёрларига мувофиқ компанияларга манфаатдор томонлар билан ўзаро муносабатларда қуидаги тамойилларга амал қилиш тавсия этилади:

1. Мижозлар билан ўзаро муносабатлар:
 - чиқарилаётган товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар юқори сифатли ва рақобатбардош нархи;
 - товар ва хизматлар ҳақида тегишли тарзда хабардор қилиш;
 - муносабатларда ўзок муддатли истиқбол.
2. Ходимлар билан ўзаро муносабатлар:
 - меҳнат қонунчилигига, жумладан, меҳнатни ҳимоя қилиш ва гигиена меъёрларига риоя қилиш;
 - ишга қабул қилиш, ҳақ тўлаш, хизмат бўйича ҳаракатланиш ва камситилмаслик бўйича аниқ тамойиллар мавжудлиги;
 - ходимларнинг касаба уюшмалари фаолиятида қатнашиш хуқуқини ҳимоя қилиш.
3. Таъминотчилар билан ўзаро муносабатлар:
 - аниқ ва ошкора харид тамойиллари;
 - Ҳисоб рақамлар бўйича ўз вақтида тўлаш;
 - порахўрликни таъқиб қилиш;
 - манфаатли битимлардан воз кечиш.
4. Жамоатчилик билан ўзаро муносабатлар:
 - маҳаллий аҳолининг фикри ва манфаатларини ҳисобга олиш;
 - атроф - муҳитни асрараш бўйича талабларга риоя қилиш.
5. Давлат органлари ва маҳаллий ҳукуматлар билан ўзаро муносабатлар:
 - солиқлар тўлаш;
 - барча мажбурий меъёрларга амал қилиш;
 - барча зарур рухсатнома ва лицензиялар олиш;
 - манфаатдорликнинг йўқлиги.
6. Компаниянинг акциядорлар билан ўзаро муносабатлари энг муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан оқилона ишбилиармонлик меъёрларида қўйидаги тавсиялар мавжуд:
 - компанияни бошқариш таркибиға нисбатан;

- компания низомида акциядорлар ва бошқарув органларининг вазифалари ва мажбуриятларининг аниқ белгилаб қўйилиши;
- ваколатларнинг ижроия органи, директорлар кенгаши ва умумий йигилиш ўртасида аниқ тақсимланиши;
- акциядорлар ҳуқуқларига нисбатан;
- акциялар йирик пакетларининг реал эгалари ва овоз бериш қоидаларини эълон қилган ҳолда акциядорлар таркибига нисбатан ошкоралик;
- акцияларнинг “майдаланиб” юборилиши ёки бошқа йўқотишлардан ҳимоя қилиш учун майда акциядорлар ҳуқукларини ҳурмат қилиш;
- ахборотни очиб беришга нисбатан;
- акциядорлар билан мунтазам ва очиқ алоқа. Аудитор томонидан тасдиқланган ҳисоботлар, компания фаолияти ҳақида маълумотлар ва раҳбарият томонидан қабул қилинган асосий қарорлар бўйича йиллик ҳисоботга киритилган ишлаб чиқариш - молия фаолияти шархи қўринишидаги изоҳлар тақдим этиш;
- директорлар Кенгашига нисбатан;
- директорлар Кенгашида самарали ишлаш учун вақт ва билимнинг, шунингдек, зарур маълумотларнинг мавжудлиги. Мустақил қўмиталар ташкил қилиш (тафтиш қўмитаси, мукофот қўмитаси, ишга тайинлаш қўмитаси);
- директорларнинг битим тузишдан манфаатдорлиги ҳақидаги ахборотни очиб бериш (манфаатлар низоси);
- харажатлар ва қарама - қаршиликлар тизимиға нисбатан;
- компаниянинг стратегик мақсадлари ва сиёсати ҳақида, компанияга жиддий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ходисалар ҳақида ахборот тақдим этиш, бошқарув органларини барча муҳим жиҳатлар ҳақида тегишли тарзда хабардор қилиш:
- тегишлича ички назорат, ахборот алмашиниш ва жамоа бўлиб қарор қабул қилиш; манфаатлар тўқнашувини аниқлаш жараёни мавжудлиги; компания фаолиятини раҳбарият томонидан самарали назорат қилиш, жумладан, пул маблағлари ҳаракатини назорат қилиш;
- директорлар кенгашига ҳисбот берадиган малакали ички тафтишчилар ва назоратчилар мавжудлиги; мустақил ташқи аудиторлар мавжудлиги.

Евроакциядорлар корпоратив бошқаруви асосий тамойиллари 1990 йил Европа акциядорлар (қисқача номи- Евроакциядорлар) ассоциациялари Конфедерацияси ташкил қилинган бўлиб, унинг таркибига саккизта миллий акциядорлар ассоциацияси (Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Испания, Франция ва Швеция) кирган. Ташкилотнинг асосий вазифаси – Европа Иттифоқи алоҳида акциядорларининг манфаатларини ифодалаш, майда акциядорларни ҳимоя қилиш, капиталлар бозори очиқлигини таъминлаш, Европа компанияларида акциядорлик капитали қийматини ошириш, корпоратив бошқарув масалаларини қўллаб - қувватлаш ҳисобланади.

Европа иттифоқи ҳамкорлиги ташкилоти (ЕИХТ)нинг бешта тамойили асосида Евроакциядорлар ўз дастурларини, Корпоратив бошқарув асосий

тамойилларини ишлаб чиққан бўлиб, унда компания мақсадлари, овоз бериш ҳукуқлари, қўшиб олишдан ҳимоя қилиш, ахборот ҳукуки ва директорлар кенгашининг ролига нисбатан қатор тавсиялар акс эттирилган. Улар куйидагилардан иборатдир:

- компания аввало узоқ муддатли истиқболда акциядорлик капитали қийматини максималлашга интилиши лозим. Компаниялар ўз молиявий мақсадлари ва стратегиясини ёзма шаклда аниқ кўрсатиши ва буни йиллик хисоботга киритиши лозим;
- компания табиати, ҳажми, структураси ва рискига жиддий таъсир эътувчи асосий қарорлар ва компания акциядори учун жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган қарорлар акциядорлар томонидан тасдиқланиши ёки акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилиниши лозим;
- қўшиб олишга қарши ҳимоя воситалари ёки акциядорлар таъсирини чеклайдиган бошқа воситалардан қочиш зарур;
- қўшиб олиш ва бирлаштириш жараёнлари тартибга солиниши, бу қоидаларга амал қилиниши назорат остида бўлиши лозим;
- агар акциядорнинг мулк улуши белгиланган миқдорга етадиган бўлса, бундай акциядор қолган акцияларни оқилона шартларда, яъни компания устидан назоратни қўлга киритиш учун тўлов сифатида тўланадиган нархда сотиб олиши керак;
- компаниилар акциялар қийматига таъсир этиши мумкин бўлган ахборотни, шунингдек, 5% мулк чегирмасидан ўтган (камайган ёки қўпайган) акциядорлар ҳақида ахборотни дарҳол маълум қилишлари лозим. Бу талабга риоя қилинмаган ҳолларда жиддий жарима чоралари қўлланади;
- аудиторлар мустақил бўлиши ва акциядорлар умумий йиғилишида сайланиши лозим;
- акциядорлар йиғилиш кун тартибига масалалар киритиш имкониятига эга бўлиши лозим;
- ахборот тарқатиш оддий каналларидан ташқари, компания акциядорларга акциялар қийматига таъсир этиши мумкин бўлган ахборотни етказиш учун электрон воситалардан фойдаланиши лозим;
- акциядорлар кенгашнинг камидан битта аъзосини сайлаш ҳукуқига, шунингдек, Кенгаш аъзосини бўшатиш масаласини кўтариш имкониятига эга бўлишлари лозим. Сайлангунга қадар акциядорлар Кенгаш таркиби сайлаш учун номзодлар таклиф қилиш имкониятига эга;
- Кузатув кенгаши аъзоси сифатида бир поғонали тизимда ҳам, икки поғонали тизимда ҳам ноижрочи директорларнинг Кенгаш таркибидаги аъзолиги 12 йилгача бўлган муддат билан чекланиши лозим;
- Кенгаш таркибida Кенгаш собиқ ижрочи аъзолари қаторидан бўлган биттадан ортиқ ноижрочи аъзо бўлиши мумкин эмас.

Мустақил иш учун топшириқ ушбу мавзулардан бирига реферат ёзинг:

- “Ўзбекистон Республикаси корпоратив бошқарув модели тамойиллари”.
- “Корпоратив бршқарув муаммолари ва ечимлари”.

3-илова.

Мунозара қатнашчилариға эслатма

- Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
- Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
- Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларинни жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
- Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
- Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истеҳзоли ёндаш;
- Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

- Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қиласди.
- Маъруза 5 минут давом этади.
- Тақризчи – 2 минут.
- Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
- Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

4-илова.

Блиц-сўров учун саволлар

- Товарнинг 2 хусусиятидан қайси бири асосий?
- Товар қийматининг миқдорига таъсир этувчи омиллар қайсилар?
- Пул сотиладими, сотилса қиймати нимага teng бўлади?
- Товарнинг нафлиилиги ва аниқ меҳнат ўртасида қандай боғлиқлик бор?
- Товарнинг алмашув қиймати ва абстракт меҳнат ўртасида қандай боғлиқлик бор?
- Товар қийматининг асосини нималар ташкил этади?

5-илова.

Муаммоли семинарга саволлар

1-савол.

Корпоратив бошқарувда давлат вакилининг қатнашиши ва унинг вазифалари

2-савол.

Корпоратив бошқарувда давлат томонидан белгиланган чеклашлар мавжудми?

3-савол.

Давлат акциядорлик жамиятларида бошқарув тартиблари қандай амалга оширилади?

4 савол

Корпоратив бошқарувда қандай тамойилларга асосланган ҳолда ишни амалга ошириш лозим?

5 савол

Акциядорлик жамиятларида ички аудит тизими вазифаларини айтиб ўтинг?

6 савол

Давлат акциялар пакетларини бошқаришнинг мақсад ва тамойиллари

7 савол

Давлатнинг "олтин акция"дан фойдаланиш тартиби

8 савол

Давлат пакетини ишончли бошқариш бўйича шартномаларни тузища корхоналарда корпоратив бошқарув тизимининг юқори самарадорлигини таъминлаш

9 савол

Давлат акциялар пакетларини бошқаришнинг мақсадлари

5-мавзу.	Жаҳон молиявий - иқтисодий инқирози шароитида корпорацияларнинг фаолият кўрсатиш механизми ва уларнинг хусусиятлари
-----------------	--

Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўкув машғулотининг шакли	Ахборот, визуал маъруза, "Инсерт", "Венна" диаграммаси техникасини қўллаган ҳолда.
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1.Корпорацияларнинг хўжалик субъекти сифатида тушунчаси ва уларни ташкил қилиш тамойиллари.</p> <p>2.Ўзбекистон Республикасида «корпорация» тушунчаси, интеграцион ривожланиш стратегияси.</p> <p>3.Корпорация шаклланишида интеграцион жараёнлар харакатланувчи восита сифатида.</p> <p>4.Интеграция кўринишлари ва корпоратив интеграция турлари.</p> <p>5.Корпоратив тузилмаларнинг ташкилий турлари.</p> <p>6.Жаҳон молиявий-иктисодий инқирози шароитида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизми.</p>

Ўқув машғулотининг мақсади: талабаларга корпорациялар ва уларнинг хусусиятлари тўғрисида чуқурроқ билим бериш.

Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <p>1.Ўзбекистонда корпорациялар-акциядорлик жамияти сифатида.</p> <p>2."Ўзбекистон Республикаси хиссадорлик</p>
<p>-корпорацияларнинг мазмуни-ни ёритиш;</p> <p>-корпорацияларнинг молиявий муносабатлари билан таниш-</p>	

тириш; -Корпорацияларнинг асосий ва айланма маблағлари таркиби; -Корпорацияларнинг асосий, инвестицион ва молиявий опе- рациялари таҳлили; -Корпорацияларнинг молиявий-иқтисодий курсаткичлари .	жамиятлари тўғрисида”ги қонун таҳлили. 3. Корпорациялар ривожланишининг инте- грацион стратегияси босқичлари. 4. Корпорацияларнинг интеграция турлари ва типлари. 5. Корпоратив тузилмалар тузишнинг таш- килий турлари ва тавсифига гурухлайдилар.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Мунозарали маъруза, инсерт, фикрлар хужуми, блиц-сўров, кластер ЎТВ/КТ
Ўқитиш шакли	Фронтал, гурухий, жуфтликда ишлаш
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, график орган- зайзерлар, доска, бўр
Ўқитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Дарснинг аввалида талабаларга маърузалар матни ва ўкув топшириқларни тарқатади (1-илова). 1.1. Машғулот мавзусини эслатади ва кутилаётган натижани ва дарсни олиб бориш тартибини маълум қиласди.	1.1. Эшитадилар, ва маъруза матнни оладилар.
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Жуфтликка ажralишларига топшириқ беради. Маъруза матн ва ўз нуқтаи-назаридан, ОАЖ, ЕАЖ асосий фарқлари, бўйича муҳокама қилиш ва саволларга жавоб беришни таклиф этади. Блиц-сўров ўтказади.	2.1. Топшириқларни бажаради, муаммоларни жуфтликда муҳокама қиласди, саволларга жавоб беради.
2-босқич. Асосий (55 мин.)	2.1. Маъруза матнидан келиб чиққан ҳолда қуидаги савонни ўйлаб кўришни тавсия этади. 1. Корпоратив структуралар тузишнинг ташкилий турлари тавсифи? 2. киши бўлиб савонни муҳокама қилишни тавсия этади. 2.2. Диаграмма “Вена” асосида вазифа- сини беради. -“ Корпорацияларнинг интеграция тур- лари ва типлари мавжуд?” саволига жа-	2.1. Маъруза мат- нидаги белгиларга эътибор берадилар. 2.2. Саволга жа- воб берадилар. “Инсерт” жадва- линин тўлдирадилар.

	<p>воб беришни таклиф этади.</p> <p>2.3. Синдикат ва картельнинг афзаликлари ва мавжуд камчиликларини сабабларини ўйлашни таклиф этади.</p> <p>Бу савол бўйича камчиликларни тўлдиради, хатоларни тўғирлайди ва хулоса чиқаради.</p> <p>2.4. Корпорацияларнинг интеграцион ривожланиш стратегиялари ўрганилади.</p> <p>2.5. Корпорациялар ривожланишининг интеграцион уч босқичли стратегиясини айтиб ўтинг.</p>	<p>2.3. Дафтарларига “Вена” диаграммасини чизадилар ва тўлдирадилар.</p> <p>2.4. Савонни муҳокама қиласидилар ва жавоб берадилар.</p> <p>Афзаликлари ва камчиликларини санаб берадилар.</p> <p>2.5. Мисоллар келитирадилар</p>
3-bosqich. Асосий (10 мин.)	<p>3.1. “?” белгиси қўйилган ноаниқ қолган саволларга жавоб беради.</p> <p>3.2. Мавзуга хулоса қиласиди ва фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради.</p> <p>3.3. Уйга топшириқ беради.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>

1-илова.

Блиц-сўров учун саволлар

- Горизонтал интеграциялашнинг асосий белгилари нималардан иборат?
- Вертикал интеграциянинг асосий белгиларини айтиб беринг.
- Консорциум нима?
- Корпорацияларнинг молиявий муносабатлари кимлар билан амалга оширилади?
- Корпорацияларда молиявий менежерларнинг вазифаларини кўрсатинг.
- олинади?
- Корпорацияларнинг молиявий курсаткичларини айтиб беринг

2-илова.

Венна диаграммаси

Конгломерат

Холдинг

1.

4.

1.

2.

5.

2.

3.

3.

3-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиши ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-ўрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чикиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлади.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантириди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Трест				
Ассоциация				
Синдикат				
Картель				
Конгломерат				
Холдинг				

4-илова.



5.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўкув машғулотининг шакли	Муаммоли масалаларни ҳал этиш ва билимларни чукурлаштириш кўникмаларни ривожлантириш бўйича семинар

Семинар машғулотининг режаси	1.Корпорацияларнинг хўжалик субъекти сифатида тушунчаси ва уларни ташкил қилиш тамойиллари. 2.Ўзбекистон Республикасида «корпорация» тушунчаси, интеграцион ривожланиш стратегияси. 3.Корпорация шаклланишида интеграцион жараёнлар ҳаракатланувчи восита сифатида. 4.Интеграция кўринишлари ва корпоратив интеграция турлари. 5.Корпоратив тузилмаларнинг ташкилий турлари.
------------------------------	--

Ўқув машғулотининг мақсади: корпорациялар фаолияти талабаларга чуқурроқ билим бериш

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба:
- маъruzada олинган кўнималарини ҳосил қилиш; - билимлар тизмилаштириш, таққослаш, умулаштириш, корпорация фаолиятини таҳлил қилиш; - дарслик билан ишлаш кўнималарини ҳосил қилиш; - иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўнималарини ривожлантириш.	- корпорациялар вазифаларини санаб беради; - конгломерат ва МСГ лари фарқини очиб бериш; - корпорацияларнинг молиявий ресурслари мазмунини ёритади; - ОАЖ ва ЁАЖ лари афзалликлари ва камчиликларини фарқлайди; - акционер жамиятларининг молиявий ресурсларни доиравий айланишини тавсифлайди; - корпорацияларнинг ишлаб чиқариши ва фойданинг тақсимланиши механизмини гапиради; - Корпорацияларнинг дивиденд сиёсатини тавсифлайди.
Ўқитиши услуби ва техникаси	Конференция – семинар, ақлий хужум, тест, блиц-сўров, презентация
Ўқитиши воситалари	Маъруза матни, ўқув қўлланма, проектор, доска, бўр, А32 бичимидағи қофоз, маркер
Ўқитиши шакли	Гурухий, индивидуал, жамода ишлаш
Ўқитиши шароитлари	Проектор, компьютер технологиялари билан таъминланган намунаидаги аудитория.

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	талаба
	ўқитувчи	
1-bosqich. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, режа ва кутилаётган мақсад, семинар машғулотининг режаси ҳамда уни ўтказиш тартибини маълум қилинади. Экранга баҳолаш мезонини чиқаради (1-илова).	1.1. Эшитадилар ва мавзуни ёзадилар

2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Экранга тестларни чиқаради (2-илова), тест олади ва текширади. 2.2. Тест натижаларини таҳлил қиласи ва хатоларга тўхталиб ўтади.	2.1. Тест саволларига алоҳтида жавоб танлайди. 2.2. Тест натижаларини таҳлил қиласи.
3-босқич. Асо- сий (55 мин.)	3.1. Талабаларни 3 та гурӯхга бўлади ва топшириқларни қайтаради (3-илова). Иш якунланганда қандай натижага эга бўлиши кутилаётгани билан таништиради. Ақлий хужум ёрдамида муаммоли саволларни ечиш қоидалари билан таништиради (4-илова). 3.2. Тақдимотни намойиши ва ўзаро баҳолаш натижаларни ҳал этишни ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартиба солади, ўқув жараёнини бажарилишида ккелинган хулосаларга эътибор қаратади.	3.1. Топшириқларни бажаради: -гуруҳ сардори муаммони ҳал этишни ва презентацияни тайёрлашни ташкиллаштиради. 3.2. Презентация билан таништиради. Ўз фикрларини айтади, саволлар беради, бошқа гуруҳларни баҳолайди.
4-босқич. Якуний (10 мин.)	4.1. Мавзуни якуnlайди, иштирокчиларни баҳолайди, рағбатлантиради. 4.2. Мустақил иш учун топшириқ беради: келгуси мавзу бўйича маъruzani ўқиб келиш, маъruzachilarга саволлар тайёрлаш. Реферат мавзуларини тақсимлайди, маъruzachi, оппонентларни белгилайди муҳокама тартиби билан таништиради.	Эшитадилар ва аниқлаштирадилар. Реферат мавзуларини ёзиб оладилар.

1-илова.

Ишларни баҳолаш қўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир талаба қўрсаткич ва мезонлар бўйича бал йигади. 0,1 балдан тестнинг тўғри жавоби учун (максимал 3 балл)

Гур ух	1-топшириқ		2-топшириқ		Жавобн и лўндали ги (0,5)	Умум ий бал (2,6)
	Жавобн инг тўғрилиг и (0,4)	Асосланганл иги (0,4)	Кўргазмали лик (схема) (0,8)	Асосланган лик (0,5)		
1						
2						
3						

Тест.

- 1) Жамиятнинг манзили қандай белгиланади.
А) Давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.
Б) Жамиятнинг муҳрига кўра белгиланади
В) Тузилган шартномага кўра белгиланади
Г) Чет эл инвесторларига қулай шароитдан келиб чиқиб белгиланади
- 2) Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари юзасидан кимнинг мол-мулки билан жавобгар бўлади.
А) ўзига тегишли активлари билан
Б) ўзига тегишли барча мол-мулки билан
В) акциядорларнинг акциялари билан
Г) акциядорларнинг мол-мулки билан
- 3) Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жамият олдида.....
А) жавобгар бўлади
Б) жавобгар бўлмайди
В) қонун билан белгиланмаган
Г) маълум қисмини тўлашга кўмаклашади
- 4) Агар жамиятнинг начорлиги (банкротлиги) жамият учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган акциядор сифатидаги шахснинг файриқонуний хатти-харакатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, мазкур акциядор зиммасига жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича.....
А) солидар жавобгарлик юклатилиши мумкин
Б) жавобгар эмас
В) субсидиар жавобгар юклатилиши мумкин
Г) солидар ва субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин
- 5) Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўладими?
А) бўладилар
Б) бўлмайдилар
В) қонунда кўрсатилмаган
Г) фақат акциядорлар жавобгар ҳисобланади
- 6) Жамият давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўладими?
бўладими?
А) бўладилар

Б)бўлмайдилар

В)қонунда кўрсатилмаган

Г)фақат акциядорлар жавобгар ҳисобланади

7) Акциядорлик жамиятларининг шакллари

А)ОАЖ ва ЁАЖ

Б)МЧЖ ва ҚМЖ

В)концернлар ва конгломератлар

Г)синдикат ва трестлар

8)Очиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони

А) камида 3та

Б) камида 5та

Г) камида 2та

Д)чекланмайди

9)Ёпиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони

А)камида 2та

Б)камида 1та

В)камида 5та

Г)камида 3та

10)Жамиятнинг хар бир муассиси унинг акциядори бўлиши мажбурийми?

А)айрим ҳолларда мажбурий эмас

Б)мажбурий

В)агар ЁАЖ бўлса мажбурий эмас

Г)агар ОАЖ бўлса мажбурий эмас

3-илова.

Гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гурух

1-топшириқ. Ушбу фикр тўғриёки нотўғрилигини аниқланг (жавобни асосланг).

Корпорациялар асосан инвестицион фаолият билан шуғулланади.

2-топшириқ. Муаммоли саволга ақлий хужум усулида жавоб топинг.

Капиталлар таркибини аниқланг.

2-гурух

1-топшириқ. Ушбу фикр тўғриёки нотўғрилигини аниқланг (жавобни асосланг).

Корпорацияларнинг молиявий ахволи яхшиланишига молиявий дастакларининг таъсири борми?

2-топширик. Муаммоли саволга ақлий хужум усулида жавоб топинг.
Хиссадорлик капитали қиймати аниқланг

3-гурұх

1-топширик. Ушбу фикр түғриёки нотұғрилигини аниқланг (жавобни асосланг).

2-топширик. Муаммоли саволга ақлий хужум усулида жавоб топинг.

Корпорациялар молиявий ҳисботни қандай шаклларда топширади?

Корпорациялар қимматли қоғозлари тавсифи?

Корпорациялар маблағлари (ўз капитали, қарз капитал рентабаллиги) даромадлиигини аниқланг?

4-илова.

Ақлий хужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Алоқида ўйланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг агар улар тақрорланаёттан бўлса олдига белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гурух ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гурух муаммосини ечиш учун гурӯхлаштириш мумкин.

6-мавзу.	Корпоратив бошқарув органлари
Маъруза машғулотининг технологияси	
Вақти - 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Маъруза - конференция.
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Акциядорлар ва манфаатдор шахслар.</p> <p>2.Директорлар йиғилиши: таркиби ва тузилмаси. Директорлар йиғилишининг вазифаси ва мажбуриятлари. Директорлар қўмитаси.</p> <p>3.Мустақил директор: вазифаси ва роли. Мустақил директор кодекси.</p> <p>4.Ижро этувчи органларнинг шаклланиши ва иш фаолиятинг тугатилиши.</p> <p>1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Акциядорлар ва манфаатдор шахслар.</p> <p>2.Директорлар йиғилиши: таркиби ва тузилмаси. Директорлар йиғилишининг вазифаси ва мажбуриятлари. Директорлар қўмитаси.</p>

	<p>3.Мустақил директор: вазифаси ва роли.Мустақил директор кодекси.</p> <p>4.Ижро этувчи органларнинг шаклланиши ва иш фаолиятининг тугатилиши. Ижро этувчи органлар мажбуриятлари. Ижро этувчи органлар ва директорлар йиғилишининг ўзаро боғлиқлиги.</p> <p>5.Корпоратив котиб: мажбуриятлари ва жавобгарлиги. Ижро этувчи органлар ва директорлар йиғилишининг ўзаро боғлиқлиги.</p> <p>5.Корпоратив котиб: мажбуриятлари ва жавобгарлиги.</p>
--	---

Ўкув машғулотининг мақсади: бозор иқтисодиётига ўтиш даврининг зарурлиги ва унинг турли йўллари ҳақида талабаларга чуқурроқ билим бериш.

Педагогик вазифалар:	<ul style="list-style-type: none"> - корпоратив бошқарув органларининг зарурлигини асослаш; - корпоратив бошқарув органларининг вазифаларини аниқлаш; - Корпоратив бошқарув органларидан бири акциядорлик йиғилишининг моҳияти; - акциядорлар билан корпорациянинг ўз-аро муносабатларини тушунтиради. 	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Корпоратив бошқарув органларининг зарурлигини тушунтиради; - Корпоратив бошқарув органларининг таркибини ўрганади; - Корпоратив бошқарув органларининг вазифаларини кўриб чиқади; - Ижро этувчи органларнинг шаклланиши ва иш фаолиятининг тугатилиши; - Корпоратив котиб: мажбуриятлари ва жавобгарлиги
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза - конференция, муаммоли фикрлар хужуми, мунозара, презентация	
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график организерлар – ЎТВ/КТ	
Ўқитиш шакли	Фронтал, индивидуал, гуруҳ билан ишлаш,	
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория	

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-bosqich. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзу, унинг мақсади ва ўқув машғулотидан кўзланган натижаларни эълон қиласди. Машғулот маъруза конференция мунозара тарзида ўтишини эълон қиласди:</p> <p>1) мазкур машғулотда ҳал этиладиган маъруза мавзуларини таклиф этади (1-илова).</p>	<p>1.1. Маърузага тайёргарлик кўрадилар.</p> <p>Маърузачилар презентация тайёрлашлари ва реферат бўйича режа</p>

	<p>2) уларни ўқув фанини ўзлаштиришдаги мухимлигини, шунингдек, бўлажак мутахасисликни эгаллашдаги мухимлигини тушунтиради.</p> <p>3) маъruzaga тайёргарлик кўриш учун адабиётлар, журналларга йўналтиради.</p> <p>4) барча талабаларга маъруза матни бўйича маърузачиларга савол тайёрлашлари айтилади (2-илова).</p> <p>5) баҳолаш мезонлари билан таништиради (3-илова).</p> <p>6) тайёрланган рефератлар билан таништиради. Зарур ҳолатларда саволлар тузади.</p>	<p>тузишлари мумкин.</p> <p>Баҳолаш мезонлари билан танишади.</p> <p>Маъруза қилишга тайёргарлик кўради.</p>
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Маъруза ва ахборотлар юзасидан чиқишлиарни ташкил этади:</p> <ul style="list-style-type: none"> -мавзу мазмунининг ёритилишида мантиқийликка эътибор беради; -баён қилинаётган материални муҳокама қилиш зарурати туғилганда, маърузачини тўхтатиб, коллектив мунозарага имкон яратади. <p>2.2. Маърузанинг коллектив тарздаги муҳокамасини ташкил этади. Бошловчи билан бирга:</p> <ul style="list-style-type: none"> -саволлар беради; -асосий кўрсатмаларни аниқлаштиради; -докладга янгиликлар, статистик материалга эътибор қаратишни сўрайди. 	<p>2.1. Иштирокчилар маърузаларини ўқиб, эшитирадилар ёки оғзаки баён қиладилар.</p> <p>2.2. Иштирокчилар коллектив тарзда машғулотни муҳокама қиладилар.</p> <p>2.3. Экспертлар хар бир мавзу бўйича мунозара натижаларини баҳолайди.</p> <p>2.4. Энг яхши доклад рағбат сифатида университет конференциясига тавсия этилади.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Барча иштирокчиларнинг фаолиятини умумлаштириб, машғулотни якунлайди.</p> <p>3.2. Маъруза – конференциядаги докладчи, такризчи ва оппонентларнинг фаолигини баҳолайди.</p> <p>3.3. Олинган билим ва илмий изланиш кўнимкамларининг келажакдаги фаолиятда аҳамиятини таъкидлайди.</p> <p>3.4. Конференцияда иштирок этмаган талабаларга бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва камчиликлари мавзусида эссе ёзишни топширади.</p>	<p>3.1. Экспертлар:</p> <ol style="list-style-type: none"> 1)маърузачи тақризчи, оппонетларни тайёргарлигини белгилайди; 2)баҳолаш натижаларини эълон қилади. <p>3.2.Эшитадилар, аниқлик киритадилар, ёзадилар.</p>

	3.5. Мустақил иш учун вазифа беради Корпоратив бошқарув органлари (4-илова).	Топшириқни оладилар.
--	--	----------------------

1-илова.

Маъруза машғулоти докладлари мавзулари.

- Корпорация раҳбарининг ваколатлари ва маъсулияти.
- Давлатнинг корпорацияларни бошқаришдаги иштироки.
- Акциядорлик жамияти ижроия органи
- Акциядорлик жамияти кузатув кенгаши

2-илова.

Хуносани шакллантириш учун саволлар

- Корпоратив бошқарувни назорат қилиш
- Давлат вакили вазифалари
- Ижроя органлари вазифалари
- Кузатув кенгаши мажбуриятлари ва ваколатлари

3-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Мунозара иштирокчилари			
	Маърузачилар (Ф.И.Ш.)			
	1	2	3	4
Маърузанинг мазмуни (2,5):				
- мавзуга мос келиши (1,5);				
- мантиқийлик, аниқлик (0,5);				
- хуносаларни қисқалиги (0,5);				
Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалилик) – (0,9).				
Регламент (0,6)				
Жами (4,0)				
	Тақризчилар (Ф.И.Ш.)			
Маърузанинг тавсифи (3,0)				
маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2)				
маърузанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2)				
Регламент (0,6)				
Жами (3,0)				
	Оппонентлар, иштирокчилар (Ф.И.Ш.)			
Саволлар:				
- ҳар бири учун (0,3)				
Кўшимча				
- ҳар бири учун (0,3)				
- моҳияти бўйича (0,3)				

Жами (3,0)				
------------	--	--	--	--

4-илова.

Семинарга тайёргарлик кўриш учун саволлар

- 1.Очиқ акциядорлик жамияти
- 2.Ёпиқ акциядорлик жамияти
- 3.Акциядорларнинг умумий йиғилиши
- 4.Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори
- 5.Акциядорлик жамият умумийиғилишида иштирок этиш хуқуки
- 6.Жамият кузатув кенгашининг ваколатлари
- 7.Жамият кузатув кенгаш аъзоларини сайлаш ва тайинлаш
- 8.Жамият кузатув кенгашининг мажлиси
- 9.Жамиятнинг ижроия органи
- 10.Жамиятнинг ички аудит хизмати
- 11.Жамиятнинг тафтиш комиссияси
- 12.Халқаро шартномалар ва битимлар

Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти-2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш бўйича семинар
Семинар машғулотининг режаси	<p>1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Акциядорлар ва манфаатдор шахслар.</p> <p>2.Директорлар йиғилиши: таркиби ва тузилмаси. Директорлар йиғилишининг вазифаси ва мажбуриятлари. Директорлар қўмитаси.</p> <p>3.Мустақил директор: вазифаси ва роли.Мустақил директор кодекси.</p> <p>4.Ижро этувчи органлар мажбуриятлари. Ижро этувчи органлар ва директорлар йиғилишининг ўзаро боғлиқлиги.</p> <p>5.Корпоратив котиб: мажбуриятлари ва жавобгарлиги.</p>
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> бозор иқтисодиёти ва бозор борасидаги маърузада олинган билимларни чуқурлаштириш ва мустаҳкамлаш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> - маърузада олинган билимларни мустаҳкамлаш ва улар асосида докладлар тайёрлаш кўнималарини ҳосил қилиш; - билимлар тизмилаштириш, таққослаш, умулаштириш, иқтисодий категорияларни таҳлил	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: -Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Акциядорлар ва манфаатдор шахслар. -Директорлар йиғилиши: таркиби ва тузилмаси. Директорлар йиғилишининг вазифаси ва мажбуриятлари. Директорлар қўмитаси. -Мустақил директор: вазифаси ва роли.Мустақил директор кодекси.

қилиш жараёнларни ташкил этиш; - дарслик билан ишлаш кўникмаларини хосил қилиш; иқтисодий ахборотларни таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантириш.	-Ижро этувчи органлар мажбуриятлари. Ижро этувчи органлар ва директорлар йиғилишининг ўзаро боғлиқлиги. Корпоратив котиб: мажбуриятлари буйича муаммоли вазифаларни ҳал қилишда назарий билимларни қўлайди.
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Муаммоли усул, сухбат, ақлий хужум, мунозара, намойиш қилиш.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни А32 форматдаги қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари.
Ўқитиш шакллари	Коллектив, гурӯҳларда, индивидуал
Ўқитиш шароитлари	Гурӯҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	Талаба
1-bosqich. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қиласи уларнинг аҳамиятини ва актуалигини асослайди.</p> <p>1.2. Олинган билимларни текшириш мақсадида асосий тушунчалар борасида савол-жавоб ўтказади (5-илова).</p> <p>1.3. Дарс гурӯҳлада ишлаш технологиясидан фойдаланган ҳолда амалга оширилишини эълон қиласи. Гурӯҳда ишлаш қоидаларини эслатади. Иш тартиби ва регламентни аниқлаштиради (1,2-илова).</p>	<p>1.1. Эшитадилар, мавзуни ёзадилар, саволларга жавоб берадилар ва аниқлаштирадилар.</p>
2-bosqich. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабаларни 3-6 нафардан қилиб гурӯҳларга ажратади. Назорат ва натижаларни баҳолаш учун эксперtlар гурӯхини шакллантиради.</p> <p>Гурӯҳларга ўқув топшириқларини топширади (3-илова). Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (4-илова) билан, қандай қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкинлиги билан (дарслик, маърузалар матни билан таништиради. Гурӯҳларда ишлаш бошланганлигини эълон қиласи.</p> <p>2.2. Тақдимот ва натижаларни баҳолашни</p>	<p>2.1. Ўқув топшириқлари, баҳолаш мезонлари билан танишади, топшириқни гурӯҳга тақсимлайди, умумий маъruzani шакллантиради.</p> <p>2.2. Натижаларни презентация қиласи, назорат саволларига жавоб</p>

	ташкил этади. Изоҳлайди, жавобларни тартибга келтиради, асосан ишларни бажариш жараёнида шаклланган хулосаларни умумлаштиради.	беради. Колган иштирокчилар тақдимотни тўлдирадилар ва саволлар беради. Экспертлар баҳолайди
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Ўқув фаолиятини якуnlайди. Талабалар дикқатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида ғолиб бўлган гурухни аниқлайди ва баҳолайди. 3.2. Мустқил иш учун вазифа беради.	3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустқил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.

1-илова.

Семинарда ишлаш тартиби ва регламент


- Гуруҳда ишлаш ва презентацияни ёзиш – 20 мин.
- Ишнинг натижаларини тақдимот этиш – 5 мин.
- Жамоа бўлиб муҳокама қилиш ва гуруҳни баҳолаш – 5 мин.

2-илова.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
Ҳар бири гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим.

3-илова



Корпоратив бошқарувнинг тузилмаси
Гуруҳларга топшириклар.
1-гурӯҳ.

1-топширик. Тест.

- 1) АЖ тўғрисидаги қонунга мувофиқ жамият қандай муддатга тузилади?
- А)агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.**
- Б)уставида белгилаб берилган муддатга тузилади
- В) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, 10 йилга тузилади.
- Г) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чегараланган муддатга тузилади.
- Д) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, 20 йилга тузилади.
- 2) Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб
- А)жисмоний шахс хукуқларини қўлга киритади.**
- Б) давлатнинг имтиёзли хукуқларини қўлга киритади.
- В) хукуқий шахс хукуқларини қўлга киритади.
- Г)юридик шахс хукуқларини қўлга киритади.**
- 3) Жамият белгиланган тартибда қаерларда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир.
- А) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган банкларда
- Б) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидадан ташқаридағи банкларда
- В) Европа иттифоқига киравчи давлатларда
- Г)Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган банкларда ва ундан ташқаридағи ҳудудлардаги банкларда**
- 4) Жамият манзили кўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкинми.
- А) фирма номи давлат тилида ёзилиши лозим
- Б) фирма номи давлат тилида ҳамда бошқа тилда ҳам кўрсатилиши мумкин**
- В) лотин имлосида ёзилиши лозим
- Г) мумкин эмас
- 5) Жамиятнинг манзили қандай белгиланади.
- А)Давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.**
- Б) Жамиятнинг муҳрига кўра белгиланади
- В) Тузилган шартномага кўра белгиланади
- Г) Чет эл инвесторларига қулай шароитдан келиб чиқиб белгиланади

6)Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари юзасидан кимнинг мол-мулки билан жавобгар бўлади.

А)ўзига тегишли активлари билан

Б)ўзига тегишли барча мол-мулки билан

В)акциядорларнинг акциялари билан

Г)акциядорларнинг мол-мулки билан

7)Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жамият олдида.....

А)жавобгар бўлади

Б)жавобгар бўлмайди

В)қонун билан белгиланмаган

Г)маълум қисмини тўлашга кўмаклашади

8)Агар жамиятнинг начорлиги (банкротлиги) жамият учун мажбурий кўрсатмаларни бериш хуқуқига эга бўлган акциядор сифатидаги шахснинг ғайриқонуний хатти-харакатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, мазкур акциядор зиммасига жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда унинг мажбуриятлари бўйича.....

А)солидар жавобгарлик юклатилиши мумкин

Б)жавобгар эмас

В)субсидиар жавобгар юклатилиши мумкин

Г)солидар ва субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин

9)Давлат ва унинг органлари жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўладими?

А)бўладилар

Б)бўлмайдилар

В)қонунда кўрсатилмаган

Г)фақат акциядорлар жавобгар ҳисобланади

10)Жамият давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўладими?

бўладими?

А)бўладилар

Б)бўлмайдилар

В)қонунда кўрсатилмаган

Г)фақат акциядорлар жавобгар ҳисобланади

11) Акциядорлик жамиятларининг шакллари

А)ОАЖ ва ЁАЖ

Б)МЧЖ ва ҚМЖ

В)концернлар ва конгломератлар

Г)синдикат ва трестлар

2-гурӯҳ.

1-төмшүрик. Тест.

- 1)Очиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони
- А) камида 3та
Б) камида 5та
В) камида 1та
Г) камида 2та
Д)чекланмайди
- 2)Ёпиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони
- А)камида 2та
Б)камида 1та
В)камида 5та
Г)камида 3та
Д)чекланмайди
- 3)Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши мажбурийми?
- А)айрим ҳолларда мажбурий эмас
Б)мажбурий
В)агар ЁАЖ бўлса мажбурий эмас
Г)агар ОАЖ бўлса мажбурий эмас
Д)конунда кўрсатилмаган
- 4)Жамият қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкинми?
- А)айрим ҳолларда мумкин
Б)умуман мумкин эмас
В)агар ЁАЖ бўлса мумкин
Г)агар ОАЖ бўлса мумкин
Д)конунда кўрсатилмаган
- 5)Кимлар ЁАЖ акцияларини сотиб олади?
- А)ЁАЖ нинг муассислари
Б)олдиндан белгиланган доирадаги шахслар
В)ЁАЖнинг акциядорлари
Г)А,Б,В жавоблар тўғри
Д)конунда кўрсатилмаган
- 6)Ёпиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони
- А)50 дан кам**
Б)60 дан кам
В)50 дан кўп
Г)60 дан кўп

Д)чексиз бўлиши мумкин

7)Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга бўйича ёпиқ обуна ўтказишга ҳақлими?

А)айрим ҳолларда мумкин

В)мумкин эмас

Г)қонунда кўрсатилмаган

Д)тўғри жавоб келтирилмаган.

8)Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони

А)400000 та

Б)50000 та

В)давлат томонидан чегараланади

Г)200000 та

Д)чегараланмайди.

9)Агар ЁАЖ акциядорлари ушбу жамиятнинг бошқа акциядорлари сотаётган акцияларни учинчи шахсга таклиф этилаётган нархда ва шартларда, уларнинг ҳар бирига тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда қандай кўринишида берилади?

А)имтиёзли акциялар оддий акциялар кўринишида сотиб олиш хукуки берилади

Б)фақат оддий акциялар имтиёзли акция кўринишида имтиёзли эса оддий акция кўринишида сотиб олиш хукуки берилади

В)хар қандай акция оддий акция кўринишида сотиб олиш хукуки берилади

Г)хар қандай акция имтиёзли акция кўринишида сотиб олиш хукуки берилади

10)ЁАЖ нинг акциялари сони меъёрдан ошгандан қандай муддат ичida жамият ОАЖга айлантирилади?

А)3 ой

Б)4 ой

В)5 ой

Г)6 ой

11)ЁАЖда акциядорлар сотаётган акцияларни сотиб олишда имтиёзли хукуқдан фойдаланиш муддати

А)акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 30 кундан кам бўлиши мумкин эмас.

Б) акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 60 кундан кам бўлиши мумкин эмас.

В) акциялар савдога қўйилган пайтдан бошлаб 30 кундан кўп бўлиши мумкин эмас.

Д)А ва Г

3-гурух.

1-төширик. Тест.

- 1) Жамият филиаллар ташкил этиши ҳамда ваколатхоналар очиши мумкинми.
- А)мумкин**
- Б)мумкин эмас
- В)айрим ҳолларда давлат назоратида мумкин
- Г)қонунда күрсатилмаган
- Д)тўғри жавоб күрсатилмаган
- 2) Агарда жамият тузган филиал ва ваколатхоналар очса, унинг фаолияти бўйича ким жавобгар ҳисобланади?
- А)Филиал ва ваколатхона очиши мумкин эмас
- Б)Филиал ҳамда ваколатхона фаолияти учун жавобгарлик уларни тузган жамият зинмасида бўлади.**
- В)Агар айрим ҳолларда давлат томонидан тузилган бўлса давлат жавобган ҳисобланади.
- Г)қонунда күрсатилмаган
- 3) Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш мумкинми?
- А)мумкин**
- Б)мумкин эмас
- В)айрим ҳолларда давлат назоратида мумкин
- Г)қонунда күрсатилмаган
- 4) Агар жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиши мумкин бўлса, у қандай меъёрий хужжатлар асосида фаолият юритади?
- А)жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида филиаллар ташкил этиш ва ваколатхоналар очиш мумкин эмас
- Б)филиаллар ва ваколатхоналар жойлашган ердаги мамлакат қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади
- В)Ўзбекистон Республикаси меъёрий хужжатлар асосида
- Г)қонунда күрсатилмаган
- 5) Шўъба хўжалик жамияти асосий жамиятнинг айби билан начор (банкрот) бўлиб қолган ҳолларда асосий жамият шуъба хўжалик жамиятининг қарзлари юзасидан жавобгар бўладими?
- А)субсидиар жавобгар бўлади.**
- Б)солидар жавобгар бўлади
- В)жавобгар бўлмайди
- Г)қонунда күрсатилмаган
- 6) Шўъба хўжалик жамияти акциядорлари асосий жамиятдан унинг айби билан шуъба хўжалик жамиятига келтирилган зиённи тўлашни талаб қилишга ҳақлими.
- А)талаб қилиши мумкин эмас

Б)талаң қилиши мүмкін

В)давлат томонидан дотация берилади

Г)айрим солиқларда имтиёз берилади

7)Агар жамиятга қарашли овоз берувчи акцияларнинг қанчаси бошқа иштирокчи жамиятга қарашли бўлса, бу жамият тобе хўжалик жамияти деб тан олинади.

А)10 фиоздан зиёдроғи

Б) 15 фиоздан зиёдроғи

В)20 фоизидан зиёдроғи

Г)25 фиоздан зиёдроғи

4-илова.**Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балл)**

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Гурухлар		
	1	2	3
1-топшириқ (0,3)			
2-топшириқ:			
мавзуга мос келиши, кўргазмалилик (0,8);			
- мантиқийлик, аниқлик (0,5);			
3-топшириқ (0,5)			
4-топшириқ:			
хуносаларни аниқ шакллантирилганлиги (0,5);			
Регламент (0,2)			
Назорат саволларига тўғри жавоб учун (0,1)			
Бошқалар томонидан тўлдирилганлиги учун (0,1)			
Жами (3,0)			

5-илова.**Муаммоли саволлар.**

- Корпоратив бошқаришнинг ўзига хос хусусиятлари?
- Ўтиш даври корпорацияларда менежмент тизимини қандай самарали ташкил этиш мүмкин?
- Республикада фаолият курсатувчи акциядорлик жамиятларида ички аудит тизими шаклланганми ва қай ҳолатда?
- Корпорацияларда қимматли қоғозларни жойлаштириш ва у билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд?

7-мавзу.	Корпоратив низолар
Маъруза машғулотининг технологияси	
Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Ахборот визуал маъруза, аниқ ҳолатларни ечиш.

Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Корпоратив низо тушунчаси.</p> <p>2. Корпоратив низолар сабаблари ва иштирокчилари.</p> <p>3. Корпоратив низо турлари.</p> <p>4. Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлар.</p> <p>5. Корпоратив низоларда банкротлик жараёнини қўллаш.</p> <p>6. Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлардан ҳимоялаш.</p> <p>7. Корпоратив низоларни тартибга солиниши.</p> <p>8. Корпоратив муносабатларда ҳуқуқий тартибга солиш амалиёти</p>
Ўқув машғулотининг мақсади:	танланган мавзу буйича билимларни шакллантириш, бозор иқтисодиётини ривожланиши ва мувозанатга эришишида талаб ва таклифнинг аҳамиятини очиб бериш.
Педагогик вазифалар:	<p>Ўқув фаолиятининг натижалари:</p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Корпоратив низо тушунчасига таъриф беради - Корпоратив низолар сабаблари ва иштирокчиларини аниқлайди. - Корпоратив низо туркумини ўрганади - Ҳамкорликда бўлмаган қўшилиш жараёнини ўрганади - Корпоратив низоларда банкротлик жараёнини қўллаш усулларини куриб чиқади - Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлардан ҳимоялаш усулларини ўрганади - Корпоратив низоларни тартибга солиниши. - корпоратив муносабатларда ҳуқуқий тартибга солиш амалиётини куриб ўтади
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза, кластер, мунозара, техника: тақдимот, блиц-сўров, график органайзерлар.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, ЎТВ/КТ технологиялари, доска, бўр
Ўқитиш шакли	Фронтал маъруза, гурӯҳ ва жуфтликларда ишлаш
Ўқитиш шароитлари	Намунадаги аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчининг	талабанинг
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Маърузанинг мавзуси, мақсади ва режасини маълум қилади, машғулотдан кутилаётган ўқув натижалари билан таниширади.</p> <p>1.2. Машғулот давомида аниқ ҳолатларни таҳлил қилишга эътибор қилишни эслатади (талабалар кўлларида ўтган дарс охирида тарқатилган маъруза маъруза матнлари мавжуд).</p>	1.1. Тинглайди ва ёзадилар.
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Аввалги мавзуни эсга солиш ва маъруза матнни ўқиши натижасида нималарни ўргангандигини аниқлаш мақсадида, блиц-сўров ўтказади.</p> <p>Визуал метериаллар асосида маъруза ўқийди:</p> <ul style="list-style-type: none"> -низоларни келтириб чиқарувчи кучлар қандай бўлиши мумкин; -низолар ва уларнинг даражасига таъсир қилишини жадвал ва чизма, график ёрдамида тушинтиради; -низоларнинг келиб чиқишига таъсир қилувчи омиларни тавсифлайди. <p>Низоларни ечиш йўли бўйича кластер чизишни таклиф қиласи.</p> <p>2.2. График ва венна диаграммасининг тақдимотини ўтказади.</p>	<p>2.1. Эслайди, саволларга жавоб беради. Ёзиб боради.</p> <p>Талаб категорияга кластер тузадилар.</p> <p>2.2. Венна диаграммасини чизадилар. Формулаларни ёзадилар ва графикларни чизадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Мавзуга яқун ясайди, умумий хуносаларни шакллантиради, фаол иштирок этган талабаларни рағбатлантиради. Олинган билимларни аҳамиятини очиб беради.</p> <p>3.2. Пассив талабаларга қўшимча вазифа беради.</p> <p>3.3. Мустақил иш учун вазифа: мисол ва масалаларни ечиш (12-илова).</p>	<p>3.1. Эшитади, аниқлаштиради.</p> <p>Топширикларни ёзиб оладилар.</p>

Ўқув – визуал материаллари

1-илова.

Корпоратив низолар- деганда жамият акциядорлари ўратасида, жамият акциядорлари ва менежерлари ўртасида, инвесторлар (потенциал акциядорлар) ва жамият ўртасида вужудга келадиган, қуйидаги оқибатлардан бирига олиб келадиган келишмовчиликлар ва тортишувлар тушунилади:

Корпорация менежменти, акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасида белгиланадиган осабатлар тизимиға турли иқтисодий субъектлар гурухлари түндиктери менен ижозат берилади:

1. Давлат ва корпорация ўтасидаги муносабатларга давлат томонидан ижозат берилади ва у давлат-хукumat характерига эга бўлади.

2. Менежмент ва акциядорлар ўртасидаги алоқаларнинг муайян жиҳатлари корпорация бошқарув органлари томонидан амалдаги қонунчиллик доирасида қабул қилинган қўшимча битим ва келишувлар билан тартибга солиниши мумкин.

3. Менежмент ва бошқа манфаатдор шахслар ўртасидаги муносабатлар турли йўналишдаги характерга эга бўлиб, манфаатдор шахсларнинг корпорация учун ички ёки ташқи муҳитга мансублигига боғлиқ бўлади. Улар қонун хужжатлари ва жамиятнинг ички регламенти билан тартибга солина-

2-илова.

Низолар хилма-хиллигини қуйидаги тўрт турга ажратиш мумкин	
1.Йирик (мажоритар) ва майда (миноритар) акциядорлар муносабатлари низоси.	3.Четдан «нодўстона қўшиб олиш ташаббускорлари» тарафдорлари ва акциядорлар низоси.
2.Менежмент (акцияларсиз ёки акциялар кичик пакетига эга) ва акциядорлар низоси.	4.Ички акциядорлар (инсайдер) ва ташқи акциядорлар (аутсайдер) низоси.

3-илова.

Корпоратив шантаж - миноритар акциядорлар иштирокидаги, акциядорлик жамияти ёки унинг йирик акциядорларини миноритарлардан уларга тегишли акциялар пакетини бозор қийматидан қиммат нархга сотиб олиш ёки низони тұхтатиши учун воз кечиш ёки тұлашга ундашга йўналтирилган низолар.

4-илова.

Корпорация томонидан акциядорлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб кеопалигаң асод ғана жағдайлар

- Акциядорлар чекланган доирасыда жойлаштириладиган акциялар қўшимча эмиссияси (кўпинча бозор нархидан паст ёки ушбу компания учун етарли даражада истеъмол қийматига эга бўлмаган активлар билан тўлаш кузатилади).
- Компаниянинг стратегик активларини акциядорлар назорати остида бўлмаган фирмаларга ўtkазиш йўли билан ажратиб қўйиш (кўпинча қайта ташкил қилинган муассасалар ёрдамида).
- Аффилияцияланган шахслар гурухи томонидан назорат пакетини қўлга киритиш мақсадида акциялар пакетини «майдалаш».
- Аффилияцияланган шахслар гурухи томонидан назорат пакетини қўлга киритиш мақсадида акциялар пакетини «майдалаш».
- Акциядорлар билан мувофиқлаштириш бўйича зарур жараёнларни ўтказмаган ҳолда акциялар йирик пакетларини сотиб юбориши.

ваколатларини тұхтатиши, акциядорлик жамияти бошқарув органининг ишини тұхтатиб туриш, акцияларнинг қадрсизләниши билан таҳдид соладиган банкрот жараёни қўзғатиши.	таъсир кўрсатиши воситасида сунъий иқтисодий қийинчиликлар яратиши; қарзларни сотиб олиш;	акциядорлик жамияти фаолиятининг кўп сонли текширувларини ташкиллаштириш
-жамият ва унинг раҳбарларига нисбатан турли даъволар қўзғатиши	акциядорларга уларга тегишли акцияларни сотиши таклифи билан мурожаат қилиш	акциядорларга таъсир кўрсатиши мақсадида жамият ҳақида салбий ахборот чоп этиши;

6-илова.

БИЗНЕС-ҳолат

Акциядорлик жамият бош директори вазифасини тұхтатиш жараёни

Акциядорлар йиғилиш умумий қонун буйича, агарда ижроия органини шаклантириш директорлар кенгаши вазифасига кирмаса, унда ҳохлаган ҳоатда бош директорнинг фаолиятини тухташ ҳақида қарор қабул қилинди дейлик.

“Фотон” очиқ акциядорлик жамияти 1 октябр куни акциядорларнинг умумий йиғилишида бош директор Исаев В.А.нинг ваколатини тұхтатшиш ҳақида қарор қабул қылды ва ушбу лавозимга Кудратова К.М.ни тайинлади.

5 октябр куни овоз бериш ва саноқ комиссияси натижаларига асосан баённома тузилди ва имзоланди. Шу куннинг ўзида Кудратова К.М.га хизмат хонаси, техник воситалар ва ўз вазифасини бажариш учун керакли дастгоҳлар берилди.

8 октябр куни Кудратова К.М. билан меңнат шартномаси тузилди ва уни бош директор лавозимиға бириктириш буйруғи 10 октябр куни имзоланди.

Саволлар:

1. Қайси муддатдан бошлаб Кудратова К.М ҳужжатларга имзо қуиши, буйруқ чиқариш, шартнома түзиш ваколати берилди, Исаев В.А. қайси муддатда ўз ваколатини йүқтөді?
2. Агарда директорлар кенгаши раиси Кудратова К.М. нинг меңнат шартномасини имзоламаса, қандай хуқуқий ҳолатлар юзага келади?
3. Кудратова К.М.нинг ишга кириши ва Исаев В.А.нинг ишдан кетиши буйича буйруқларни ким имзолайди?

7.2. Семинар машғулотида үқитиши технологияси.

Вақти-2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Үқув машғулотининг шакли	Семинар-мунозара.
Семинар машғулотининг режаси	<p>1.Корпоратив низо тушунчаси.</p> <p>2.Корпоратив низолар сабаблари ва иштирокчилари.</p> <p>3.Корпоратив низо турлари.</p> <p>4.Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлар.</p> <p>5.Корпоратив низоларда банкротлик жараёнини қўллаш.</p> <p>6.Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлардан ҳимоялаш.</p> <p>7.Корпоратив низоларни тартибга солиниши.</p> <p>8.Корпоратив муносабатларда хуқуқий тартибга солиш амалиёти.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: мавзу бўйича билимларни чукурлаштириш, ўқув қўлланмаси билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.	

Педагогик вазифалар: - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрни шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гурухда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - копоратив низо тушунчасига таъриф беради; - корпоратив низога таъсир қилувчи омилларни санаб берадилар ва тушунтиради; - ҳамкорликда бўлмаганқушилишлар мазмунини ёритади; - корпоратив низони тартибга солиш йўлларини айтиб ўтади.
Ўқитиш усуллари	Муаммоли семинар, мунозара, техника: тақдимот, блиц-сўров, “Давра сұхбати”, Вена диаграммаси,
Ўқитиш воситалари	Маъруза матнлари, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қофоз вараклари.
Ўқитиш шакллари	Индивидуалл, фронтал, гурухлар, жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиш шароитилари	Техник таъминланган, гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўtkазиш режасини айтади. 1.2. Машғулот мунозара тарзида ўтишини маълум қиласди.	1.1. Диккат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич. Билимларни фаоллаштириш (10 мин.)	2.1. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қиласди ва шу асосида блиц-сўров ўtkазади (1-илова) 2.2. Иш гурухларда / жуфтликларда ўқув вазифани бажарилгандан сўнг “Муаммоли семинар” сифатида давом эттирилишини эълон қиласди. “Муаммоли семинар” қоидалари билан таништиради (2-илова). Гурухларда ишлаш қоидаларини эслатади.	2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар.

3-босқич. Асосий (55 мин.)	<p>3.1. Талабаларни 4 та гурӯҳларга ажратади. Давра сұхбатида мұхокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатади (3-илова).</p> <p>Вазифаны бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мүмкинлигини таъқидлайди.</p> <p>3.2. Гурӯҳларни ўзаро баҳолашни ташкил этади. Натижаларни баҳолаш ва рақларини тарқатади (4-илова).</p> <p>3.3. Гурӯҳларда иш бошлаганлигини эълон қиласи, маслаҳатлар беради.</p> <p>3.4. Презентацияларни тақдим этишларини таклиф қиласи ва мунозарани шакллантиради. Мунозара савол-жавобларига аниқлик киритади.</p> <p>Мунозара бўйича хуносалар қиласи.</p>	<p>3.1. Ўқув вазифаси оладилар ва танишиб чиқадилар.</p> <p>3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот ва рақларини расмийлаштиради.</p> <p>3.3. Бошқа гурӯҳлар учун саволлар тайёрлайди. Мунозарада иштирок этади. Ёзиб олади.</p>
4-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>4.1. Ишга якун ясайди умуий хуносалар қиласи талабаларни баҳолайди.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради: нон маҳсулотларига бўлган талаб ва тақлифни график тарзда ифодаланг. Келгуси мавзуни Инсерт усулида ўқиб келинг.</p>	<p>4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.</p>

1-илова

Блиц-сўров саволлари

Корпоратив низо

Менежмент

Акциядорлар низоси.

Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлар

Ёпик акциядорлик жамият

Очиқ акциядорлик жамиият

Ўқув материаллар

Компанияни ҳамкорликда бўлмаган қўшилишдан ҳимоя қилиш усуллари

Компанияни ҳамкорликда бўлмаган қўшилишдан ҳимоя қилиш усуслари қўйидагича:

1) корхона акцияларининг якуний харидори ким (буортмачи ким) эканлиги ва у қандай мақсадда корхона устидан назорат ўрнатиш истагида эканлигини аниқлаш;

2) акцияларни жавоб тариқасида сотиб олиш – энг тарқалган ҳимоя усули. Акциялар сотиб олишни эмитентнинг ўзи (ўз акцияларини ўз балансига ёки шўъба ташкилот балансига харид қилиш йўли билан), эмитентнинг акциядорлари ёки дўстона муносабатдаги ташқи инвестор («оқрицар») ташкиллаштириши мумкин;

3) реестр эгасини алмаштириш (реестр эгаси компания акциядорлари рўйхатига тўлиқ фойдаланиш хукуқига эга ва у ахборотни ноқонуний тарқатиши мумкин);

4) агрессор сунъий равишда компанияни қарздор қилиб қўймаслиги учун барча тўланмаган қарзларни сотиб олиш.

Агрессор сизнинг қарзларингизни сотиб олмоқда. Қарз тўланишидан бир неча кун олдин босқинчи-кредитор ўз счетларини ёпади, манзилини ўзгартиради, уч ойдан кейин эса судга қарздорни банкрот жеб эълон қилиш даъвоси билан мурожаат қилади;

5) қўйидаги мақсадда зудлик билан қайта ташкил қилиш:

-ЁАЖ ёки МЧЖга айлантириш;

-акцияларнинг ҳаммасини сотиб олиш ва миноритарийлардан халос бўлиш. Усуллардан бири масалан, акцияларнинг юзтасини биттага консолидациялаш ҳақидаги йиғилишда қарор қилиниши мумкин. Бу ҳолатда кичикроқ сонли акциялар эгалари касрли акцияларга (чорак акция, учдан икки қисмли акция ва ҳ.к.) айланади, касрли акциялар эса акциядорлик жамиятини тўлиқ сотиб олишга халақит бериши мумкин. қайта ташкил қилиш ҳар бири алоҳида қизиқиши уйғотмайдиган бир нечта компанияларга ажратиш шаклида амалга оширилиши мумкин. шунингдек, компаниянинг қимматли активларини янги юридик шахсга ёки шўъба компанияга бериш ва уни кейинчалик алоҳида ажратиш мумкин;

6) ёпиқ ёзишмалар йўли билан эмиссия (қўшимча қимматли қоғозлар чиқаришни жойлаштириш). Жараён жуда катта (вақт бўйича – бир чорак атрофига), лекин энг самарали усул ҳисобланади. қимматли қоғозларни жойлаштириш ҳақида қарор акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилиниши, бундай қарор учун йиғилишда қатнашаётган акцияларнинг камида 75% овоз бериши лозим;

7) қўшиб олиш обьектининг жалб этувчанлигини пасайтириш (активларнинг бир қисмини сотиб юбориш, айрим обьектларни ижарага бериш, активларга гаровга қўйиш, муаммоли активлар ва пассивлар сотиб олиш);

8) низом билан ҳимояланиш – энг олдини олиш чораси ҳисобланади (масалан, акциядорлик жамиятлари тўғрисидаги қонунда айтилишича: жамият низомида битта акциядорга тегишли бўлган акциялар сонига ва уларнинг умумий номинал қийматига чеклов белгиланиши мумкин. Акциядор жамиятнинг овоз бериш хукуқига эга бўлган акцияларнинг 1% игача эга бўлиши мумкин):

■ низомда уларни тузиш йирик битимлар учун белгиланган жараён бўйича амалга оширилиши лозим бўлган битимлар рўйхатини кенгайтириш;

- акциядорлик жамиятининг олий табақа менежерлари билан шартномаларга жамият томонидан шартномани муддатидан олдин бекор қилишда катта миқдорда товон пул тўлаш мажбуриятини киритиш;
 - қўшиб олиш ва бирлашиш масалаларини ҳал қилиш учун зарур овозлар фоизининг юқори бўлиши шарти. Айрим ғарб компаниялари зарур овозлар сонини 95%гача белгилайдилар;
- 9) давлатнинг жамиятни бошқаришда иштирок этиш маҳсус ҳуқуқини жорий қилиш («олтин акция»), бу агрессорларнинг қизиқишини кескин пасайтиради.

Мулкни қайтадан бўлиш – ишбилармонлик воқелигига хос бўлган жиҳат ҳисобланади. Биронта акциядорлик жамияти «қайтадан бўлиш»дан кафлатли ҳимояланиши мумкин эмас, шунинг учун ҳеч бўлмагандан нодўстона қўшиб олишдан ҳимоя қилишнинг классик усувларини билиб олиш талаб қилинади.

2-илова.

Мунозара қатнашчиларига эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услубиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзори ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларнинг аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Тақдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

Такризчи – томонларнинг маъruzalарини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хulosalarнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маъruzachinинг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргалиқда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки ҳато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хulosalarнинг, таклиф ва

гипотезаларнинг маҳсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қиласди.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

3-илова.

Муҳокама ва хуносалар чиқариш учун саволлар

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиши масаласи

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланишида айрим умид ўйғотувчи тенденциялар кузатилмоқда.

1. Корпоратив бошқарув соҳасида умумий сиёсатни амалга ошириш бўйича давлат органи – Давлат Мулк Кўмитаси мавжуд.
2. Қатор корхоналар ўз корпоратив бошқарув кодексларини ишлаб чиқди ва қабул қиласди, шунингдек, директорлар Кенгашига ташки акциядорлар вакилларини киритди.
3. Компаниялар дивиденд сиёсатининг яхшиланиши корпоратив муносабатлар етуклигидан далолат беради. Кўпчилик компаниялар фойдани қайта тақсимлашга диққат билан эътибор қаратади.
4. Менежерларнинг мулк эгалари назорати остида бўлиши билан боғлиқ вазиятларда ҳам ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда. Яхши ишламаётган раҳбарларни ишдан бўшатиш хавфи корпоратив бошқарувда фаолият кўрсатаётган механизмлардан бирига айланмоқда.
5. Компаниялар ҳақида корпоратив бошқарув билан боғлиқ рисклар нуқтаи назаридан ахборотга талаб ўсмоқда.

4-илова.

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Мунозара иштироқчилари			
	1	2	3	4
Маърузанинг мазмуни (2,5):				
- мавзуга мос келиши (1,5);				
- мантиқийлик, аниқлик (0,5);				
- хуносаларни қисқалиги (0,5);				
Информацион технологиялардан фойдаланганлиги (кўргазмалилик) – (0,9).				
Регламент (0,6)				
Жами (4,0)				
Маърузанинг тавсифи (3,0)				
- маърузанинг кучли томонлари аниқлаш (1,2)				

- маързанинг заиф томонлари аниқлаш (1,2)				
Регламент (0,6)				
Жами (3,0)				
<i>Саволлар:</i>				
- ҳар бири учун (0,3)				
Кўшимча				
- ҳар бири учун (0,3)				
- моҳияти бўйича (0,3)				
Жами (3,0)				

8-мавзу.	Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш
5.1. Маъруза машғулоти технологияси	
Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Визуал, ахборот маъруза
Маъруза машғулотининг режаси	<p>1. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш моҳияти.</p> <p>2. Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари.</p> <p>3. Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усувлари.</p> <p>4. Корпоратив бошқарув рейтинглари.</p> <p>5. Корпоратив бошқарувнинг мониторинг тизими.</p>
Ўқув машғулотининг мақсади:	корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг аҳамиятини очиб бериш ва унинг қўлланиши мумкин бўлган усувларини илгари суриш.
<i>Педагогик вазифалар:</i>	<p><i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i></p> <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Самарадорлик тушунчасига таъриф беради; - Корпоратив бошқарув андозаларини жорий этишининг мазмуни айтиб беради; - Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонларини куриб ўтади - Корпоратив бошқарув рейтингини интеграл баҳолаш усувларини ёритади; Корпоратив бошқарув сифатига қараб рейтинг синфларига ажратади; - Рейтингни ҳисоб-китоб қилишда қандай маълумотлардан фойдаланиланишини таърифлайди - Корпоратив бошқарувда рейтинг
<ul style="list-style-type: none"> - Корпоратив бошқарув андозаларини жорий қилишнинг иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлигини тушунтиради; - Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонлари бўйича билимини чуқурлаштириш; - Корпоратив бошқарувда мониторинг тизимини ўргатади; 	

- Корпоратив бошқарув сифатига қараб рейтинг синфлари ҳақида тушунча беради.	даражаларини ўрганади -Корпоратив бошқарувда мониторинг тизими тушунтиради
Ўқитиш услуби ва техникаси	Ахборот- маъруза, инсерт, ҳамкорликда ўқитиш техникаси, синквейн
Ўқитиш шакли	Фронтал, гурӯҳларда
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар, ЎТВ/КТ
Ўқитиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичла р, вакти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
Тайёргар лик Босқичи (5 мин)	Аввалги дарснинг сўнгидаги маъруза матни талабаларга берилади. «Инсерт» техникасини қўллаган ҳолда ўқиб чиқиши тайинланади. Гурӯҳларда ўқитиш учун ҳар бир гурӯҳ вазифаси ишлаб чиқилади.	Вазифани оладилар ва бажарадилар.
1- босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзу мақсад ва режадаги ўкув натижаларини ва уни ўтказиш режасини маълум қиласди. Машғулотнинг ўзаро алоқа усулида ўқитишни эълон қиласди.</p> <p>1.2. Талабаларга берилган вазифани эслатади. Мазкур мавзудан қандай янги маълумот олганликларини сўрайди.</p> <p>1.3. Қандай саволлар туғилганлигини билиш учун, уларни доскага ёзиб чиқади.</p>	<p>1.1. Эшитадилар, ёзиб оладилар.</p> <p>1.2. Саволларни ўртага ташлайдилар.</p>
2- босқич. Асосий (55 мин.)	<p>2.1. Талабаларни кичик гурӯҳларга ажратади.</p> <p>Ҳар бир гурӯҳ мавзунинг маълум бир саволи бўйича “эксперт” бўлишини ва бошқаларни ўқитишни маълум қиласди. Эксперт варақалари, оқ қофоз (А32) маркерларни тарқатади. Саволларнинг мазмунини тушунтириади. Қайси материалдан фойдаланиш мумкинлигини тушунтиради. Иш регламенти, баҳолаш мезони билан таништиради ва машғулот бошланганини эълон қиласди.</p> <p>(1,2-илова).</p> <p>2.2. Мавзуу саволларининг колектив</p>	<p>2.1. Гурӯҳлар вазифаларини оладилар ва муҳокама қиласдилар. Мини гурӯҳларда ишлашни бошлайдилар.</p> <p>2.2. гурӯҳда жавобларни тайёрлайди. Кўргазмали материал тайёрлайди.</p> <p>2.3. Гурӯҳ лидерлари ёки аъзолари</p>

	<p>муҳокамаси ва тақдимотини эълон қиласи.</p> <p>1) ўзи консультант-арбитр вазифасини ўтайди;</p> <p>2) қўшимча саволлар беради.</p> <p>3) ҳар бир савол муҳокамасининг сўнгига ўзаро баҳолашни ташкил этиб, якуний хулоса қиласи ва талабалар эътиборини масаланинг муҳим томонларига қаратади.</p> <p>2.3. Талабалар билимини текшириш мақсадида мавзу саволларига жавоб беришни таклиф қиласи. Тезкор савол-жавоб ёки тест ўтказади.</p>	<p>ўзларининг саволлари бўйича ахборот берадилар. Кўргазмали материалдан фойдаланадилар ва қўшимча саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.4. Бошқа гурух жавобларини баҳолайди, саволлар беради.</p>
3-босқич Якуний (10 мин)	<p>3.1. Ўқув фаолиятига якун ясайди. Ўзаро ўқитиш натижаларини эълон қиласи. Фаол иштирокчиларни белгилади ва олинган билимларининг келажакдаги аҳамиятини таъкидлайди.</p> <p>3.2. Мустақил иш учун вазифа беради: мавзу бўйича кластер тайёрлаш.</p>	Вазифани оладилар. ёзб

1-илова.

Регламент.

- Муаммони ечиш ва презентация вароғини ёзиш учун гурухда ишлашга - 20 мин.
- Муаммо ечимини презентация қилиш – 8 мин. гача.
- Жамоа бўлиб муҳокама қилиш, хулосаларни шакллантириш - 10 мин. гача.
- Ўзаро баҳолаш – 1 мин.

2 – илова.

Баҳолаш қўрсаткичлари ва мезонлари

Ҳар бир гурух бошқа гурухлар тақдимотни баҳолайди, мезонлар бўйича балларни жамлайди.

Баҳолаш қўрсаткичлари ва мезонлари	Максимал балл	1 гурух	2 гурух	3 гурух	4 гурух
Ечимлар:	1,2				
- муаммони ва қўйи муаммони тўғри шакллантириш;	0,4				
- ечимни муаммо ва қўйи муаммо шаклига мос келиши;	0,4				
- мантиқийлик, аниқлик, хулосаларни қисқалиги.	0,4				

Тақдимот:	1,4				
- жавобларни аниқлиги ва ту-шунарлилиги;	1,0				
- ҳар бир гурӯҳ иштирокчиси-нинг фаоллиги (саволлар, кўшимчалар).	0,4				
Регламент	0,4				
Умумий баллар йифиндиси	3,0				

3-илова.

1-эксперт варағи.

1. Корпоратив бошқарувни қандай самарали амалга ошириш мумкинлигини айтинг.
(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

2-эксперт варағи.

2. Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонларини кўрсатиб беринг.
(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

3-эксперт варағи.

3. Корпоратив бошқарувнинг самарадорлик курсаткичларига нималар киради?

(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

4-эксперт варағи.

4. Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарувни амалга ошириш борасида қандай ишлар қилинмоқда?

(Т-схема, кластер, инсерт техникасидан фойдаланган ҳолда)

Корпоратив бошқариш самарадорлигини баҳолаш усуллари*



Гурухларга бериладиган қўшимча саволлар.

- 1.Самарадорлик тушунчаси.
- 2.Корпоратив бошқарув андозаларини жорий этишнинг мазмунни.
- 3.Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонлари.
- 4.Корпоратив бошқарув рейтингини интеграл баҳолаш.
- 5.Корпоратив бошқарув сифатига қараб рейтинг синфлари.
- 6.Рейтингни ҳисоб-китоб қилишда қандай маълумотлардан фойдаланилади?
- 7.Корпоратив бошқарувда рейтинг даражалари.

* www.ricd.ru материалларидан


8. Корпоратив бошқарувда мониторинг тизими.

5-илова.

Визуал материаллар Корпоратив бошқарувни амалга оширишнинг афзаликлари



6-илова.



Ўқув материаллар

Хорижий рейтинглар орасида Standard & Poor's корпоратив бошқарув рейтингини алоҳида кўрсатиш мумкин.

Standard & Poor's халқаро компанияси корпоратив бошқарув рейтинглари методологиясини ишлаб чиқишига 1998 йилнинг бошларида киришган. Синов лойиҳалари давомида методологияни синааб кўришдан сўнг Standard & Poor's ихтисослашган корпоратив бошқарув рейтинглар хизматини ташкил қилиш ҳақида қарор қабул қилди ва 2000 йилдан бошлаб корпоратив бошқарув соҳасида рейтинг хизматлари кўрсата бошлади. Ҳозирги пайтда Standard & Poor's компаниялар даражасида ҳам, алоҳида мамлакатлар даражасида ҳам корпоратив бошқарувни баҳолаш концепциясини тақдим этмоқда. Standard & Poor's фойдаланаётган ёндашувда вазиятни молиявий манфаатдор шахслар – акциядорлар ва кредиторлар нуқтаи назардан кўриб чиқиши кўзда тутилган.

Standard & Poor's таҳлилчилар гуруҳи компанияларда ўзига хос интервью олишни ўтказади, бунинг асосида тузиладиган муфассал ҳисботда таҳлилнинг асосий элементлари баён қилинади, у корпоратив бошқарув умумий рейтингини, шунингдек, ҳисботнинг учинчи бўлимида келтирилган тўртта таркибий қисмнинг ҳар бири бўйича алоҳида баллни ўз ичига олади.

Алоҳида баҳолар (балл) асосланган мантиқий мулоҳазаларнинг ривожланиши таҳлилчи томонидан берилган рейтинг ҳақидаги ҳисоботда баён қилинади.

Ҳисобот структураси қўйидаги кўринишга эга бўлади:

1. Хулосаларнинг қисқача баёни. Бу ерда қисқача асослаган ҳолда компаниянинг корпоратив бошқарув умумий рейтинги, шунингдек, алоҳида таркибий қисмларни баҳолашнинг асосий қоидалари қисқача баёни келтирилади; шу ернинг ўзида ҳар бир таркибий қисм бўйича аниқланган асосий кучли ва кучсиз томонлар аниқланади.
2. Компания бўйича маълумотнома: ишлаб чиқариш фаолияти, молиявий ҳолати, менежменти ва мулк структураси ҳақида асосий ахборот.
3. Методологик қисм: балл ва қўйидаги таркибий қисмлар таҳлили:
 - мулк структураси ва ташқи таъсир;
 - акциядорлар ҳуқуқлари, молиявий манфаатдор шахслар билан муносабатлар;
 - «шаффофоник», ахборотни очиш ва аудит;
 - директорлар Кенгashi структураси ва самарадорлиги.

Корпоратив бошқарув рейтинг даражалари (КБР) шкала бўйича КБР -1 дан (энг паст баҳо) КБР -10 гача (энг юқори баҳо) берилади.

КБР -10 ёки 9. Корпоратив бошқарув амалиёти ва жараёнлар жуда кучли компания. Бу тоифадаги компаниялар КБР таҳлилнинг айrim асосий соҳаларида кучсиз томонларнинг кичик микдорда мавжудлигидан далолат беради.

КБР -8 ёки 7. Компания кучли жараёнлар ва корпоратив бошқарув амалиётига эга. Бу тоифадаги КБР олган компаниялар таҳлилнинг маълум бир асосий соҳаларида айrim кучсиз томонларга эга.

КБР -6 ёки 5. Ўртacha жараёнлар ва корпоратив бошқарув амалиётини намойиш қилади. Компаниялар таҳлилнинг бир нечта асосий соҳаларида айrim кучсиз томонларга эга.

КБР -4 ёки 3. Корпоратив бошқарув амалиёти ва жараёнлари кучсиз компания таҳлилнинг қатор соҳаларида жиддий кучсиз томонларга эга.

КБР -2 ёки 1. Корпоратив бошқарув амалиёти ва жараёнлар жуда кучсиз, таҳлилнинг аксарият соҳаларида катта микдорда кучсиз томонларга эга бўлган компанияларга берилади.

8.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти-2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Семинар-мунозара
Ўқув машғулотининг режаси	1.Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш моҳияти. 2.Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари.

	<p>3.Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари.</p> <p>4.Корпоратив бошқарув рейтинглари.</p> <p>5.Корпоратив бошқарувнинг мониторинг тизими</p>
Ўқув машғулотининг мақсади: рақобат унинг турлари ва монополия борасида талабалар билимини кенгайтириш.	
<i>Педагогик вазифалар:</i> -мавзуу бүйича билимларни кенгайтириш чукурлаштириш; -билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўникмасини ҳосил қилиш; -ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; -коммуникация, гурухда ишлаш кўникмаларини ривожлантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: - Самарадорлик тушунчасига таъриф беради; -Корпоратив бошқарув андозаларини жорий этишнинг мазмuni айтиб беради; -Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонларини куриб ўтади -Корпоратив бошқарув рейтингини интеграл баҳолаш усулларини ёритади; Корпоратив бошқарув сифатига қараб рейтинг синкларига ажратади; -Рейтингни ҳисоб-китоб қилишда қандай маълумотлардан фойдаланишини таърифлайди -Корпоратив бошқарувда рейтинг даражаларини ўрганади -Корпоратив бошқарувда мониторинг тизими тушуниради
Ўқитиш усуллари ва техникаси	Ҳамкорликда ўқитиш, мунозара, тақдимот, блиц-сўров, “Давра сухбати”, инсерт
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланмалар, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қоғоз вараклари.
Ўқитиш шакллари	Индивидуалл, фронтал, гурухлар / жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиш шароитилари	Техник таъминланган, гурухларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	Талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. 1.2. Мавзуни мунозара тарзида ўтишини маълум қиласди.	1.1. Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар
2-босқич. Асосий (45 мин.)	2.1. Мавзуу бүйича асосий тушунчаларга тариф беришни таклиф қиласди ва шу асосида блиц-сўров	2.1. Иқтисодий тушунчаларга тариф берадилар.

	<p>ўтказади. Рақобат унинг моҳияти ва мақсадини ифодалаб беришни топширади.</p> <p>2.2. Иш гурухларда /жуфтликларда ўкув вазифани бажарилгандан сўнг “Давра сухбати” сифатида давом эттирилишини эълон қиласди. “Давра сухбати” қоидалари билан таништиради (илова 1). Гурухларда ишлаш қоидаларини эслатади.</p>	<p>2.2. Эссе ёзадилар ва ўқиб берадилар.</p> <p>2.3. Тинглайдилар, саволлар берадилар.</p>
3-босқич. Гурухларда жуфтликларда ишлаш (20 мин.)	<p>3.1. Талабаларни гурхларга/ жуфтликларга ажратади. Давра сухбатида муҳокама қилиш учун саволлар ва вазифаларни тарқатма ва гурухлар/жуфтликларга тақсимлайди (илова 2).</p> <p>Вазифани бажаришда қўшимча материаллардан фойдаланиш мумкин эмаслигини тушунтиради. Натижаларни баҳолаш ва рақларини тарқатади.</p> <p>3.2. Гурухларда иш бошлаганлигини эълон қиласди, маслаҳатлар беради.</p>	<p>3.1. Ўкув вазифаси, йўриқнома ва натижалар карточкаси билан танишадилар;</p> <p>3.2. Вазифани бажарадилар, тақдимот ва рақларини расмийлаштирадилар.</p>
4-босқич. Якуний (5 мин.)	<p>4.1. Ишга якун ясайди, баҳолар қўяди.</p> <p>4.2. Мустақил иш учун вазифа беради</p>	<p>4.1. Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.</p>

1- илова.

Гурух билан ишлаш қоидалари

Ҳар бири ўз шерикларининг фикрларини хурмат қилишлари лозим;
 Ҳар бири берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
 Ҳар бири ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
 Ҳар бири ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
 Ҳар бири гурухни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
 Ҳар бири: “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз, ёки бирга қутиламиз” атамасини яхши билишлари лозим.

2-илова

Гурухлар учун вазифалар

1. Гурух.
1. Ҳорижий корпоратив бошқарув рейтинги Brunswick UBS Warburg рейтинги ҳисобланиши курсатинг
2. Гурух.
1. Корпоратив бошқарувда мониторингни олиб бориш тартибларини ай-

ТИНГ

3. Гурұх.

1. Корпоратив бошқарув самарадорлиги курсаткичлар асосида битта объект мисолида аниқланғ.

Баҳолаш күрсаткичлари (баллда)

Гурұх	Мавзунинг ечими	Тушунтириш (аниқлик, мантиқ)	Гурұх фаоллиги (құшимчалар, саволлар)	Жами баллар	Баҳо
	(1,2)	(1,2)	(0,6)	(3,0)	
1.					
2.					
3.					
4.					

3-илова

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқишиң ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисобланиб, мустақил ўқиб-үрганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чикиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

(v) - мен билган нарсаны тасдиқлады.

(+) – янги маълумот.

(-) – мен билган нарсага зид.


(?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Корпоратив хулқ атвөр				
Молиявий бошқарув				
Хорижий стратегик хамкорлик				
Дивиденд сиёсати				
Қарздорлик				
Банкрот				
Бирлашиш				

4-илова.

Рақобат иштирокчиларининг асосий мақсадлари



9-мавзу.	Корпоратив маданият
----------	---------------------

9.1. Маъруза машғулотининг технологияси

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Талабалар билан ҳамкорликда бинар маъруза.
Ўқув машғулотининг режаси	1. Корпоратив маданият тушунчаси. 2. Корпоратив маданият турлари. 3. Корпоратив маданият тамойиллари. 4. Профессионал этика ва корпоратив ҳулқ. 5. Корпоратив маданият – иқтисодий ҳамкорлик манфаати сифатида. 6. Корпорация ва давлат институтларининг ўзаро алоқаси.

Ўқув машғулотининг мақсади: корпоратив маданиятнинг моҳияти, асосий вазифалари борасида аниқ билим бериш, корпоратив маданиятни ижобий шаклланиши.

Педагогик вазифалар: -корпоратив маданиятнинг мазмуни ва асосий вазифлари билан таништириш ; - корпоратив маданият турлари ва уларнинг мазмуни билан таништириш; -корпоратив маданиятнинг ҳамкорликдаги аҳамияти; - профессионал этика ва корпоратив ҳулқ турларини кўрсатиб бериш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба: - Корпоратив маданият тушунчаси. -Корпоратив маданият турлари. -Корпоратив маданият тамойиллари. -Профессионал этика ва корпоратив ҳулқ. -Корпоратив маданият – иқтисодий ҳамкорлик манфаати сифатида. -Корпорация ва давлат институтларининг ўзаро алоқаларини билиб олади.
Ўқитиш услуби ва техникаси	Маъруза 2 кишилик (бинар) диалог, кластер, Инсерт
Ўқитиш шакли	Фронтал, коллектив, гурӯҳ

Ўқитишиш воситалари	Маъруза матни, проектор, график органайзерлар, чизмалар ЎТВ/КТ
Ўқитишиш шарт-шароити	Намунадаги аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзу, мақсад ва режалаштирилган ўқув натижаларни маълум қилади.</p> <p>1.2. Режа ва бинар (2 кишилик) маърузанинг хусусияти билан таништиради.</p> <p>1.3. Маърузадаги асосий категория ва тушунчаларни мустақил ишлаш учун саволларни, қўшимча адабиётлар рўйхатини келтиради.</p> <p>1.4. Мазкур машғулотда ўқув фаолиятининг кўрсаткичлари ва баҳолаш мезонларини маълум қилади.</p>	<p>Эшитадилар.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p> <p>Аниқлик киритадилар.</p>
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Корпоратив маданият мавзуси билан боғлиқ тезкор саволларни эсга солади.</p> <p>2.2. Машғулот режасига асосан корпоратив маданиятнинг мазмуни ва унинг вазифаларини аниқлаштиради:</p> <ul style="list-style-type: none"> - корпоратив маданият ижобийлашувига таъсири қилувчи омиллар ва нархнинг вазифаларининг мазмунини ёритиб беради. <p>2.3. Корпоратив маданият турларини санаб, уларга таъриф беради, мисоллар келтиради.</p> <p>2.4. Корпоратив маданият шаклларида корпоратив алоқаларнинг ривожланиши борасидаги таклифлари талқин қилинади</p> <p>Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган акциядорлик жамиятларидаги корпоратив маданият белгилари ва унинг хусусиятларини ёритиш муаммолари ва уларнинг ечимларига тўхталади. Талабалар саволига жавоб беради.</p>	<p>Бирин-кетин жавоб берадилар.</p> <p>Конспект қиладилар.</p> <p>Ёзиб оладилар, эсда олиб қоладилар.</p> <p>Эшитадилар.</p> <p>Савол берадилар.</p> <p>Фикрлайдилар, саволлар берадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	<p>3.1. Мавзу бўйича якун ясади, талабалар эътиборини асосий масалаларга қаратади.</p> <p>3.2. “Корпоратив маданият” категорияси билан боғлиқ “Кластер” тузишни тайинлайди.</p> <p>3.3. 2 та энг яхши кластерни намойиш қилади, баҳолайди.</p>	<p>Кластер тузадилар</p> <p>Намойишга тайёрланади.</p> <p>Ёзиб оладилар.</p>

	3.4. Мустақил иш учун назарий билимларни мустаҳкамлаш мақсадида 3 та масала беради (4-илова).	
--	---	--


1 –илова.

«Корпоратив маданият турлари»

Турлари				
				n ...
1				
2				
n ...				

Визуал материаллар

2-илова.



3-илова.



5-илова.

Маданият-гуманистар жиҳат ва инсонлараро муносабатларга ургу берииш компанияларининг асосий фарқлантирувчи томони бўлиб, бу ўз навбатида жамиятининг ананавий қадрияларига таянади

Мустақил топширик учун масалалар.

Очиқ акциядорлик жамиятнинг акциядорлик капиалини қўтаришга доир унинг таркиби қўйидагича эди: жамиятда 100 акционер, улар 1000 акциялар эгаси ҳисобланади. А акциядор 260 та акция яъни устав капиталнинг 26%ига, Б акциядор 530 та акция яъни устав капиталнинг 53%ига, В акциядор 110 акция, яъни устав капиталнинг 11%ига, қолган 97 акциядорлар 100та акцияга, яъни устав капиталнинг 10%ига эгадир.

Жамият С стратегик инвесторни жалб қилмоқчи, компаниянинг 25% акциясига эга булиб, маълум қарорларини чеклаб қуймоқчи. Жамият 350та

акция чиқаради ва уларни ёпиқ йўл билан жойлаштиради. Ушбу акцияларни С инвестор сотиб олади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Акциядор жамиятнинг устав капитали ўсгандан сўнг ўзгарган таркиби қандай булади? (жамиятнинг ҳар бир акцияси эгаларини ва миноритар акциядорлари улушкини фоизда курсатинг)?
2. Устав капиталидаги ўзгаришлар акциядорлар ҳукуқига қандай қилди? (ҳар бир акциядорнинг ва миноритар акциядорлар гурухининг ҳолатини таърифланг)?
3. Ушбу жараёнда корпоратив маданиятнинг қандай турларига мос келади?

9.2. Семинар машғулотида ўқитиш технологияси.

Вақти-2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Муамоли семинар
Ўқув машғулотининг режаси	1.Корпоратив маданият тушунчаси. 2.Корпоратив маданият турлари. 3.Корпоратив маданият тамойиллари. 4.Профессионал этика ва корпоратив ҳулқ. 5.Корпоратив маданият – иқтисодий ҳамкорлик манфаати сифатида. 6.Корпорация ва давлат институтларининг ўзаро алоқаси.

Ўқув машғулотининг мақсади: Корпоратив бошқарув мавзуси тўғрисидаги маъruzada олинган билимларни мустаҳкамлаш ва аниқлаштириш.

<i>Педагогик вазифалар:</i> – мавзуу бўйича билимларни онгли равишда ўзлаштириш ва мустаҳкамлашга ундаш. – мавзуу бўйича билимларни тизимлаштириш ва мустаҳкамлаш. – муаммоли масалаларни ечиш одатларини ривожлантириш, муаммони тахлил қилиш, артернатив ечимларни илгари суриш, якуний хулосани шакллантириш.	<i>Ўқув фаолиятининг натижалари:</i> Талаба: -Корпоратив маданият тушунчаси. -Корпоратив маданият турлари. -Корпоратив маданият тамойиллари. -Профессионал этика ва корпоратив ҳулқ. -Корпоратив маданият – иқтисодий ҳамкорлик манфаати сифатида. -Корпорация ва давлат институтларининг ўзаро алоқаси.
Ўқитиш усуллари	Муаммоли усул, сухбат, ақлий ҳужум, мунозара, намойиш қилиш, инсерт.
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, А32 форматдаги

	қоғоз, маркер, скотч, ўқув материаллари, конспектлар.
Ўқитиши шакллари	Коллектив, гурӯхларда
Ўқитиши шароитилари	Гурӯхларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Семинар машғулотининг технологик картаси

Босқичлар, вакти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	<p>1.1. Мавзуни, мақсади режадаги ўқув натижаларини эълон қиласи уларнинг аҳамиятини ва актуаллигини асослайди.</p> <p>1.2. Саволлар бўйича талабалар билимини ва мазмунли жавобларни актуаллаштиради.</p> <p>Билимларни актуаллаштириш жараёнида талабалар томонидан олинган билимларни камлигини эътироф қиласи.</p> <p>1.3. Машғулотнинг муаммоли тарзда ўтишини таъкидлайди.</p>	Мавзуни ёзадилар ва саволларга жавоб берадилар
2-босқич асосий (55 мин)	<p>2.1. Муаммоли вазифани талабаларга ўқиб беради (илова 1).</p> <p>Муаммони шакллантиришни ташкил қиласи.</p> <p>Таклиф этилган муаммони шакллантириш варианtlарини талабалар билан биргаликда тахлил қиласи ва муҳокама қиласи. Уларнинг ичидан аниқлаштирилган ва таҳрир қилинган бир вариантни танлайдилар.</p> <p>2.2. Талабаларни 3 гурӯхга ажратади. Муммомли вазифани ҳал қилишни топширади. Ўқув вазифасини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини тарқатади. Муаммони ҳал қилиш бўйича услугий кўрсатмаларни, кутилаётган натижаларни тушунтириб беради. Ақлий хужм, ғояларни танлаш ва баҳолаш, гурӯхларда ишлаш қоидаларни эслатади. Гурӯх ишларини бошланганлигини айтади.</p> <p>2.3. Тақдимотни бошлишни эълон қиласи. Тақдимот жараёнида жавоблар-</p>	<p>2.1. Эшитадилар, муаммони шакллантириш бўйича таклифларни киритадилар.</p> <p>2.2. Гурӯхларда ишлайдилар: Муаммоли вазифани ҳал қиласидилар, тақдимот ва рақаларини расмийлаштирадилар.</p> <p>2.3. Муаммоли вазифанинг натижаларини тақдимот қиласидилар. Муаммони ҳал қилиш бўйича қарорлар</p>

	ни шарҳлайди. Тўғри қарорни таъкидлайди, хатоларни кўрсатади. Муаммоли вазифа ечимларини мунозара шаклида муҳокамасини ташкил қиласди. Талабалар билан биргаликда жавоб-ларни баҳолайди. Жавоблар тўлиқ бўлмаган ҳолда ўзи жавоб беради. Гурӯхларнинг ўзаро баҳолашини ташкил этади. 2.4. Якун чиқаради.	вариантларини муҳокама қиласди. Ўзаро баҳолайдилар. 2.4. Тинглайдилар
3-босқич Якуний (15 мин)	3.1. Ўқув фаолиятини якунлайди. Талабалар диққатини асосий жиҳатларга қаратади. Муаммони ҳал қилиш жараёнида гурӯхлар фаолиятидаги мувофақиятларни такидлайди. Бажарилган ишнинг касбий фаолият учун аҳамиятини таъкидлайди. 3.2. Мустқил иш учун вазифа беради.	3.1. Тинглайдилар, аниқлаштирадилар. Мустқил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.

1-илова.

Мунозара қатнашчилариға эслатма

1. Мунозара муносабатлар йиғиндиси эмас, балки муаммо ечими услугиятидан иборат;
2. Кўп гапирмасдан бошқаларнинг сўзлашига имкон бер.
3. Мақсадга эришиш йўлида хиссиётларини жиловлаб, батафсил ўйлаган ҳолда сўзла.
4. Рақибларинг вазиятини ўрганиб, уларга хурмат билан мурожаат қил;
5. Рақибларинг томонидан айтилган фикрларга танқидий ва истехзори ёндаш;
6. Мунозара предмети бўйича четга чиқмаган ҳолда тўғри ёндашиб гапир.

Муаммоли семинарнинг бошқарув дастаклари

Бошловчи барча вазифаларни ўзига олади – мунозара босқичларини бошқариш, жавобларнинг асосланиши ва тўғрилигини тасдиқлаш, қўлланган термин ва тушунчаларнинг аниқлаш, муносабатларни тўғри қўллаш ва бошқалар. Тақдимотларнинг тақсимотини тўғри бошқариш.

Такризчи – томонларнинг маъruzalарини йўналишлар бўйича белгилаш ва тўлиқ характерда баҳолаш: долзарблиги, илмий жиҳати, мантиқийлиги ва масалаларнинг аниқ қўйилганлиги, хулосаларнинг аниқ кўрсатилиши.

Рақиб – қабул қилинган тадқиқот ўртасида рақобатчилик жараёнини шакллантиради. У фақатгина маъruzачининг асосий ҳолатини танқид қилиш эмас, шу билан биргаликда, унинг айтган фикрларидан заиф ёки ҳато томонларини топиш ҳамда ўзининг ҳал қилувчи фикрларини таклиф қилиши ҳам мумкин.

Эксперт – барча мунозараларнинг, жумладан, мунозара қатнашчилари томонидан айтилган фикрларнинг, қилинган хулосаларнинг, таклиф ва

гипотезаларнинг маҳсулдорлигини баҳолайди.

Мунозара регламентини ўтказиш тартиби

1. Бошловчи маъруза мавзуси ва маърузачиларнинг тақдимотларин эълон қиласди.
2. Маъруза 5 минут давом этади.
3. Тақризчи – 2 минут.
4. Рақиб – маъруза мавзуси бўйича фикрларини 1-3 минут тақдим этади.
5. Жамоавий муҳокама – 5-10 минут.

2-илова.

Муҳокама ва холосалар чиқариш учун саволлар

1. Корпоратив маданият тушунчаси.
2. Ишбилиармонлик этикасининг асосий тамойиллари.
3. Корпоратив хулқ-атвор кодекси.
4. Ўзбекистонда ҳозирги пайтда компанияларнинг асосий гурухлари.
5. Замонавий корпоратив маданиятнинг асосий тамойиллари.
6. Корпоратив маданият турлари.
7. «Корпоратив маданият» тушунчасини ўрганишга ёндашувлар.
8. Мажоритар акциядорлар учун корпоратив хулқ-атворнинг тамойиллари.
9. Компания директорлари учун корпоратив маданият тамойиллари.
10. Компания менежерлари учун корпоратив маданият тамойиллари

3-илова.

Ўқув материаллар

Компания директорлари ва менежмент учун корпоратив маданият тамойиллари:

Акциядорлар ва менежерлар ўртасидаги зиддиятларни бартараф қилиш – директорларнинг асосий вазифасидир. Буни ҳал қилиш учун директорлар Кенгashi акциядорлардан ҳам, менежерлардан ҳам расман эмас, балки ҳақиқатда алоҳида ажратилган ва улардан мустақил бўлиши лозим. Директорлар учун қуйидаги тамойилларни тавсия этиш мумкин:

- компанияда ахлоқий қоидалар ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- директорлар Кенгашининг фаолияти давомида компаниянинг барча манфаатдор шахслари манфаатларини ҳисобга олиш;
- компания «шаффофф»лиги мониторингини амалга ошириш, жамият акциядорлари, менежерлар ва ходимлар томонидан қонунчилик талаблари, жамиятнинг таъсис ва ички ҳужжатларига риоя қилиш;
- оқилона дивиденд сиёсати бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ва акциядорларга тақдим этиш;
- менежерлар фаолияти самарали мотивация тизимини ишлаб чиқиш;
- акциядорлар олдида ҳисбот бериш ва уларга компаниядаги ишларнинг ҳолати ҳақида тўлиқ ва ишончли ахборот тақдим этиш.

Компания менежерлари учун корпоратив маданият тамойиллари:

Менежерлар фақат мулк эгаларининг пулларини рискка қўйиб, ўз мулкини йўқотиш рискига дуч келмайди. Улар учун қўйидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- ўз ваколатларини суистеъмол қиласли;
- компания акциядорларига атайн қилинган ҳаракатлар билан заар етказмаслик;
- компания учун заар кўриш риски юзага келганда компаниянинг директорлар Кенгашини бундан хабардор қилиш;
- компания фаолиятига директорлари Кенгashi томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий қоидаларни жорий қилиш;
- ўз мажбуриятларини чин кўнгилдан, вижданан ва ташаббускорлик билан бажариш;
- директорлар Кенгашига тегишли тарзда ҳисобот бериш;
- ўз фаолиятида компаниянинг таъсис ва ички ҳужжатларига, қонунчилик талабларига риоя қилиш ва компания ходимларидан ҳам худди шуни талаб қилиш;
- ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун муносиб меҳнат шароитлари таъминлаш.

➤

4-илова.

“Инсерт усули”

Инсерт - самарали ўқиш ва фикрлаш учун белгилашнинг интерфаол тизими ҳисбланиб, мустакил ўқиб-урганишда ёрдам беради. Бунда маъруза мавзулари, китоб ва бошқа материаллар олдиндан талабага вазифа қилиб берилади. Уни ўқиб чиқиб, «V; +; -; ?» белгилари орқали ўз фикрини ифодалайди.

Матнни белгилаш тизими

- (v) - мен билган нарсани тасдиқлади.
- (+) – янги маълумот.
- (-) – мен билган нарсага зид.
- (?) – мени ўйлантирди. Бу борада менга қўшимча маълумот зарур.

Инсерт жадвали

Тушунчалар	V	+	-	?
Улгуржи нарх				
Чакана нарх				
Дотациялашган нарх				
Демпинг нарх				
Нуфузли нарх				
Нарх диапазони				

5-илова.

Муаммоли саволлар

1. Ўзбекистонда фаолият курсатаётган акциядорлик жамиятларида корпоратив маданият тизимини таҳлил қилинг?

2. Корпоратив маданиятнинг жаҳон миқёсида фаолият курсатадиган компанияларда қайси турлари ижобий баҳоланади?

6-илова.

Тестлар

1)Устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян микдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект

А)Акциядорлик жамияти деб ҳисобланади

Б)Хиссадорлик жамияти деб ҳисобланади

В)Холдинг компаниялари ҳисобланади

Г)барча жавоблар тўғри

Д) тўғри жавоб берилмаган

2)Жамият қандай фаолият турларини амалга ошириш хукуқларига эга бўлади ва мажбуриятларни ўз зиммасига олади.

А)қонун хужжатларида тақиқланмаган фаолиятнинг ҳар қандай турларини амалга ошириш билан

Б)ишлаб чиқариш фаолияти билан

В)экспорт ва импорт билан шуғулланиш хукуқига эга

Г)жамиятна қайта таркиблаш хукуқига эга

Д) тўғри жавоб берилмаган

3)Жамият

А)юридик шахс ҳисобланади

Б)жисмоний шахс ҳисобланади

В) хукуқий шахс ҳисобланади

Г) юридик ва жисмоний шахс ҳисобланади

Д) тўғри жавоб берилмаган

4)АЖ тўғрисидаги қонунга мувофиқ жамият қандай муддатга тузилади?

А)агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чекланмаган муддатга тузилади.

Б)уставида белгилаб берилган муддатга тузилади

В) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, 10 йилга тузилади.

Г) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, чегараланган муддатга тузилади.

Д) агар унинг уставида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, 20 йилга тузилади.

5)Жамият давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб

А)жисмоний шахс хукуқларини қўлга киритади.

Б)давлатнинг имтиёзли хукуқларини қўлга киритади.

В)хуқуқий шахс хукуқларини қўлга киритади.

Г)юридик шахс хукуқларини қўлга киритади.

Д)барча жавоблар тўғри

6)Жамият белгиланган тартибда қаерларда ҳисоб варақлар очишга ҳақлидир.

А)Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган банкларда

Б)Ўзбекистон Республикаси ҳудудидадан ташқаридағи банкларда

В)Европа иттифоқига кирувчи давлатларда

Г)Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган банкларда ва ундан ташқаридағи ҳудудлардаги банкларда

Д)Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган банкларда ва МДХ мамлакатларида

7)Жамият манзили қўрсатилган юмалоқ муҳрига эга бўлиши лозим. Муҳрда фирманинг номи бошқа исталган тилда ҳам қўрсатилиши мумкинми.

А)фирма номи давлат тилида ёзилиши лозим

Б) фирма номи давлат тилида ҳамда бошқа тилда ҳам қўрсатилиши мумкин

В)лотин имлосида ёзилиши лозим

Г)мумкин эмас

Д)тўғри жавоб келтирилмаган

8)Жамиятнинг манзили қандай белгиланади.

А)Давлат рўйхатидан ўтказилган жойга кўра белгиланади.

Б)Жамиятнинг муҳрига кўра белгиланади

В)Тузилган шартномага кўра белгиланади

Г)Чет эл инвесторларига қулай шароитдан келиб чиқиб белгиланади

Д)Махаллий бошқарув органлари томонидан белгиланади

9)Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари юзасидан кимнинг мол-мулки билан жавобгар бўлади.

А)ўзига тегишли активлари билан

Б)ўзига тегишли барча мол-мулки билан

В)акциядорларнинг акциялари билан

Г)акциядорларнинг мол-мулки билан

Д)барча жавоблар тўғри

10)Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жамият олдида.....

А)жавобгар бўлади

Б)жавобгар бўлмайди

В)қонун билан белгиланмаган

Г)маълум қисмини тўлашга кўмаклашади

Д)тўғри жавоб келтирилмаган

10-мавзу.	Корпоратив бошқарув муаммолари ва ривожланиши истиқболлари
------------------	---

10.1. Маъруза машғулотининг технологиси.

Вақти – 2 соат	Талабалар сони: 30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Муаммоли маъруза.
Ўқув машғулотининг режаси	<p>1. Корхоналарга корпоратив бошқарув стандартларини киритиш.</p> <p>2. Корпоратив бошқарувнинг миллий модели.</p> <p>3. Мулқорлик муносабатлари ва капиталлар харакатининг хусусиятлари корпоратив бошқарув миллий моделини шакллантиришнинг асосий шартлари сифатида.</p> <p>4. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув муаммолари.</p> <p>5. Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг ривожланиш истиқболлари.</p>

Ўқув машғулотининг мақсади: Корпоратив бошқарувни ривожлантириш тўғрисида яхлит тасаввур ҳосил қилиш ва билимларни чуқурлаштириш.

Педагогик вазифалар:	Ўқув фаолиятининг натижалари:
-“Корпорация”, “бошқарув” тушунчаларига изоҳ бериш; -акция, акционерлик жамияти, дивиденд тушунчалари-ни моҳиятини очиб бериш; -менежмент моҳия-ти ва вазифалар мазмuni ёритиш; -корпоратив тузилма шакллари билан таништириш;	-Корхоналарга корпоратив бошқарув стандартларини киритиш. -Корпоратив бошқарувнинг миллий модели. -Мулқорлик муносабатлари ва капиталлар харакатининг хусусиятлари корпоратив бошқарув миллий моделини шакллантиришнинг асосий шартлари сифатида. -Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарув муаммолари. -Ўзбекистон Республикасида корпоратив бошқарувнинг ривожланиш истиқболлари.

Ўқитиш услуби ва техникаси	Муаммоли, фикрлар ҳужуми,
Ўқитиш шакли	Фронтал
Ўқитиш воситалари	Маъруза матни, проектор, визуал материаллар, доска, бўр
Ўқитиш шарт-шароити	Жиҳозланган аудитория

Маъруза машғулотининг технологик картаси

Босқичлар,	Фаолият мазмуни
------------	-----------------

вақти	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5 мин.)	1.1. Мавзу, мақсад ва маъруза режасини маълум қилади. Ўқув машғулотининг натижалари билан таништиради. Мазкур машғулот муаммоли маъруза тарзида ўтишини эълон қилади.	1.1. Эшигадилар ёзиб оладилар.
2-босқич. Асосий (65 мин.)	<p>2.1. Муаммони ҳал қилишдаги изланувчанлик фаолиятида талабалар билимини етарлилигини аниқлаш учун аввалги мавзулар бўйича тезкор саволжавоб ўтказади.</p> <p>2.2. Нима деб ўйлайсиз, нима учун корпоратив бошқарувни ҳозирги кунда ривожланиши суст олиб борилмоқда ва қандай омиллар бунга таъсир этмоқда?</p> <p>Муаммони биргаликда ҳал қилишни таклиф этади.</p> <p>2.3. Талабалар фаоллигини ошириш мақсадида “ақлий хужум”дан фойдаланишни таклиф этади (10- илова). Ҳар қандай фикр қўллаб-қувватланади.</p> <p>2.4. Муаммонинг муҳокамасини ташкил этади.</p> <p>Бунинг учун ҳал қилинадиган кичик муаммолар аниқланади (11-илова).</p> <p>1) ўқитувчи маслаҳатчи – арбитр вазифасини ўтайди.</p> <p>2) қўшимча саволлар беради.</p> <p>3) жавобларга изоҳ беради, хулоса қилади, ўзаро баҳолашни ташкил этади.</p> <p>4) фикрлар ичидан энг мақбулини танлайди, шарҳлайди, талабани рағбатлантиради. Мавзу бўйича олинган билимларни текшириш мақсадида доскага савол ёзади ва жавоб беришни сўрайди. Айниқса “фикрлар хужуми”да иштироқ этмаган талабалардан кўпроқ сўрашга ҳаракат қиласди.</p>	<p>2.1. Саволларга жавоб берадилар.</p> <p>2.2. Муаммони ёзиб оладилар.</p> <p>2.3. Ўзечимларини таклиф этадилар, кўргазмалардан мисоллардан фойдаланиб жавоб берадилар.</p> <p>Жавоб берадилар.</p>
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Ўқув фаолиятига якун ясади, эришилган натижаларни умумлаштиради. Энг яхши фикрларни баҳолайди.	Эшигадилар, мустақил иш учун вазифаларни ёзиб оладилар.

Ўқув материаллари

1-илова.

Жаҳон банкининг таърифига кўра, самарали корпоратив бошқарувга хос бўлган жиҳатлар қуидагилар ҳисобланади:

- «шаффоффлик»;
- компания фаолият ҳақида молиявий ва бошқа ахборотларни очиш;
- менежмент фаолияти устидан ички назорат жараёнлари;
- барча акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва таъминлаш;
- директорларнинг компания стратегиясини белгилаш, бизнес-режалар тасдиқлаш, бошқа муҳим қарорлар қабул қилиш, менежерлар тайинлаш, уларнинг фаолиятини назорат қилиш, зарур ҳолларда менежерларни ишдан бўшатишида мустақиллиги.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти самарали корпоратив бошқарувнинг қуидаги жиҳатларини ажратиб кўрсатади:

- ҳалоллик – инвесторларнинг ўз маблағлари ҳимояланишига ишонч;
- «шаффоффлик» - компаниянинг ўз молиявий аҳволи ишончли ва тўлиқ ахборотни ўз вақтида очиш;
- ҳисобдорлик – менежерлар компания мулк эгаларига ҳисбот беради;
- жавобгарлик – компаниянинг қонунлар ва ахлоқий меъёрларга риоя қилиш.

2-илюва.

Ўзбекистонда корпоратив бошқарувнинг ривожланиши билан боғлиқ вазиятни таҳлил қилиб, қуидаги замонавий тенденцияларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- «назорат қилувчи акциядорлар» ва «менежерлар»нинг бирлашуви;
- яқин йилларда ташқи акциядорлик молиялаштириши эҳтимолининг пастлиги самарали корпоратив бошқарувнинг принципиал иқтисодий негизи сифатида;
- акциядорлик капиталининг бир жойга тўпланиши ва назоратни бирлаштириш;
- акциядорларнинг ўз ҳуқуқлари учун курашининг кучайиши ва ўз ролини англаши.

Бунда компаниялар корпоратив бошқарув тизимида қуидаги асосий муаммоларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- ахборот жиҳатидан ёпиқлик, айниқса, компаниянинг ҳақиқий эгалари ва мулк структураси ҳақидаги ахборот борасида;
- корпоратив низоларни ҳал қилишда маъмурий ресурсни қўллаган ҳолда буюртма бўйича ҳуқуқларни қўллаш;
- ҳалқаро андозаларга мос келмайдиган молиявий ҳисботлар;
- олий менежмент фаолияти мониторинги самарадорлигининг пастлиги;
- директорлар Кенгаши ишида самарадорлик ва профессионалликнинг пастлиги, унинг таркибида мустақил директорлар сонининг камлиги.

Бу муаммолар давлат миқёсида ҳам (масалан, ахборотни очиб беришга нисбатан қатъий талаблар белгилаши, корпоратив хулқ-атвор Кодексининг

қабул қилиниши), алоҳида компаниялар миқёсида ҳам (уларнинг ўз хулқатвор кодексларини қабул қилиши) ҳал этилади. Корпоратив хулқатвор қоидалари ва андозалари бозор иқтисодиёти механизмининг муҳим таркибий қисмлари ҳисобланади. Компанияларнинг корпоратив хулқатвор ёки бошқарув кодексларини қабул қилишини акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя килишни яхшилаш, директорлар Кенгаши самарадорлигини ошириш ва ахборотни очиш бўйича компания фаолияти кодексларига қўпроқ ургу берилиши туфайли компаниянинг ўзи учун ҳам, инвесторлар учун ҳам ижобий омил сифатида кўриб чиқиш зарур. Бунда «оммавий» сифатида ишлашни режалаштирган компанияларда ва «ёпиқ» жамият сифатида ишлаш истагида бўлган компанияларда ташкилотда ички корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари жиддий фарқ қилишини эътиборга олиш зарур. Хусусан, бу компанияларнинг биринчилари янги акциядорларнинг маблағларини жалб этмасдан туриб узоқ муддатли истиқболда муваффақиятли ривожлана олмаслигини тўғри англаб, барча бошқарув қарорларини компанияда мустақил ва малакали регистратор (рўйхатга олувчи) мавжудлиги, компания директорлар Кенгашида мустақил директорларнинг етарли ва улар фаолиятининг самарали бўлиши, акциядорлар умумий йиғилишида қарор қабул қилиш жараёни каби масалалар бирламчи аҳамиятга эга бўлган инвесторларнинг устуворликлар тизими билан боғлайдилар. Иккинчи гуруҳдаги компаниялар учун эса корпоратив бошқарувни такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари бирмунча оддийроқ. Уларнинг бу соҳадаги дастури аввало бошқарув қарорлари сифатини ошириш, самарали ўзаро алоқа тизимини яратиш ва барча манфаатдор шахсларни мотивациялашга қаратилган. Корпорациялар учун агар улар корпоратив бошқарув тизимини тегишлича халқаро амалиётга мувофиқ ўзгартира олмасалар, ўзининг ўсиши учун капитални ишга туширишга ҳаракат қиласар экан, ноқулай рақобат позициясига тушиб қолиши мумкинлиги умумий ҳисобланади. Корпоратив бошқарувнинг қатъий андозалари капитал бозорларининг байналмилаллашув шароитларида инвесторларни жалб қилиш ва ушлаб қолиш учун муҳим аҳамият касб этади.

- иқтисодий (ишлиб чиқаришга оид)
- ташкилий-буйруқли (маъмурий)
- ижтимоий-рухий (тарбиявий)

- режалаштириш
- лойиҳалаш
- прогнозлаш
- тартибга солиш
 - ташкил этиш
- назорат ва ҳисоб
- ахборот тўплаш ва таҳлил этиш
- мувофиқлаштириш
- рағбатлантириш

Менежмент -

фойда олиш мақсадида кишиларни бошқариш

Бошқарув -


субъектнинг маълум натижаларга эришиш учун бошқарув обьектига
бевосита мақсадли таъсири жараёни

Усуллари – мақсадга эришиш учун
бошқарув субъектларига таъсир этиш
усуллари


Вазифалар – бошқарув ишидаги фао-
лиятнинг маҳсус турлари

3-илова.

Бошқарув унинг усул ва вазифалари Корпоратив бошқарувнинг бозор модели



Корпоратив бошқарув чегаралари








Корпоратив ва нокорпоратив бошқарувнинг қиёсий таърифи

Низоларининг асосий турлари

Муаммо	Мулқорлар	Менежерлар
Корпорация менежерларининг имиджлари	Тежамкорликка интилиш	Дабдабага интилиш
Инвестицион фазо танловлари	Узоқмуддатли	Қисқа муддатли
Таваккалга муносабат	Мулқорлар ёлланма бошқарувчилар қабул қилган қарорлар бўйича таваккалликка (хавф-хатарга) йўл қўйишиди.	Менежерлар ўз олдида ҳеч қандай масъулият талаб қилмайдиган карорлар қабул қилишида ва уларни хаётга тадбик этишиди.
Даромадларни самарали ишлатмоқ	Дивидентлар кўринишида олмоқ ёки даромаддан паст бўлмаган миқдорда капиталлаштириш	Корпорацияда ўз таъсирини ошириш ва ўз бойлигини
Корпорацияга муносабат	Даромаднинг бир манбаси каби	Даромаднинг бирдан бир манбаси бўлганидек
Корпорация устидан назорат ўрнатишга интилиш	Йирик пакет эгаларида – қучли, майда мулқорда - паст	Кучли
Амалга оширилаётган корпорацияларни бирлашиш ва йўқ бўлиб кетишига сабаблар	Даромадлик меъёридан паст бўлмаган даромад олиш	Ўз таъсирчанлигини ошириш ва мағрурликлигини қониктириш
Корпорация сотувига даҳлдорлиги	Акциялар пакети сотилиши учун етарли мукофот олганда - ижобий	Салбий
Корпорация ҳисобидан шахсий харажатларни амалга оширишга интилиш	Паст, акционерлик капиталининг улуши қанча кўп бўлса, шунча паст	Юқори

Компания директорлар Кенгашининг шаклланиши

Директорлар кенгаши




Директорлар кенгаши

■ менеджерлар

□ Мустақил дирек-
торлар

Менеджерлар устидан
назорат олиб борувчи
Директорлар Кенгаши
Аъзолари



Ижро қарорлар қабул қилувчи
директорлар Кенгашининг
аъзолари

Корпоратив бошқаруви хавф-хатарлигини баҳолаш усуллари

Даражани аталиши	макс балл
Норавшанлик	14
- US GAAP/IAS бўйича молиявий ҳисобот	6
-Очиқлик обрўси	4
- АДР дастури	2
-Акционерларнинг йиллик/навбатсиз умумий мажлислари тўғрисида огоҳлантириш	2
Акционерлик капитални ювилиб кетилиши	13
-Эълон қилинган, лекин чиқарилмаган акциялар	7
-Портфелли инвесторлардаги тўсиклик яратадиган акциялар пакети	3
-Низомда ҳимоялаш чораларини мавжудлиги	3
Даражани аталиши	макс балл
Активлар чиқарилиши/трансфертли нарх-наво шаклланиши	10
-Акциялар назорат пакетига эга бўлган акционерлар	5
-Трансфертли нархнаво шаклланиши	5
Бирлашиш/Қайтатузилиш	10
- Бирлашиш	5
- Қайтатузилиш	5
Хонавайронлик	12
-Кечикирилган кредиторлик қарздорлиги ёки бюджет билан қарздорлик ҳисоб-китоблари бўйича муаммолар	5
-Қарздорлик	5
-Молиявий бошқарув	2
Акциялар сотиб олиш ва уларга эгалик қилишга чекланмалар	3
Хорижийликларни акцияларга эгалик қилишда ёки уларни овоз беришда иштирок этишига чекланмалар	3
Корпоратив бошқарув соҳасида ташаббускорликлар	9
Директорлар Кенгашини таркиби	3
Корпоратив бошқарувининг Хартияси	2
Хорижий стратегик шерикини мавжудлиги	1
Дивидендлик сиёсат	3
Рўйхатушловчи	1
Сифат	1
Жами	72

«Мулқорлар манфаатларини ҳимояси» чизмаси



**ОАЖ «ФОТОН» корпоратив бошқармаси самарасининг
хисоб-китоби**

Йил якунлари	Бозор хисоб нархи
1998	-68803,49152
1999	12193,40268
2000	26460,08406

йил	Соф дарома д	Балансл и даромад	Мулкдорли к капитал	Айланмага киритилмаганактивла р	Узокмуддатл и мажбуриятла р	Ба- ланс
199 8	16938	-4586	13246	27777	9467	41776
199 9	44575	15013	21507	23722	1274	52411
200 0	105874	29635	44997	39729	1260	80881

ОАЖ «ФОТОН»ни аниқ бозор нархини ҳисоб-китоби

	сана	котировка (сўм)	Жойлаштирилган акциялар сони	Микдор (сўм)	Йил якунлари
оддий	06.01.99	0,377	2178690700	821366393,9	
имт	07.04.99	0,20583	147508500	30361674,56	
жами млн. сўм				851,7280685	1999 йил
оддий	05.01.05	11,67	2178690700	25425320469	
имт	05.01.05	4	147508500	590034000	
жами млн.сўм				26015,35447	2005 йил
оддий	03.01.09	9,324	2178690700	20314112087	
имт	03.01.09	4,8	147508500	708040800	
жами млн.сўм				21022,15289	2009 йил

**АЖ «ФОТОН» корпорацияси мисолида бозор нархи ҳисоб-китоби
услубини кўркамликлигини баҳоланиши**

Йил якунлари	Ҳисоб-китоб нархи	Фактдаги нархи	Мутлақо оғиш	Нисбий оғиш
1998	0	851,7280685	851,7280685	
1999	12193,40268	26015,35447	13821,95179	53%
2009	26460,08406	21022,15289	-5437,931175	-26%

АЖ «ФОТОН» корпоратив бошқаруви самарасини бозор нархи асосида баҳоланиши

	1999	2009	Жами
Реал нархи	29,5446	-0,1919	23,6817
Ҳисоб-китоб нархи	1,1772	1,1700	1,3845

Давлат улушига эга хўжалик жамиятларини бошқариш тузилмаси

№	Давлат улушини бошқараётганлар тоифаси	АЖлар сони	МЧЖлар сони	Жами бошқарилаётган хўжалик жамиятларининг сони
1	Давлат ишончли вакиллари	80	3	83
2	Бошқарувчи компаниялар	39	2	41
3	Вазирликлар, юқори ташкилотлар ва хўжалик уюшмалари томонидан ишончли бошқарувчилар	32	7	39
4	Ишончномалар билан харакат қилувчи ДМҚ худдий бошқармаларининг вакиллари	130	137	267
5	Махаллий хокимиятлар	52	324	376
Жами:		33	473	806

Корпоратив бошқарув фанидан маъруза матнлари

1-мавзу. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида курсининг мазмуни, мақсади ва вазифалари

- 1.Корпоратив бошқарув фанининг мазмуни, предмети ва вазифалари, корпоратив бошқарув тушунчаси.
- 2.Корпоратив бошқарувнинг корпоратив менеджментдан фарқи.
- 3.Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши.
- 4.Корпоратив бошқарувнинг тизими, тамойиллари ва унинг омиллари.
- 5.Корпоратив бошқарувнинг турли иқтисодий шакллардаги субъектларга таъсири.

Эркин рақобат шароитида корпоратив бошқарувнинг моҳиятини назарий асосларини тадқиқ этиш иқтисодиёт фанининг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Шунинг учун авваламбор бошқариш методологияси ва механизмини ишлаб чиқиш ҳамда ривожлантиришга доир ишларни амалга ошириш зарурияти мавжуд.

Жаҳон амалиётида корхона фаолияти ва мамлакат иқтисодиётида корпоратив муносабатларни тутган ўрни ҳамда уни тартибга солишнинг бой тажрибаси тўпланган. Бу борада мамлакатимизда корхоналар учун янги бошқарув усулларидан бири сифатида эътироф этилаётган корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш ва шу орқали улар фаолиятининг самарадорлигини ошириш тадбирлари ишлаб чиқилмоқда. Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётни модернизациялаш ва ислоҳ этиш жараёнида рақобатчиликка асосланган давлат тасарруфидан чиқарилган хусусийлаштириш натижасида вужудга келган акциядорлик жамиятларида ҳалқаро алоқаларнинг мустаҳкамланиб бориши ва иқтисодиётда тобора салмоқли ўрин эгаллаши самарали корпоратив бошқарув тизимини кенгроқ жорий этиш ва уни такомиллаштиришни талаб этмоқда. Жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирлари саноат ишлаб чиқаришида нисбатан кўпроқ намоён бўлиши хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш жараёнида шаклланган корхоналарда корпоратив бошқарувнинг илмий-амалий тамойиллари ва методологиясини ишлаб чиқиш, таҳлил қилиш ҳамда унинг асосида амалий тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиши долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ўз маъруzasида “...корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳукуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим” – деб кўрсатиб ўтди^{1[1]}. Мамлакатимизда корпоратив бошқарув тамойилларини самарали

¹ И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруzasи. Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь, 143-сон, 6.1

даражада жорий этиш имкониятини берувчи институтларни яратиш, мавжудлари ишини янада такомиллаштириш даркор.

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик қўлга киритилгач, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини ҳамда жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлай оладиган, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишни устувор вазифа этиб белгиланди. Бозор иқтисодиётига ўтувчи мамлакатларининг иқтисодий ислоҳотлар тажрибаси шуни тасдиқламоқдаки, маъмурий - режали иқтисодиётдан хўжалик юритишнинг бозор моделига уйғун ўтишнинг муҳим воситаси хусусийлаштириш ва акционерлаштириш бўлиб, бу хақиқий мулқдорлар синфининг шаклланишига ва хусусийлаштирилган мулкни корпоратив бошқаришнинг самарали усуllibарини жорий этишга кўмаклашади. Ўзбекистон корхоналарида корпоратив бошқарувни шакллантириш учун шарт - шароитлар 1997 - 1998 йилларда бошланди ва муайян расмий -ташкилий асослар мустақилликнинг илк йилларида ёқ собиқ давлат корхоналарининг ўзгартирилиши давомида юзага келди.

Ўзбекистон Республикаси корхоналари фаолиятида корпоратив бошқарув усуllibарининг институционал қарор топиши жараёни қўйидаги омиллар билан изохланади:

- давлатнинг корхоналарни хусусийлаштириш ва уларнинг молиявий аҳволини мустаҳкамлашга қаратилган чоралари;
- давлат корхоналарини акциядорлик жамиятларини ташкил қилиш шаклида давлат тасарруфидан чиқариш жараёни, эмиссия кўламларини кенгайтириш ва уларнинг акцияларини муомалага чиқариш;
- корхоналар акциядорлари ҳуқуқларини давлат ва унинг ваколатли идоралари томонидан ҳимоя қилинишининг мустаҳкам қонунчилик ва институционал базасини яратиш.

Корпорация (лотинча *corporatio* – бирлашиш) – бу умумий мақсадларга эришиш, биргалиқда фаолият кўрсатиш учун бирлашган ва ҳуқуқнинг мустақил субъектини – ҳуқуқий шахсни ташкил қилган жисмоний ёки ҳуқуқий шахслар бирлашмасидир^{2[2]}.

Корпорациялар - мулкчиликнинг ҳиссадорлик шаклининг замонавий кўринишларидан бири ҳисобланади. Унда бир неча мулқдорлар манфаатлари бирлашади, ягона мақсад доирасида инвесторлар капиталлари бирлаштирилади^{3[3]}.

Корпоратив бошқарув бу – бизнеснинг ташкилий - ҳуқуқий расмийлаштирилишини, ташкилий структураларнинг оптималлашувини бошқариш, қабул қилинган мақсадларга мувофиқ компанияда ички ва ташки фирма муносабатларини ташкил қилишdir.

Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилотининг корпоратив бошқарув тамойилларида “корпоратив бошқарув” тушунчасига компания

^{2[2]} Иванова Е. А., Шишикина Л. В. Корпоративное управление. Ростов н/Д.: «Феникс», 2007

^{3[3]} Курбонов Х.А. Корпоративные финансы Т.: «Консаудитинформ». 2007й. 66.

маъмурияти, унинг бошқаруви, акциядорлари ва бошқа манфаатдор шахслари орасидаги муносабатлар мажмуаси деб таъриф берилган.

Бошқа таърифларга биноан, корпоратив бошқарув бу:

- компания фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар, ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (компания ходимлари, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича компания менежерлари ва эгалари (акциядорлари) ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими;
- корпоратив мулкнинг эгалари назоратидан бевосита узоклаштирилиши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган барча қонунлар, меъёрлар, низомлар, тадбирлар ва тартиблар;
- компанияни самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий манфаатдор шахсларнинг манфаатларини бирлаштиришни амалга оширилувчи ташкилий, ҳуқуқий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси.

Корпоратив бошқарув учун муҳим нарса – ҳалол, масъулиятли, равshan корпоратив хулқ ва ҳисботни таъминлашга қаратилган механизмлардир. Менежмент эса корхона бизнесининг профессионал мутахассислар томонидан юритилишига қаратилган механизмларни назарда тутади.

Корпоратив бошқарув менежментга нисбатан раҳбарлик қилишнинг юқорироқ поғонасида жойлашган бўлиб, компания фаолиятини унинг акциядорлари манфаатлари йўлида бошқарилишини таъминлайди. Корпоратив бошқарув ва менежмент вазифаларининг ўзаро кесишуви фақат компанияни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикасида корхоналарни акциядорлик шаклига айлантириш жараёнида жорий этиладиган корпоратив менежмент усуллари аввал-бошиданоқ қўйидаги асосий мақсадларни ифодалайди:

- корхоналар фаолиятининг иқтисодий ва молиявий қўрсаткичларини бошқарув соҳасида уларнинг мустақиллигини таъминлаш ҳисобига яхшилаш;
- миллий молия бозорининг (капитал, қимматли қофозлар, кўчмас мулк бозорлари) турли бўғинларини ривожлантириш ҳамда аҳолининг корхоналар капиталидаги иштирокини кенгайтириш;
- ички бозорни турли маҳсулотлар билан тўлдириш ва маҳаллий корхоналарнинг рақобатбардошлиқ даражасини ошириш мақсадида рақобатдош бозор муҳитини яратиш;
- корхоналарга тўғридан-тўғри ва портфелли хорижий инвестицияларни жалб қилиш.

Корпоратив бошқарувнинг асосий тамойилларига қуйидагиларни киритишимиз мумкин:

Адолатлилик - бошқарув қоидалари адолатли бўлиб, ҳалол рақобатчилик шароитида компанияга муваффақиятли ҳаракат қилишга имконият бериши ва шу билан бирга барча қатнашчиларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳам ҳуқуқларини таъминлаш лозим.

Равшанлилик - компанияга алоқадор барча муҳим ахборотларнинг, шу жумладан мулкчилик шакли, молиявий ҳолати, фаолият натижаларини ўз вақтида ва аниқ ошкора қилинишини керак.

Ҳиссадорлик — барча бошқарув органларининг вазифалари ва ваколатларини аниқ ажратиб беришни, Ижроия органининг Кузатув кенгаши ва акциядорларга ҳисоб бериш мажбуриятини юклайди.

Жавобгарлик - акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар олдида маъмуриятнинг ва компания фаолиятига боғлиқ қарорларни қабул қилувчи шахсларнинг жавобгарлиги.

Назорат саволлари:

- 1.Корпоратив бошқарувнинг келиб чиқиши ва ривожланиши босқичлари
- 2.Ўзбекистонда маҳаллий корпоратив бошқарувни шакллантиришнинг босқичлари
- 3.Ўзбекистон Республикаси корхоналари фаолиятида корпоратив бошқарув усулларининг институционал қарор топиши жараёни омиллари.
- 4.Корпоратив бошқарув ва корпоратив менежментнинг фарки.
- 5.Корпорация нима?
- 6.Корпоратив бошқарувнинг хусусиятлари.
- 7.Корпоратив муҳит нима?
- 8.Корпоратив алоқаларни амалга оширувчи иштирокчилари.
- 9.Корпоратив бошқарувнинг мақсад ва вазифалари
- 10.Корпоратив бошқарувнинг тамойиллари.

2-мавзу. Корпоратив бошқарув назариясининг эволюцияси

- 1.Корпоратив бошқарув келиб чиқишининг асосий шартлари ва сабаблари.
- 2.Неоклассик ва институционал ёндашувда корпоратив бошқарув назарияси: таққослама таҳлил.
- 3.Корхона назариясидаги замонавий корпорация: молиялаштириш, мулкчилик, назорат.
- 4.Парадигма: акциядор-манфаатдор томонлар.
- 5.Корпоратив бошқарувнинг замонавий ривожланиш назарияси.

Корпоратив бошқарув йирик бизнес юритиш зарурати обьекти сифатида шаклланган. табиийки, бундан олдин корпорациялар шаклланишининг узоқ муддатли жараёни рўй берган. маълум бир босқичда халқаро ҳамжамият корпоратив структуралар жойлашувидан қатъий назар уларни бошқариш жараёнларини соддалаштириш ва бир хиллаштиришга имкон берадиган умумий меъёрлар ва андозалар ишлаб чиқишига мажбур бўлди.

Корпорациялар шаклланиши умумжаҳон тенденцияларини таҳлил қилиб, мутахассислар учта асосий босқични ажратиб кўрсатадилар. Ҳар бир босқич жамиятда ўша пайтда шаклланган корпорацияларга хос жиҳатларни акс эттиради.

XX асрнинг бошларида саноат инқилоби давомида пайдо бўлган корпорациялар уларнинг эгалари мулки сифатида қабул қилинган. Улар

киритилган маблағларга мос келувчи қайтим (самара) таъминлаш мақсади учунгина хизмат қиласы деб хисобланган. Корпорация машина сифатида күриб чиқылған, ходимлар ва бошқарувчилар бу машинанинг қисмлари хисобланган. Бу даврда бошқарувнинг механистик модели ҳукмронлик қилған. Ушбу даврга қуйидаги шароитлар хос бўлган:

- корпорация эгаси ходимлар устидан чексиз ҳукмронлик қилған ва уларни хоҳлаганича хўжайнчилик қилған;
- ходимларнинг малака даражаси жуда паст бўлган ва такомиллашув учун стимуллар бўлмаган;

маълумот ва сўровлар даражаси паст бўлган, чунки ишсизлик билан боғлиқ иқтисодий муҳтоҷликлар таҳди迪 мунтазам бўлган.

Корпоратив бошқарувнинг назарий манбалари қуйидагилар ҳисобланади:

- агентлик назарияси (Agency Theory);
- шериклар назарияси (Stakeholder Theory);
- бошқарув назарияси (Stewardship Theory);
- ташкилий назария (Organization Theory).

Бу назарияларнинг ҳар бирини қисқача таҳлил қилиб чиқамиз:

1) Агентлик назариясида корпоратив муносабатлар механизми агентлик харажатлари воситалари орқали кўриб чиқилиб, директорлар ва акциядорлар ўтасидаги ўзаро муносабатлар шартнома муносабатлари сифатида ифодаланади. Кўриб чиқиладиган вазифалар типологияси қуйидагиларга бориб тақалади:

- “манфий танлов” муаммоси (яъни яхши менежерни қандай танлаш);
- “оппортунистик хулқ – автор” муаммоси (яъни қандай қилиб менежерни мулк эгаси манфаатларида ишлашга мажбур қилиш).

Корпоратив муносабатларни ташкил қилишнинг умумий тамойилларидан ташқари, ҳар бир корпоратив бирлашмада корпорациянинг ташкилий таркиби, харид қилинган мулк хусусияти ва бошқалар билан асосланадиган маълум бир ўзига хосликлар вужудга келиши мумкин. Корпоратив бирлашмаларнинг энг кенг тарқалган шаклларини кўриб чиқамиз.

Ассоциация. Бирлашмага аъзо бўлиб кирганларнинг мустақиллигини сақлаб қолган ҳолда биргалиқда ҳамкорлик қилиш мақсадида жисмоний ва (ёки) юридик шахсларнинг кўнгилли бирлашуви.

Консорциум. Корпорациялар, банклар ва бошқа ташкилотларнинг умумий келишув асосида капитал сифими катта бўлган лойиҳани амалга ошириш ёки биргалиқда заём жойлаштириш учун (буюртмачилар олдида биргалиқда жавобгар бўлади) вақтинчалик бирлашуви.

Концерн. Манфаатлар умумийлиги, шартномалар, капитал, қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ корхоналар йирик бирлашуви (кўпинча бундай гурух бу корпорациялар акцияларига эгалик қилувчи холдинг атрофида бирлашади).

Синдикат. Бир хил маҳсулот чиқарувчи корхоналарнинг маҳсулотни умумий савдо тармоғи орқали жамоавий сотишни ташкил қилиш мақсадида бирлашуви.

Молия саноат гурухлари (МСГ). Белгиланган тартибда мос келувчи идораларда рўйхатга олинган юридик жиҳатдан мустақил, моддий ресурслари ва капиталларини умумий иқтисодий мақсадга эришиш учун бирлаштирган корхоналар, молиявий ва инвестиция институтлари гурухи. МСГда марказий (бош) корпорация ихтисослашган ташкилот – “бошқарувчи компания” ҳам, гурухга кирувчи ишлаб чиқариш корхонаси ёки бирлашма, банк, молия ёки суғурта компанияси ҳам бўлиши мумкин.

Холдинг. Акциялар назорат пакетига эга, уларнинг операциялари устидан назоратни амалга ошириш мақсадида бошқа компания ва корхоналар фаолиятини бошқарадиган ёки назорат қиласидаган акциядорлик компанияси. Холдинг компанияси ўзининг ишлаб чиқариш салоҳиятига эга бўлмаслиги ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланмаслиги мумкин.

Назорат саволлари:

- 1.Корпоратив бошқарувнинг вужудга келиши сабаблари
2. Корпоратив бошқарувнинг назарий асослари
- 3.Трансакция харажатлари назарияси
4. Мулоқотлар назарияси
- 5.Имплицит шартномаси.
6. Мулкчилик ҳуқуқлари назарияси.
7. Корпоратив бошқарувнинг назарий манбалари.
- 8.Риск турлари ва уни диверсификациялаш.
9. Модильяни - Миллер теоремаси
10. Йенсенning эркин пул оқимлари назарияси.

3-мавзу. Корпоратив бошқарувнинг замонавий амалиёти ва моделлари

- 1.Корпоратив бошқарувнинг моделлари (Инглиз – Америка, Германия ва Япония моделлари) ва ҳусусиятлари.
- 2.Корпоратив бошқарув моделларининг мамлакатлардаги ҳусусиятлари.
- 3.Моделларнинг таққослалама таҳлили: ўхшашибликлари, фарқлари, ривожланиш истиқболлари.
- 4.Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти томонидан корпоратив бошқарув тизимидағи корпоратив бошқарувни амалга ошириш тамойиллари.
- 5.Корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари.
- 6.Корпоратив назоратнинг шакллари ва моделлари.
- 7.«Қимматли қофозлар бозори», «Акциядорлик жамиятлари» түғрисидаги қонунларда корпоратив бошқарувнинг ҳуқуқий жиҳатлари.

Корпоратив бошқарувнинг моделларининг қўйи даги шакллари мавжуд ҳисобланади:

- Унитар (инвестор) модели – АҚШ, Буюк Британия, Австралия;
- Икки поғонали (манфаатдор шахслар) модели – Германия;
- Континентал модел;
- Тармоқ модели – Япония (кейретсу), Корея (чаэбол).

Унитар модель:

- Бошқарувнинг ягона органи – унинг таркибида ижро этувчи директорлардан кўра мустақил директорлар кўпроқ бўлган унитар Директорлар Кенгаши (акциядорлик мулкчиликнинг «Инглизсаксон» модели; 24 - 30% акция ҳаракатсиз, узоқ вақт кичик корхоналар қўлида бўлади ва назорат пакетини шакллантиради, 70-80% акция, аксинча, ҳаракатчан, вақти - вақти билан бозорга олиб чиқилади ва бир кишининг қўлидан бошқасига осон ўтади);
- Акциядорлик капиталнинг катта қисми инглизсаксон удумларида тарбияланган майда инвесторлар сармоясидан иборат;
- Жисмоний шахсларга қарашли бўлмаган акциялар асосан институционал инвесторлар қўлида жамланган;
- Қимматли қоғозлар бозори юқори самарадорлиги ва ликвидлиги билан ажралиб туради;
- Миноритар акциядорлар хуқуқларини ҳимоя қилиш юқори даражада;
- Жалб қилинган директорлар иштирокидаги кучли корпоратив бошқарув.

Икки погонали модель (инсайдерлик):

Раҳбарлик ва ижрочилик органи:

- Кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши);
- Ижроия органи.

Вазифаларнинг қатъий тақсимланиши. Кенгаш аъзолари ижроия органига аъзолик қилиши мумкин эмас.

Континентал модель:

- Доимий эгаларда 70 - 80% акция жамланган, 20 - 30% акция эса “чакана” сотилади ва харидорлар уларга маблағларни вактинча жойлаштириш воситаси сифатида қарайдилар;
- Акциядорлик сармоясина йирик “улгуржи” инвесторлар ташкил қилиб, бир - бирининг акциясига ўзаро эгалик қилиш (кучли қарамлик) тизими кенг ривожланган;
- Кузатув кенгашида компания ҳодимларининг салмоқли вакиллиги;
- Ўзоқни кўрадиган инвесторлар;
- Қимматли қоғозлар бозори кичикроқ ва ликвидлиги камроқ.

Тармоқ (япон) модель:

Япон модели мазмунига кўра америка моделига ҳам, германия моделига ҳам ўхшамайди, бироқ иккала модельнинг айрим хусусиятларини ўз ичига олган:

- директорлар кенгаши таркибида мустақил директорлар бўлмасдан, Кенгашнинг барча аъзолари юқори бошқарув органи вакиллари ёки эски бошқарувчилардир;
- акциядорлик сармоясина асосан йирик инвесторлар ташкил қилиб, ягона саноат гурухига аъзо бўлган компанияларнинг ўзаро акцияларига эгалик қилиш ҳолати муҳим ўрин тутади.
- шахслараро муносабатлар кучли муҳим аҳамиятга эга;
- инсайдерларнинг етакчилиги.

1-жадвал

Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятлари

Моделларнинг ху- сусиятлари	Инглиз-Америка модели	Немис моде- ли	Япон модели
Ижтимоий қадриятлар тизими	Шахсиятпаратстлик, танлов эркинлиги	Ижтимоий ҳамкорлик	Ҳамкорлик ва ишонч
Мехнат жамоасининг роли	Пассив	Фаол	Фаол иштирокчилик
Молиялаштиришнинг асосий усули	Фонд бозори	Банклар	Банклар
Ахборот номутано-сиблиги	Менежмент	Менежмент, “уй” банки	Бош банк
Инвестициялаш муддатлари	Қисқа муддатли	Узоқ муддатли	Узоқ муддатли
Капиталнинг қиймати	Юқори	Ўрта	Паст
Капитал бозори	Юқори ликвидли	Ликвидли	Нисбатан ликвидли
Асосий иқтисодий бирлик (йирик бизнесда)	Компания	Холдинг	Молия-саноат гурухи
Менежментга ҳақ тўлаш	Юқори	Ўрта	Паст
Акциядорлик капиталининг тузилмаси	Сочилган	нисбатан жамланган	Жамланган

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИҲТТ) корпоратив бошқарув тамойиллари

Биринчи тамойил - акциядорлар учун фойдана максималлаштириш. Компания унинг акциядорлари энг юқори фойда олиши учун ишлайди. Бунда у акциядорлар (мулк эгалари) ёки менежментнинг бирон гурухи эмас, балки барча акциядорлар манфаатларига риоя қилиши лозим.

Иккинчи тамойил – молиявий ахборотларнинг очиқлиги. Акциядорлар, шунингдек, тартибга солиш органлари (Ўзбекистонда бу молия бозорлари бўйича Федерал хизмат ҳисобланади) учун компания молияси ҳақида халқаро бухгалтерия ҳисоби андозалари бўйича тайёрланган ва мустақил аудитор текширувидан ўтказилган ахборот очиб берилиши лозим.

Учинчи тамойил - компания мулкининг шоффофлик таркиби, менежмент билан боғлиқ, 5% дан ортиқ акцияларга эга бўлган, акциядорларнинг аффилланган таркиби.

Бунда мулк таркибини якуний мулк эгасигача очиб бериш лозим.

Тўртинчи тамойил - оддий акциялар “битта акция – битта овоз” қоидаси бўйича овоз беради. Ушбу тамойилга Ўзбекистон Республикасида риоя қилинади. Акциядорлар қабул қилиши лозим бўлган муҳим қарорлар

доим ҳам айнан акциядорларни олган акциялари даражасида қабул қилинмайди.

Бешинчи тамойил – директорлар Кенгашини компания акциядорлари сайлайди. Кенгаш уларнинг олдида ҳисобот беради, шунингдек, мустақил директорлар кенгашига компания менежерлари ҳисобланмаган шахсларни қамраб олади.

Олтинчи тамойил – корпорацияда рағбатлантириш тизими (иш ҳақи, мукофотлар, опционлар ва ҳакозо) акциядорлар манфаатларига жавоб бериши лозим. Бу компания ходимлари ёки унинг акциядорлари эканлигини, ёки компанияда акцияларни бонус сифатида олишини англаради. Агар менежер унга компаниянинг ахволига боғлиқ бўладиган қарорлар қабул қиласа, унинг иш ҳақи корхонанинг капиталлашув даражасига тўғридан - тўғри боғлиқ бўлиши лозим.

Еттинчи тамойил - корпорациялар қайси мамлакатда фаолият юритаётган булса, ўша мамлакатнинг қонунларига амал қилишлари шарт.

Саккизинчи тамойил – хукуматлар ва корпорациялар доимий мулоқотда бўлади.

Корпоратив бошқарув тамойиллари бир томондан қонун ҳисобланса, бошқа томонидан доимий тузатиш киритиш жараёнини биргаликда амалга ошириши лозим.

Назорат саволлари:

1. Корпоратив бошқарувнинг моделлари
2. Корпоратив бошқарувнинг америка тизими
3. Корпоратив бошқарувнинг ўзбек модели.
4. Корпоратив бошқарувнинг инглиз - америка модели.
5. Корпоратив бошқарув моделларининг қиёсий хусусиятлари.
6. Корпоратив бошқарувнинг халқаро тамойиллари.
7. Адолатлилик тамойилининг моҳияти.
8. Евроакциядорлар корпоратив бошқаруви асосий тамойиллари.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора - тадбирлари тўғрисида” қарорининг мазмуни.
10. Ички аудит хизмати ҳақида низом.

4-мавзу. Давлатнинг корпоратив секторда қатнашиши

1. Давлат тасарруфидан чиқариш ва давлат мулкини хусусийлаштириш.
2. Умумдавлат вазифаларини бажаришда хўжалик жамоалари қатнашишини таъминлаш. Мудофаа, ижтимоий-иқтисодий, экологик масалаларни ҳал этиш. Табиий монополияни тартибга солиш.
3. Давлат инвестицион активларини бошқаришнинг жавобгарлиги.
4. Давлатнинг хусусий секторда мулкдор сифатида қатнашиши.
5. Давлат ишонч вакилининг вазифалари.
6. Давлат ишонч бошқарувчиси.
7. Хусусийлаштириш бўйича дастур.
8. Давлатнинг жамоавий инвестициялаш механизмида инвестор сифатида қатнашиши.

Корпорацияларни энг тарқалған таърифи бу – ўз олдига маълум бир мақсадлар қўйган, жамият манфаатларида ҳаракат қиласидиган, белгиланган хуқуқларга эга, юридик шахс ҳисобланган, доимий асосда фаолият юритадиган ва масъулияти чекланган ташкилот ҳисобланади.

Акциядорлик жамияти очиқ ёки ёпик бўлиши мумкин. Очиқ акциядорлик жамиятининг муассислари таркибига кирувчиларнинг энг кам сони чекланмайди, ёпик акциядорлик жамиятининг муассислари эса камида уч шахсдан иборат қилиб белгиланади. Жамиятнинг ҳар бир муассиси унинг акциядори бўлиши лозим. Қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти очиқ акциядорлик жамияти деб ҳисобланади. Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга очиқ обуна ўтказишга ва қонун ҳужжатларининг талабларини ҳисобга олган ҳолда уларни эркин сотишга ҳақлидир.

Очиқ акциядорлик жамияти ўзи чиқараётган акцияларга ёпик обуна ўтказишга ҳақли, жамият уставида ва қонун ҳужжатларида ёпик обунани ўтказиш имконияти чеклаб қўйилган ҳоллар бундан мустасно.

Очиқ акциядорлик жамияти акциядорларининг сони чегараланмайди.

Ўз олдига интеграцияланишни мақсад қилиб қўйган корпорация интеграцион стратегиясининг белгиланган босқичларини амалга оширади. Йириклиштирилган тарзда корпорациялар ривожланишининг интеграцион стратегияси уч босқичга тақсимланади :

Биринчи босқич - ташкилий лойихалашни ифодалайди, бу ерда интеграция ҳақида қарор қабул қилинади, стратегиялар ишлаб чиқлади, амалга ошириш жараёнлари режалаштирилади ва ҳокозо.

Иккинчи босқичда - ишлаб чиқилган режалар ва чора - тадбирлар асосида лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилади ва интеграция жараёни амалга оширилади. Корпорация таркибига кирадиган компаниялар ёки корпорацияларни ташкилий структураси ўзгаради, ишлаб чиқариш ва бошқарув алоқаларининг бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтиши рўй беради.

Лойиҳани амалга оширишнинг иккинчи босқичида қўйидагилар амалга оширилиши мумкин:

1. Қўшилиш (қўшиб олиш). Қўшилиш деб - янги жамиятнинг унга қўшилиш ҳақида қарор қилган, уларнинг фаолият юритиши тўхтатиладиган бир нечта жамиятларнинг барча хуқуқ ва мажбуриятлари берилиши йўли билан ташкил топишига айтилади. Бошқача қилиб айтганда, ҳар бир жамиятни юридик жиҳатдан тугатиш рўй беради ва янги ташкилий структура тузилади. Мос равишда, барча мавжуд бошқарув органлари бекор қилинади ва янги ташкил қилинган компанияяда акциядорлар умумий йиғилиши, Директорлар кенгаши, Бошқарма – ҳаммаси янгидан ташкил этилади. Қўшилишда иштирок этадиган жамиятларнинг акциялари бекор қилинади ва кейинчалик янги жамиятнинг акциялари чиқарилади. Шу сабабли дастлаб,

янги ташкил қилинган акциядорлик жамиятини бошқариш учун овоз бериш тартиби қўшилиш ҳақидаги шартномада белгилаб берилади.

2. Бирлашиш. Бирлашиш деб - жамиятнинг барча хуқуқ ва мажбуриятларни бошқа жамиятга берган ҳолда ўз фаолиятини тўхтатишига айтилади. Яъни, ўзига жамиятни бирлаштириб оладиган ташкилот бу жамиятнинг барча мулкий мажмуаларини, активлари ва ҳокозоларни идора қилиши мумкин, лекин шу билан бир пайтда у мазкур жамиятнинг учинчи шахслар олдидаги барча мажбуриятларини ҳам ўз зиммасига олади. Бирлаштириладиган жамият акциядорлар умумий йиғилишини чақиради ва бирлашиш ҳақидаги масалани ҳал этгач, топшириш далолатномаси тузади. Бирлашиш жараёнидан кейин жамиятни бирлаштириб олган ташкилот қўшиб олинган мулк суммасига teng акциялар қўшимча эмиссияси чиқаради ва тарқатади. Акциядорлар сонининг ортишидан келиб чиқиб, Директорлар кенгashi аъзолари сони ҳам оширилиши ёки бошқарув органларида бошқа ўзгаришлар амалга оширилиши мумкин.

3. Тугатиш. Жамиятни тугатиш жамиятнинг хуқуқ ва мажбуриятларини бошқа шахсларга ўтказмаган ҳолда унинг фаолиятини тўхтатишинг англаатади. Жамиятни кўнгилли равишда тугатиш ҳақида қарор акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинади, мажбурий равишда тугатиш эса суд қарорига кўра амалга оширилади. Шундан кейин жамият мулкини унинг барча кредиторлари, сўнгра акциядорлар ўртасида тақсимлаш рўй беради ва жамиятни тугатиш жараёни юридик шахслар давлат реестрига мос келувчи қайд киритиш билан якунланади.

4. Ўзгартириш. Жамият масъулияти чекланган жамиятга, ишлаб чиқариш ширкатига ёки нотижорат ҳамкорлигига ўзгартирилиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартиби жамиятни ўзгартириш тартиби ва шартлари, жамият акцияларини масъулияти чекланган жамият қатнашчиларининг қўйилмаларига ёки ишлаб чиқариш ширкати аъзоларининг пай бадалларига алмаштириш тартиби алоқадор масалалар билан биргаликда жамиятни ўзгартириш масаласи қўйилади. Шундан кейин барча қатнашчилар томонидан ўзгартирилган ташкилотнинг таъсис хужжатлари тасдиқланади, унинг бошқарув органлари сайланади. Ўзгартирилган ташкилот бунга қадар мавжуд бўлиб келган жамиятнинг барча хуқуқ ва мажбуриятларини ўзида сақлаб қолади.

5. Тақсимлаш. Тақсимлаш деб - ташкилот фаолиятини тўхтатиши ва унинг барча хуқуқ ва мажбуриятларини янги ташкил этиладиган жамиятларга бериш тан олинади. Акциядорлар умумий йиғилишида кун тартиби жамиятни тақсимлаш тартиби ва шартлари, янги жамиятлар ташкил қилиш, тақсимланадиган жамият акцияларини янги ташкил этиладиган акциядорлик жамиятлари акцияларига алмаштириш тартиби ҳақидаги масалалар қўйилади, шунингдек, тақсимлаш баланси тасдиқланади. Агар умумий йиғилиш томонидан барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинадиган бўлса, шундан кейин янги ташкил этилган ҳар битта жамиятни бошқариш уларнинг ўз акциядорлар умумий йиғилиши томонидан ва қабул қилинган шартларга мувофиқ амалга оширилади.

Ташкилотни тақсимлаш масалалри бўйича овоз беришда қатнашмаган ёки қарши овоз берган шахсларга келадиган бўлсақ, улар жамият тақсимлангунга қадар ўзларига тегишли бўлган акциялар сонига пропорционал равищда, янги ташкил этилган ҳар бир жамиятнинг худди шу ҳукуқларни берадиган акцияларини олишлари лозим.

5. Ажратиш. Ажратиш деб - уларга ўз фаолиятини тўхтатмаган ҳолда уларни ажратадиган ташкилотнинг ҳукуқ ва мажбуриялари бир қисми бериладиган битта ёки бир нечта жамиятларни ташкил қилишга айтилади. Акциядорлар умумий йиғилишида кун тартибига жамиятни ажратиш, уни ажратиш тартиби ва шартлари ҳақида, ташкилот акцияларини алмаштириш ва бу алмаштириш тартиби, тақсимлаш балансини тасдиқлаш ҳақида масалалар қўйилади.

Корпоратив бизнеснинг мавжуд интеграция шакллари хилма - хиллигидан горизонтал интеграциялашган, вертикал интеграциялашган ва конгломерат типдаги корпорацияларни алоҳида ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқ.

Горизонтал интеграциялаш натижасида вужудга келадиган корпоратив тузилмалар битта тармоқ корхоналарининг саъй - ҳаракатларини бирлаштириш тенденциясини акс эттиради. Ахир дастлаб капитал марказлашуви бир ерга жамланиши хўжалик субъектларини, жумладан, бир хил турдаги структураларни бирлаштириш ҳисобига қўшимча капитал жалб қилиш йўли билан мустаҳкамлашда ўз аксини топади.

Горизонтал интеграция битта тармоқдаги бир хил ишлаб чиқариш тавсифномасига эга бўлган капиталлар бирлашувини акс эттиради, у Ўзбекистонда ҳозирги кун шароитларида ўз аҳамиятни йўқотмаган. Иқтисодиётда горизонтал интеграциянинг имкониятлари ҳали батамом фойдаланиб бўлинмаган. Бу кўплаб тармоқларда капиталнинг бир ерда жойлашув даражаси етарли эмаслиги, бир хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш соҳаларининг ривожланиши якунланмаганлиги натижасидир. Горизонтал интеграциялашган структураларга умумий бошқарув асосида бирлашиш шакли хос. Горизонтал алоқаларнинг бу тизимида алоҳида корпоратив тузилмалар йирик бир тузилманинг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Ривожланишнинг маълум бир босқичида капиталнинг жамланиш тенденцияси бир - бири билан технологик жиҳатдан боғлиқ ишлаб чиқаришларга тарқалади. Бу ҳолат *вертикал интеграциянинг* ривожланишида ўз аксини топади. Вертикал интеграция деганда кенг маънода корпоратив тузилмалар хўжалик субъектларининг ўзаро алоқалари тушунилади, шу тариқа, бир субъектнинг маҳсулотлари бошқа субъект учун хомашё ҳисобланади.

Барча корпоратив тузилмаларни бирлашма таркибига кирувчи шахслар мустақиллик даражаси бўйича учта асосий гурухга ажратиш мумкин:

1. Бирлашма аъзолари ўз мустақиллиги ва ҳукуқларини тўлик ҳажмда сақлаб қолади, тузилманинг ўзи эса, унинг қатнашчилари бир хил ҳукуқларга

эга эканлиги сабабли симметрик характерга эга бўлади. Кўриб чиқилган тузилмаларнинг бу гурухига ассоциация (иттифоқ, лига, гильдия, палата), картель, консорциумлар киради.

2. Қатнашчилар бир - бири билан ўз фаолияти тўлиқ ҳажмида алоқада бўлмайдиган ва бошқарув соҳасида мустақилликни сақлаб қоладиган, ўзаро қисман боғлиқ корхоналар бирлашмаси (симметрик структуралар). Бу гурухга МСГ ва синдикатлар киради.

3. Бошқарув функциялари битта қатнашчидан бошқа қатнашчига бериладиган (ва мос равиша, мустақиллик хуқуқи йўқотиладиган) бирлашма. Қатнашчиларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари бир хил эмаслиги туфайли структура ассимметрик ҳисобланади. Бу гурухга трест, концерн ва холдинглар киради.

Назорат саволлари:

- 1.Ўзбекистонда корпорациялар-акциядорлик жамияти сифатида.
- 2.”Ўзбекистон Республикаси хиссадорлик жамиятлари тўғрисида”ги қонун таҳлили.
- 3.Корпорациялар ривожланишининг интеграцион стратегияси босқичлари.
4. Корпорацияларнинг интеграция турлари ва типлари.
5. Корпоратив структуралар тузишнинг ташкилий турлари тавсифи.

5-мавзу. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корпорациялар механизми ва уларнинг хусусиятлари

- 1.Корпорацияларнинг хўжалик субъекти сифатида тушунчаси ва уларни ташкил қилиш тамойиллари.
- 2.Ўзбекистон Республикасида «корпорация» тушунчаси, интеграцион ривожланиш стратегияси.
- 3.Корпорация шаклланишида интеграцион жараёнлар ҳаракатланувчи восита сифатида.
- 4.Интеграция кўринишилари ва корпоратив интеграция турлари.
- 5.Корпоратив тузилмаларнинг ташкилий турлари.
- 6.Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида корпоратив бошқарувнинг иқтисодий механизми.

Хиссадорлик жамияти фаолият кўрсатишининг зарурий шарти унда капиталнинг мавжудлиги ҳисобланади. Бироқ бунинг ўзигина етарли эмас. Жамиятнинг фаровонлиги бу капитални бошқариш қанчалик самарали амалга оширилишига ҳам боғлиқ бўлади. бошқарув масалаларига доир кўп сонли чоп этилган маълумотлар муайян ҳолат учун танлов қилиш ва уни амалга ошириш учун назарий ва амалий ишланмалар етарли деган тасаввур ўйғотиши мумкин. Шу билан бирга, турли йўналишдаги корхоналарнинг фаолият тажрибаси шуни кўрсатадики, аслида бошқарув бу – қатъий ишлаб чиқилган услубиятдан кўра санъатга яқинроқ. Капитални самарали бошқаришга ўрганиш учун унинг таркибини, ҳар бир таркибий қисмининг хусусиятларини, сифат ва функционал боғлиқликларни яхши билиш талаб этилади.

Жамиятларнинг капитали оптимал тарзда фойдаланилиши учун бир хил усулларни унинг турли таркибий қисмларига нисбатан қўллаб бўлмайди, шу сабабли бирламчи навбатдаги масалалардан бири капитални структуралаш, унинг асосий ва нисбатан бир хил таркибий қисмларини ажратиш масаласи ҳисобланади. Бунинг қандай амалга оширилишига қараб, асосий қарорлар қабул қилиш бўйича кейинги қадамлар қўйилади. Бошқача қилиб айтганда, капитал таркибий қисмларининг турли мезонларга асосланган таснифини кўриб чиқиш зарур. Фойдаланиш мумкин бўлган барча мезонларни олдиндан белгилаб олиш лозим. Ҳар бир мезон ҳам реал ишлаб чиқариш йўналишларига жавоб берадиган самарали структуралашни амалга ошириш имконини бермайди. Таснифлашни ўтказишида “мавжудлик” тамойилига амал қилиш зарур, чунки ҳар бир муайян кўринишида у ёки бу омиллар ҳисобланади. Шундай қилиб, капитал таркиби уни ўтказиш мақсадига боғлиқ бўлади. Хусусан, эмиссия бўйича қарор қабул қилишда ўзининг ва қарзга олинган маблағларнинг нисбатини аниқлаш зарур, тўлов лаёқатини аниқлашда эса баланснинг айрим моддаларини таҳлил қилиш кифоя.

Кўпинча биринчи навбатда ҳиссадорлик капитали унинг жамиятни ривожлантириш учун аҳамияти нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Бунда бериладиган айрим таърифларнинг моҳияти шундаки, асос қилиб жамият ўз кредиторлари олдида жавоб берадиган маблағлар минимал ҳажми олинади. Бу ҳиссадорлик капитали ҳақида бирмунча соддалаштирилган тасаввурдир. У капитални такомиллаштириш бўйича ишлар учун амалда ҳеч қандай маҳсулдор ғоялар бермайди. Белгиланган санага тайёрланган корхона балансини ўрганиш асосида капитални диққат билан таҳлил қилиш кўпроқ маҳсулдор ҳисобланади.

Кўплаб ишларда баланс белгиланган вақт муддатида тузилган жамиятнинг активлари ва пассивлари рўйхати сифатида ифодаланади. Бироқ ушбу молиявий восита чуқурроқ иқтисодий мазмунга эга.

Кўпинча биринчи ўринга корхона эгалик қиласиган активлар рўйхати кўйилади. Шубҳасизки, бу жуда муҳим маълумотлар, таркибий қисмлар бўлиб, кўйилган мақсадга эришиш учун улар билан манипуляция қилиш мумкин. Бунда капиталнинг биринчи юзи намоён бўлади. Бу ерда у моддий кўринишида намоён бўлади, бу эса унинг сон тавсифини, баъзида эса сифат тавсифини ҳам олиш имконини беради. Кўплаб молиячилар моддий капиталнинг алоҳида таркибий қисмларини мутлақ ликвидли ҳисобланадиган, яъни қўшимча ўзгартиришни талаб қилмайдиган пул маблағларига айлантириш потенциал тезлигини таҳлил қиласи.

Моддий активларни ўзгартириш тезлиги муайян вазият ва вақтга боғлиқ бўлади. Шу сабабли бу ҳолатда капитал ташқи вазиятга, ташқи омилларга жиддий боғланиб қолади. Микдорий кўринишида ўзгартириш фаолияти ҳисоб-китоб қилиниши ва кунларда тақдим этилиши мумкин. Шундай қилиб, капиталнинг алоҳида таркибий қисмлари ҳиссадорлик жамияти ривожланиш самарадорлигига турлича таъсир кўрсатади.

Баланснинг фаол қисми таҳлилчи учун ноаниқликлар йигиндисини ифодалайди. Улардан бири асосий воситаларнинг ҳолати ҳисобланади. Ҳисоб

тизимида уларнинг қийматини кўрсатишнинг ўзи етарли эмас. Эскирганлик даражаси ҳақида қисқача маълумотнома ҳам фойдаланилаётган асосий воситалар сифати ҳақида ахборот беравермайди. Ушбу иқтисодий шартшароитларда ва ушбу корхонада асбоб-ускуналардан фойдаланиш самараордлигини ҳисобга олган ҳолда янада чуқур таҳлил қилиш зарур^{4[4]}.

Баланс пассивини қўриб чиқамиз. Бу ерда капитал молиявий қиёфада намоён бўлиб, ўзининг иккинчи юзини кўрсатади. Корхона маблағларининг манбаларини иккита катта групхга – ўзининг маблағлари ва қарзга олинган маблағларга тақсимлаш мумкин. Капитал ҳам ўзининг ва қарзга олинган турларга бўлинади.

Ўз капитали қўйидаги қисмлардан иборат:

- ҳиссадорлик капитали;
- қўшимча капитал;
- захира капитали;
- корхонанинг тўпланган фойдаси.

Ҳиссадорлик капитали бу – жамиятнинг асоси, унинг тамал тошидир. Бироқ турли вақтда у турлича роль ўйнайди. Қонунчиликда унинг ҳажми бевосита ёки билвосита тартибга солинади. Бир ҳолатда у ёки бу фаолият тури билан шуғулланувчи корхона учун низом (ҳиссадорлик) капиталининг энг кам ҳажми белгиланади. Бошқа ҳолатда тартибга солиш бошқа воқеликлар, масалан, захира фонди билан алоқали амалга оширилади.

Ҳиссадорлик капитали ҳажми, гарчи унинг турлича шаклланишига йўл қўйилсада, пул қийматида ифодаланади. Бироқ ҳар қандай ҳиссадор ўз улушуни киритиш усулидан қатъи назар маълум миқдорда акциялар олади. Акциялар, пул номинали орқали ифодалансада, шунга қарамай ликвидли воситалар ҳисобланмайди. Уларни пулга айлантириш учун маълум вақт керак. Шундай қилиб, ҳиссадорлик капитали алоҳида элементлар – акциялардан иборат бўлади. Бунинг афзаллиги шундаки, акциялар эгасини осонлик билан алмаштириш мумкин бўлади.

Жамиятни ташкил қилишда ҳар бир таъсисчи ўзи киритган улушга пропорционал сонда ва жамиятни тугатиш чора-тадбирлари ўтказишида уларга даъво қиласиган акциялар олади. Шу сабабли айтиш мумкинки, ҳиссадорлик капитали жамиятнинг ҳиссадорлари олдиаги қарзларини ифодалайди. У турли характерга эга бўлади.

«Ҳиссадорлик жамиятлари тўғрисида»ги Қонунда ҳиссадорлик капиталини структуралашни ўтказишига ҳам йўл қўйилади. Унинг 25 фоизгача бўлган қисмини имтиёзли акциялар ташкил этиши мумкин. Уларнинг улуси кичиклигига қарамай, улар жамият бошқарувини ташкил қилишда қўшимча восита сифатида фойдаланилиши мумкин.

Ҳиссадорлик капитали мавжудлигининг ўзи кўплаб вазифаларни ҳал қилишга имкон беради. Гарчи унинг ҳажми жамият бутун капиталининг бир қисминигина ташкил этсада, шунга қарамай, айнан маълум миқдорда акциялар сотиб олиш барча асосий масалалар бўйича овоз беришда, ҳиссадорлар

^{4[4]} Поршнева А.Г. и др. Управление организацией.- М.: ИНФРА-М, 2008. -с.312.

ўртасида фойдани тақсимлашда ўзгаришларни англатади. Бунда сезиларли миқдорни ташкил қилиши мумкин бўлган капиталнинг қолган қисми ҳажми эътиборга олинмайди.

Балансда ҳиссадорлик капитали номинал қиймати бўйича ҳисобга олиниади, бозорда эса умуман бошқача баҳо мавжуд. Шу сабабли бозор капитализацияси тушунчаси пайдо бўлган^{5[5]}. У жамиятнинг ҳиссадорлик капитали бозор қиймати бўйича қайси ҳажмни ташкил қилишини кўрсатади. Бунда мавжуд фарқлар жамият манфаатларида фойдаланилиши мумкин. Масалан, фирманинг нуфузини, унинг турли агентликлар ва айниқса, кредиторлар олдида рейтингини сезиларли ошириш мумкин. Бундан ташқари, бозор капитализациясини тартибга солувчи жараёнлар уларнинг ёрдамида амалга ошириладиган усувларни ишлаб чиқиш мумкин. Корхонани ривожлантиришдан мақсад бозор капитализацияси ҳажмини максимал қилиш ҳисобланади деган тамойилга асосланадиган назариялар мавжуд. Бу ҳолатда ҳиссадорларда реал дивиденд даромадидан ташқари бошқа, акциялар курс қийматининг ўсиши ҳисобига шаклланадиган потенциал даромад пайдо бўлади.

Ҳиссадорлик капитали эмиссион табиатга эга. У жамиятнинг қимматли қоғозлар – акциялар чиқариши ва сотиши натижасида вужудга келади. Тўлов пул воситасида ҳам, бошқа воситалар билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Шу сабабли активларни шакллантириш тўлов усулига боғлиқ бўлади. Жамиятни таъсис этиш босқичида жойлаштириладиган акциялар учун тўлов усулини тўғри танлаш жуда муҳим аҳамиятга эга. Қоидага кўра, кейинги барча эмиссиялар пул ҳисоб-китобида сотиб олинади.

6-мавзу. Корпоратив бошқарув органлари

- 1.Акциядорларнинг умумий йиғилиши. Акциядорлар ва манфаатдор шахслар.
- 2.Директорлар йиғилиши: таркиби ва тузилмаси. Директорлар йиғилишининг вазифаси ва мажбуриятлари. Директорлар қўмитаси.
- 3.Мустақил директор: вазифаси ва роли.Мустақил директор кодекси.
- 4.Ижро этувчи органларнинг шаклланиши ва иш фаолиятининг тугатилиши. Ижро этувчи органлар мажбуриятлари. Ижро этувчи органлар ва директорлар йиғилишининг ўзаро боғлиқлиги.
- 5.Корпоратив котиб: мажбуриятлари ва жавобгарлиги.

Ўзбекистон республикасида 1996 йил 26 апрелдаги N 223-І сонли “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонунида кўрсатилганидек, акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув органларига қўйидагилар киради:

- Акциядорлар умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши (Директорлар кенгаши);
- Ижроия органи.

^{5[5]} Балабанов И.Т. и др. Финансовый менеджмент.-М.: Финансы и статистика, 2008.- с. 219

Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини) ўтказиши шарт.

Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичидаги ўтказилади. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида жамиятнинг кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, яккабошлиқ асосидаги ижроия органи билан, коллегиал ижроия органининг аъзолари, бошқарувчи ташкилот ёки бошқарувчи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги, аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек ушбу Қонун 65-моддасининг биринчи қисми ўн учинчи хатбоисига мувофиқ жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа хужжатлар қараб чиқилади. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг кузатув кенгаши белгилайди.

Умумий йиғилишга тайёргарлик кўришда ва уни ўтказишда кўп учрайдиган хатолар:

- Амалиётда умумий йиғилишнинг ўтказилиши ҳақидаги хабарни акциядорларга етказиш бўйича минимал талабларга риоя қилинмайди;
- Умумий йиғилишни чақиришда тартибот муддатлари бузилмоқда. Масалан, меъёрий талабларни бузмасдан йиллик умумий йиғилишни 10 марта гача ўтказиш жуда қийин;
- Умумий йиғилишни чақиришда акциядорларга танишиш учун бериладиган ахборот(материал) рўйхатининг тўлиқ бўлмаслиги.

-Умумий йиғилиш кун тартибидаги масалаларнинг ноаниқ ифодаланиши ва бир масала доирасида турли йўналишдаги муаммолар бўйича овозга қўйиш, ҳамда кун тартибига “ҳар хил масалалар” киритилиши.

Акциядорлик жамиятлари умумий йиғилишини чақиришдаги, тайёргарлик кўришдаги, ўтказишдаги, овозларни ҳисоблашдаги хато ва қонун бузилишлар жамиятда корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини пасайтиради, чунки:

- Акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари устидан акциядорларнинг назорати сусаяди;
- Ижроия органи самарадорлиги пасаяди, унинг акциядорлар манфаатларига зид ҳаракат қилишининг эҳтимоллиги ошади;

- Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссиясининг фаолияти “хўжа кўрсин”га олиб борилади.

Кузатув кенгаши фаолиятини самарали ташкил қилиш. Кузатув кенгашининг миссияси қўйидагича:

-ҳар бир жамиятда кенгаш мақсади, вазифаси, ваколати ва жавобгарлиги таърифланган ҳамда ўзига қўйидаги асосий қоидаларни олган хужжатнинг бўлиши тавсия қилинади;

-кенгашнинг ўзак ғояси – жамият ва унинг фаолияти билан ишбилармонлик ва бошқа ўзаро муносабатлардан ҳоли, мулк эгалари (акциядорлар) ва бошқа манфаатдор шахслар номидан назорат ишларини олиб борувчи шахслар гуруҳининг шаклланишидир;

- кенгашнинг миссияси акциядорлар қўйган улуш қийматининг максимал ўстирилишидир. Кенгаш фаолияти асосида акциядорлар мақсадлари ва манфаатлари ётиши зарур.

Жамият ижроия органи акциядорлар умумий йиғилиши ва кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкил этади.

Жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органи (директор) жамият номидан ишончномасиз иш юритади, шу жумладан унинг манфаатларини ифода этади, жамият номидан битимлар тузади, штатларни тасдиқлайди, жамиятнинг барча ходимлари бажариши мажбурий бўлган буйруқлар чиқаради ва кўрсатмалар беради.

Жамият ижроия органларини ташкил этиш ҳамда уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, агар жамият уставида ушбу масалаларни ҳал этиш жамият кузатув кенгашининг ваколатларига киритилмаган бўлса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан амалга оширилади. Жамият уставига мувофиқ ёки акциядорлар умумий йиғилишининг ёхуд жамият кузатув кенгашининг қарорига биноан жамиятнинг яккабошлиқ асосидаги ижроия органини (директорини), коллегиал ижроия органи (бошқаруви, дирекцияси) аъзоларини тайинлаш танлов асосида амалга оширилиши мумкин.

Корпоратив назорат органларига қўйидагилар киради:

- Тафтиш комиссияси;
- Аудиторлик ташкилоти.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши тафтиш комиссиясини сайлайди.

Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари ушбу қонун ва жамият устави билан белгиланади.

Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган низомда белгилаб қўйилади.

Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг

ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги хужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

Жамиятнинг тафтиш комиссияси ушбу Конуннинг 72-моддасига мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

Корпоратив хулқ - автор кодексига киритилган янгиликлар қаторида акциядорлик компанияларига маҳсус мансабдор – жамият котибига (корпорация котиб) эга бўлиш тавсиясини кўрсатиш мумкин бўлиб, унинг асосий вазифаси жамият мансабдор шахслари ва органларининг жамият акциядорлари манфаатлари амалга оширилишини кафолатловчи талабларга риоя қилишини таъминлаш ҳисобланади. Жамият котибини тайинлаш (сайлаш) тартиби ва унинг мажбуриятлари жамият низомида кўрсатилган бўлиши лозим.

Назорат саволлари:

1. Корпоратив бошқарувининг институционал асослари.
2. Корпоратив ҳуқуқ тушунчаси.
3. Корпоратив ҳуқуқнинг белгилари.
4. Корпоратив меъёрий ҳужжатларни тартибга солиш.
5. Корпоратив бошқарув дастурини амалга ошириш бўйича таклифлар.
6. Корпоратив бошқарувнинг андозалари.
7. Корпоратив бошқарув кодексига қўйиладиган талаблар.

7-Мавзу. Корпоратив низолар

1. Корпоратив низо тушунчаси.
2. Корпоратив низолар сабаблари ва иштирокчилари.
3. Корпоратив низо турлари.
4. Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлар.
5. Корпоратив низоларда банкротлик жараёнини қўллаш.
6. Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлардан химоялаш.
7. Корпоратив низоларни тартибга солиниши.
8. Корпоратив муносабатларда ҳукуқий тартибга солиш амалиёти.

Ҳар қандай низонинг моҳиятини томонлар ўртасида келишувнинг йўқлиги сифатида таърифлаш мумкин. Корпоратив муносабатлар субъектлари ўртасида манфаатлар мувозанатининг йўқлиги корпоратив низоларга сабаб бўлиши мумкин.

Корпоратив низолар деганда жамият акциядорлари ўратасида, жамият акциядорлари ва менежерлари ўртасида, инвесторлар (потенциал акциядорлар) ва жамият ўртасида вужудга келадиган, қуйидаги оқибатлардан бирига олиб келадиган келишмовчиликлар ва тортишувлар тушунилади:

➤ амалдаги қонунчилик меъёрлари, жамият низоми ёки ички ҳужжатлари, акциядорлар ёки уларнинг гурухлари ҳукуқларининг бузилиши;

- жамият ва унинг бошқарув органларига қабул қилинган қарорлар бўйича даъволар;
- амалдаги бошқарув органлари ваколатларини муддатидан олдин тўхтатиш;
- акциядорлар таркибида жиддий ўзгаришлар.

Корпорациялар фаолиятининг ўзига хосликлари туфайли низолар вужудга келиши учун қуидаги сабабларни кўрсатиш мумкин.

Акциядорлик мулкида иштирок этиш учун кенг имкониятлар капиталларнинг мураккаб тарзда чигаллашиб кетиши ва мос равишда, манфаатдор томонлар доимий бўлмаслигини назарда тутади.

Мулкни бошқарувдан ажратиш (қарор қабул қилиш ва риски қабул қилиш функцияларининг таҳсимланиши) ва назорат функциясининг рискин қабул қилмайдиган ва бошқарувда иштирок этмайдиган шахслар томонидан амалга ошириладиган алоҳида бир функцияга ажратилиши корпорация фаолияти натижаларидан манфаатдор турли шахслар ўтасида манфаатлар можаросининг юзага келишини белгилаб берди.

Корпорация менежменти, акциядорлар ва бошқа манфаатдор шахслар ўтасида белгиланадиган муносабатлар тизимиға турли иқтисодий субъектлар гурухлари томонидан ижозат берилади:

1. Давлат ва корпорация ўтасидаги муносабатларга давлат томонидан ижозат берилади ва у давлат-хукумат характерига эга бўлади.

2. Менежмент ва акциядорлар ўтасидаги алоқаларнинг муайян жиҳатлари корпорация бошқарув органлари томонидан амалдаги қонунчилик доирасида қабул қилинган қўшимча битим ва келишувлар билан тартибга солиниши мумкин.

3. Менежмент ва бошқа манфаатдор шахслар ўтасидаги муносабатлар турли йўналишдаги характерга эга бўлиб, манфаатдор шахсларнинг корпорация учун ички ёки ташқи муҳитга мансублигига боғлиқ бўлади. Улар қонун ҳужжатлари ва жамиятнинг ички регламенти билан тартибга солинади.

Замонавий иқтисодиётда корпоратив муносабатлар субъектлари ўтасида вужудга келаётган жиддий қарама-қаршиликлар ва ихтилофлар мамлакатда ишлаб чиқаришнинг ривожланишига инвестициялар оқимининг кириб келишига тўсқинлик қилмоқда.

Барча низолар хилма-хиллигини қуидаги тўрт турга ажратиш мумкин:

1. Йирик (мажоритар) ва майда (миноритар) акциядорлар муносабатлари низоси.

2. Ички акциядорлар (инсайдер) ва ташқи акциядорлар (аутсайдер) низоси.

3. Менежмент (акцияларсиз ёки акциялар кичик пакетига эга) ва акциядорлар низоси.

4. Четдан «нодўстона қўшиб олиш ташаббускорлари» тарафдорлари ва акциядорлар низоси.

Кўриб чиқилган корпоратив низолар турлари ичida қуидаги хилларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Қонунчиллик меъёрларининг бузилиши корпоратив хуқуқ меъёрлари ва жарайёнларини тасодифан бузиш билан боғлиқ бўлиб, акциядорлар томонидан уларнинг манфаатларига тажовуз сифатида қабул қилинади.
2. Кўшиб олиш – акциядорлар гуруҳининг (четдан инвесторнинг) корхонаустидан назорат ўрнатиш жараёнида юзага келадиган низолар.
3. Дивиденdlар бўйича низолар – йирик ва майда акциядорлар ўтасида корхона фойдасидан фойдаланиш борасида юзага келадиган низолар.
4. Менежерлар билан низолар – акциядорлик жамиятининг менежерлари ва акциядорлар ўтасида компанияни бошқариш самарадорлиги ва менежерлар харакатлари вижданонлиги бўйича юзага келадиган низолар.
5. Рақобат – акциядорлик жамиятининг молиявий ҳолати ва рақобатбардошлигига путур етказишга йўналтирилган низолар.
6. Корпоратив шантаж - миноритар акциядорлар иштирокидаги, акциядорлик жамияти ёки унинг йирик акциядорларини миноритарийлардан уларга тегишли акциялар пакетини бозор қийматидан қиммат нархжа сотиб олиш ёки низони тўхтатиш учун воз кечиш музди тўлашга ундашга йўналтирилган низолар.

Шунингдек, корпорация томонидан акциядорлар хуқуқларининг бузилишига олиб келадиган асосий ҳаракатлар аниқланди:

1. Акциядорлар чекланган доирасида жойлаштириладиган акциялар кўшимча эмиссияси (кўпинча бозор нархидан паст ёки ушбу компания учун етарли даражада истеъмол қийматига эга бўлмаган активлар билан тўлаш кузатилади).

Компаниянинг стратегик активларини акциядорлар назорати остида бўлмаган фирмаларга ўтказиш йўли билан ажратиб қўйиш (кўпинча қайта ташкил қилинган муассасалар ёрдамида).

Барча низолар хилма-хиллигини таҳлил қилиб хулоса чиқариш мумкинки, корпоратив бошқарув муаммолари асосан мулк эгаларидан биттаси унинг мулкий хуқуқларидан эмас, балки бошқарув функцияларидан келиб чиқадиган устунликларни қўлга киритиши билан боғлик.

Турли акциядорлар гуруҳлари ўтасидаги низолар моҳа кўра иқтисодий низолар ҳисобланади, чунки бу аввало жамият чиқарган акцияларни ўзлаштириш ва сотиб юбориш бўйича юзага келадиган низолардир. Корпоратив низоларни ҳал қилиш усули бўйича у, шубҳасиз, хуқуқий низолар сирасига киради. Буни шу билан асослаш мумкинки, низо қатнашчилари муросага кела олмаган ва битим тузиш йўли билан ёки йиғилиш қарорида ўз хоҳишини билдирамаган бўлса, низони ҳал қилиш суд томонидан фуқаролик ва ҳатто жиноий ишларни қўриб чиқиш воситасида рўй беради.

Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган эмпирик ва хуқуқий маълумотлар шаклланаётган акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тизимида барқарор ва асосий зиддиятларни аниқлашга имкон бермоқда.

Қарама-қаршиликнинг моҳияти шундаки, мавжуд акциядорлар хуқуқини ҳимоя қилиш тизимида иккита қарама-қарши ёндашув мавжуд.

Биринчи ёндашув. Акциядорлик капиталининг бир қўлда тўпланиши (концентрация) - акциядорларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий воситалари минимал ва миноритар акциядорларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий воситалари максимал бўлишини кўзда тутади, ўзига хос ўзаро нейтраллаш вазиятини яратади: астасекинлик билан майда акциядорларни чиқариб юбориш корпоратив сектор нуқтаи назаридан миноритарийларни ҳимоя қилиш кенг воситалари аҳамиятини пасайтиради, майда акциядорларни ҳимоялаш воситаларининг ўзи эса корпоратив шантаж воситаларига айланади.

Иккинчи ёндашув. Акциядорларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий воситаларининг ёйик тизимини яратиш, ўз навбатида, бир қўлда тўпланиш (концентрация) жараёнининг давом этишини тўхтатиб туради (иктисодий жараёнларга тескари таъсир омили сифатида). Бунда эсдан чиқармаслик керакки, концентрацияни давом эттириш йўли билан ўз манфаатларини ҳимоя қилиш бу – йирик акциядорларнинг алоҳида ҳуқуқлари, улар ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий воситалари йўқлигига эмас, балки буюртма асосида қўлланишга жавоб беради, чунки миноритар акциядорлар на консолидация шароитларига, на мустақил суд имкониятларига эга эмас.

Назорат саволлари:

- 1.Корпоратив низо тушунчаси.
- 2.Корпоратив низолар сабаблари ва қатнашчилари.
- 3.Корпоратив низоларнинг вужудга келиш сабаблари.
- 4.Менежмент ва акциядорлар низоси.
- 5.Корпоратив низо турлари.
- 6.Корпорация томонидан акциядорлар ҳуқуқларининг бузилишига олиб келадиган асосий сабалар.
7. Ҳамкорликда бўлмаган қўшилишлардан ҳимоя қилиш усуллари.
8. Корпоратив низоларни тартибга солиш усуллари.
- 9.Акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимидағи қарама-қарши ёндашувлар.

8-Мавзу. Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш

- 1.Корпоратив бошқарувнинг самарадорлигини баҳолаш моҳияти.
- 2.Корпоратив бошқарув самарадорлиги мезонлари ва кўрсаткичлари.
- 3.Корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш усуллари.
- 4.Корпоратив бошқарув рейтинглари.
- 5.Корпоратив бошқарувнинг мониторинг тизими.

Корпоратив бошқарув кейинги даврларда иқтисодий адабиётларда кенг ёритила бошлади. Ўзбекистон Республикасида акциядорлар мулк шакллари ва корпоратив бошқаруви ривожланиб бормоқда. Акциядор мулкларни ташкил топиши, маълум қийинчиликлар билан боғлиқ. Жумладан, умумлашган мулк акциядорлик жамияти субъектлари мулклари сифатида турли хўжалик операциялари орқали майдаланиш хусусиятига эга.

Кейинги вактларда корпоратив мулкларни корпоратив бошқарувини уларнинг иқтисодий самарадорлигини оширишдаги роли ўсиб бормоқда. Корпоратив бошқарув самарадорлиги нафақат мулк шаклларига боғлиқ бўлиб колмай, унда хўжалик фаолиятини бошқарувида турли механизмлар ва бозор таркиби ҳам таъсир этади. Бизнинг фикримизча, корпоратив бошқарув самарадорлиги қуидагиларга:

- моддий русурсларни оптимал таксимланишига;
- хусусий мулк эгалигини таъминлаш даражасига;
- эркин бозор ракобатига;
- корпорациялар ни бозор ҳолатлари бўйича ахборотлар билан таъминлашишига;
- иқтисодий операцияларни оширишни назорат қилиш даражасига боғлиқдир.

Корпоратив бошқарув мураккаб бошқарув бўлиб, бошқарувнинг турли кисмларини ўзаро бокликликла амалга оширилади.

Корпоратив бошқаруви ишлаб чиқариш жараёнини самарадорлигини таъминловчи мураккаб бутин бўлиб, унинг фаолияти корпоратив бошқарувни ташкил этиш, унинг кисмларини ўзаро боишклигини таъминлаш асосида, унинг мақсадини умумийлаштиришга боғлиқ.

Корпорация фаолиятини унинг хар бир субъектлари ўртасидаги бўладиган ижтимоий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш муносабатларини корпоратив бошқарув асосида унинг корпорация булимлари мақсадлари ва унинг вазифаларини умумий мақсадини билан боишклигини ички ва ташқи ҳолатларини эътиборга олган ҳолда амалга ошириш зарур.

Корпоратив бошқарувни самарадорлиги корпоратив ишлаб чиқаришни самарадор даражада олиб боришни таъминлашда ифодаланади. Корпоратив бошқарув самарадорлиги унинг ишлаб чиқариш булимларини интенсив даражада ишлашига боғлиқ.

Ҳар қандай янгилик, шу жумладан, корпоратив бошқаруви ўтмиш корпоратив бошқарувидан фарқ қдлсада, у ўтмишда маълум бўлган бошқаруви элементларига асосланган ҳолда бозор иқтисодиёти талабларига мослашган янги бошқарув хусусиятига эга бўлиб ривожланади. Хозирги даврда корпоратив субъектларини бошқарувини самарадорлигини белгилашда турли услугий харакатлар, фикрлар мавжуд бўлиб, улар асосан янги бозор иқтисодиёти талаб ва таклифлари асосида ривожланаётган корпоратив ишлаб чиқаришни самарадорлигига багишлиланган. Корпоратив ишлаб чиқариш самарадорлиги корпоратив бошқарувни ташкил этишни самарадорлик даражасига боғлиқ. Корпоратив ишлаб чиқариш ва бошқарувни самарадорлигини аниқдашда «Дельфи услуги» назарияси қулланилмоқда. Бу назариянинг асосини ахборотларга асосланган фикрлаш ташкил этади. Яъни мавжуд ахборотларга асосланган ҳолда келажакда кутиладиган натижаларга эришиш бўйича бошқарув карорлари қабул килинади.

Ахборот маълумотларига асосланган ҳолда корпоратив бошқаруви менежерларининг абстрактлаштирилган ҳолатда фикрлаш крбилиятлари ҳам бошқарув самарадорлигини оширишни таъминлайди. Корпоратив

бошқарувни тугфи илмий асосланган ҳолда олиб борилиши, корпорациянинг ҳамма субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил топишига, субъектлар ўртасидаги муносабатларини талаб натижасида шаклланувига, бошқарувда фаолият кўрсатаётган ходимларнинг илмий салохиятларига ҳдм боғлиқ, булади. Корпоратив бошқарув самарадорлигини оширишда корпорация субъектларини ишлаб чиқариш жараёнларини истиқболлаштириш ижтимоий ва иқтисодий аҳамиятга эга.

Корпоратив бошқарувини самарадорлигини таъминлашни истиқболлаштиришда икки шартга эътибор бериш зарур.

Бу шартлар қўйидагилардан:

- эски ишлаб чиқариш ва бошқарув субъектларини янги бозор иқтисодиёти талабларига мослашувини;
- корпоратив ишлаб чиқаришни хом ашё ва истеъмол бозорларига якин минтакавий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда жойлаштириш.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлашнинг асосий усулларидан бири корпоратив субъектларни ривожланишини истиқболлаштиришdir.

Корпоратив бошқарув самарадорлигини таъминлаш учун корпорациялар ишлаб чиқараётган маҳрулотдари хажмларини, турларини унинг сифатий даражаларини илмий ишлаб чиқилган ва асосланган маълумотлар асосида истиқболли режага эга бўлишларига ботик.

Истиқболли ишлаб чиқаришни режалаштириш, хар бир ишлаб чиқариш субъектларини ишлаб чиқариш салохиятларидан келиб чиқсан ҳолда қўйидан юқорига караб амалга оширилиши мақсадга тўғри булади.

Корпоратив бошқарув самарадорлиги, корпоратив субъектларни ишлаб чиқаришининг молиявий ҳолати натижаларига ҳам ботик.

Аммо иқтисодий адабиётларда корпоратив ишлаб чиқариш асосида корпоратив бошқарувни самарадорлигини ошириш бўйича истиқболли таҳдилларга багишланган илмий ишлар деярли йўқ.

Корпоратив бошқарув тизимини таҳдил қилиш асосида унга таъсир этувчи асосий омилларни аниқдаш орқали истиқболда уни самарадорлигини оширишни таъминлаш мумкин. Келажакда эркинлаштирилган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни турли шакллардаги корпоратив мулклар асосида ишлаб чиқаришга ўтилиши билан боғлиқдир.

Корпоратив бошқарувни корпоратив ишлаб чиқаришни истиқболли ривожлантиришни назарий ва амалий жихатдан асосланганлик даражасига боғлиқ..

Корпоратив ишлаб чиқаришни, бошқарувини истиқболли режалаштиришда ва бошқарувини ташкил этишда қўйидагиларга:

- корпоратив субъектларини ишлаб чиқариш хажмининг ўсиши даражасига;
- корпоратив субъектларида ишлаб чиқариш жараёнини олиб бориш учун етарли даражада ишлаб чиқариш воситалари, хом-ашёлари, меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражасига;
- инвестиция маблағлари билан таъминланиш даражасига;
- истеъмол бозорини харид қилиш қобилиятига;

- ишлаб чиқариш воситалари, технологиялари. хом ашёларни харид килиб олиш нархларини мукрбилигига;
- корпорация булимлари бошқарувини юқори малакали менежерлар билан таъминланишига;
- корпорация субъектлари ўртасидаги контракт битмларини бажарилишига эътибор берилишига боғлиқ-

Шунинг учун ҳам корпоратив бошқарув самарадорлигини истикболда таъминлаш учун:

- корпоратив бошқарувини такомиллаштирилиб борилишига;
- корпоратив бошқарувини стратегик йўналишини белгилашга;
- корпоратив субъектларни ишлаб чиқариш жараёнларини диверсификациялаш йўлида ҳуқуқларини кенгайтириб боришга;
- тизимли бошқарувни ривожлантиришга;
- корпоратив бошқарувини самарадорлигига таъсир этувчи ишлаб чиқариш, молия, кредит ишлаб чиқаришни янги шакллари ва бозор омилларидан унумли фойдаланишга эътибор бериш зарур.

Корпоратив бошқаруви самарадорлигини аниқдашда бир неча назарий услублардан фойдаланилади. Жумладан, мультиплекция самарадорлигидан фойдаланилади. Мультиплекция лотинча «multiplica» сўзидан олинган бўлиб, кўпайтириш маъносини билдиради. Бу инвестиция қўйилмаларини ишлаб чиқаришга жалб этишни кўпайтириш ёки камайтириш ва даромадни ўзгариш коэффициентини билдиради.

Корпоратив ишлаб чиқаришга сарфланган инвестиция маблағлари корпорацияни даромадларини ўсишини таъминлаши керак. Бу олинаётган даромад инвестиция маблакларига нисбатан юқори бўлиши керак. Масалан, корпорация ишлаб чиқаришига сарфланган инвестиция маблағлари 10 млрд. сумни ташкил этган бўлса, ишлаб чиқаришдан олинган даромад 30 млрд. сумни ташкил этса, мультиплектор ҳолати қўйидагича ифодаланади: 30 млрд. сум даромадни 10 млрд инвестиция маблағлари га бўлсак мультиплектор 3 га teng булади.

Мультиплектор бу шундай сонки, уни сарфланаётган инвестиция маблағлари микдорига кўпайтириш орқали олинадиган даромад белгиланади. Инвестиция маблакларни корпоратив ишлаб чиқаришга сарфланиши ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимларнинг даромаддарини ўсишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, аҳолининг истеъмол махсулотларига бўлган талабларини ўсишига олиб келади. Мультиплектор даражаси даромаддарини ўсиши, албатта, корпоратив бошқарувини канчалик тўғри ташкил қилингандигига боғлиқ. бўлиб, бу қўрсаткичлар унинг самарадорлик даражасини ифодалайди.

Инвестицияни ишлаб чиқаришда бандлик ва харид қилиш крбилияти мультиплекторини биринчи маротаба инглиз иқтисодчиси Р.Кан 1931 йилда мультиплектор назариясини иқтисодиёт назарияси фанига киритган.

Корпоратив ишлаб чиқаришни самарадорлигини таъминлашни бошқаришда ишлаб чиқариш йўналишларини, уларда куланилаётган ҳар бир ишлаб чиқариш ресурслари, воситалари, орқали мультификацияли самара-

дорликни аниқдаш мақсадга тугғи бўлиб, у умумий мультификация самарадорлигини ўсишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам мультиплексия усули орқали ишлаб чиқариш булимлари, тармоқлари самарадорлигини аниқдашга жиддий эътибор бериш зарур. Бу асосий бозор иқтисодиёти шароитида инвестиция капиталлари турларини қўпайиши ва корпоратив ишлаб чиқариш жараённида йириклашуви, ундан фойдаланишни мультиплексия самарадорлигини ошириб боришни ички ва ташқи хавф-хатарларини эътиборга олган ҳолда олиб боришни талаб этади.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини бозор иқтисодиёти шароитида аниқдашда яна бир усул «эмерджет» самарадорлиги усулидан ҳам фойдаланилади.

9-Мавзу. Корпоратив маданият

- 1.Корпоратив маданият тушунчаси.
- 2.Корпоратив маданият турлари.
- 3.Корпоратив маданият тамойиллари.
- 4.Профессионал этика ва корпоратив ҳулқ.
- 5.Корпоратив маданият – иқтисодий ҳамкорлик манфаати сифатида.
- 6.Корпорация ва давлат институтларининг ўзаро алоқаси.

«Тадбиркорлик маданияти» тушунчасига энг тўлиқ ва муфассал таърифни В.Д.Козлов «Ташкилий маданиятни бошқариш» китобида берган бўлиб, «ушбу ташкилий структура ходимлари ҳулқ-атвори хусусиятлари, якка тартибдаги ва гуруҳ манбаатлари, урф-одат ва анъаналар, расмий ва норасмий фаолият меъёрлари ва қоидалари, раҳбарият услуби, ходимларнинг меҳнат шароитларидан қониқканлик кўрсатмалари, ўзаро ҳамкорлик даражаси тизими» дея таъкидлаган. Шундай қилиб, корпоратив маданият компания қадриятлари, ўзаро муносабатлар услуби, муҳит қандай эканлигини белгилаб беради.

Корпоратив ҳулқ-атвор кодексининг қабул қилиниши билан акциядорлик жамиятлари амалиётида ахлоқий меъёрлар ва тамойиллар биринчи ўринга чиқди. Корпоратив муносабатларга нисбатан бу ахлоқий талаблар ушбу соҳада ҳар хил томонларнинг манбаатлари тўқнаш келиши билан боғлиқ айrim хусусиятларга эга.

Компанияларда корпоратив маданият ахлоқ-одоб (этика) таъсири остида шаклланади ва ривожланади (бу одамларнинг ахлоқий меъёрлар, бир-бирига ва жамиятга муносабати тизими). Ўзбекистонда ҳозирги пайтда компанияларнинг учта асосий гуруҳи ажратиб кўрсатилади:

- 1) бозор муҳитида хусусийлаштириш ва хусусийлаштиришдан кейинги жараёнлари натижасида шаклланган компаниялар;
- 2) бозор иқтисодиёти шароитларида вужудга келган ва ривожланган компаниялар;
- 3) табиий монополияларга мансуб компаниялар.

Бу гурухларнинг ҳар бирида ушбу бизнеснинг асосий вазифалари таъсири остида ишбилармонлик ахлоқи хусусиятлари шаклланган.

Ишбилармонлик ахлоқи – тадбиркорлик фаолияти меъёрлари ва ахлоқий тамойиллар йифиндиси, бизнесдаги асосий «ўйин қоидалари», уларсиз бизнес муаммоли, рискли ва олдиндан айтиб бўймайдиган бўлиб қолади. Ишбилармонлик ахлоқи – акциядорлар, директорлар Кенгаши, менежерлар, компания ходимлари ва корпорациянинг бошқа манфаатдор томонлари: товар ва хизматлар таъминотчилари, дистрибьюрлар, сотувчилар, якуний истеъмолчилар, маҳаллий аҳоли ва ҳукумат органлари ўртасида муносабатлар мураккаб тизимни тартибга солувчи жиддий омилдир.

Замонавий корпоратив маданият асосида ётадиган ишбилармонлик ахлоқи универсал тамойиллари америкалик социолог Л.Хосмер томонидан муваффақиятли ифодаланган бўлиб, жаҳон фалсафаси аксиомаларига асосланади:

1. Сенинг узоқ муддатли манфаатларинг ёки компаниянинг манфаатлари доирасига кирмайдиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил қадимги юонон фалсафасининг бошқа одамларнинг манфаатлари билан кесишадиган шахсий манфаатлар ҳақидаги таълимотларига (Протагор) ҳамда қисқа муддатли ва узоқ муддатли манфаатлар ўтасидаги фарққа асосланади.
2. Бу ҳақиқатда ҳалол, очиқ ва чин деб айтиш мумкин бўлмаган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Арасту ва Афлотуннинг шахсий фазилатлар ҳақидаги қарашларига асосланади.
3. Яхшилик ҳисобланмаган, умумийлик туйғуларини шакллантириш ва битта умумий мақсадга ишлашга хизмат қилмайдиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил яхшиликка, ўзаро алоқа қилиш ва ўзаро боғлиқликни англашга ундейдиган жаҳон динларида буюрилган нарсаларга асосланади.
4. Ҳеч қачон қонунни бузадиган нарсаларни қилма, чунки қонунда жамиятнинг минимал ахлоқий меъёрлари кўрсатилади. Тамойил Гоббс ва Локкнинг одамлар ўртасида дунёвий неъматлар учун курашда давлатнинг ҳакам сифатидаги роли ҳақидаги таълимотига асосланади.
5. Сен яшаётган жамиятга яхшиликдан кўра кўпроқ зарар келтирадиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил утилитаризм ахлоқига – И.Бентам ва Джон С. Милл томонидан ишлаб чиқилган ахлоқий хулқ-авторнинг амалий фойдасига асосланади.
6. Шунга ўхшаш вазиятга тушганда бошқаларга тавсия қилмайдиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Кант қоидаларидан бирига асосланади.
7. Бошқаларнинг белгилаб қўйилган ҳуқуқларини камситадиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Руссо ва Джефферсоннинг шахс ҳуқуқлари ҳақидаги қарашларига асосланади.
8. Доим фойдани қонун доирасида, бозор талаблари ва харажатларни тўлиқ ҳисобга олган ҳолда максималлашга ҳаракат қил, чунки бу шартларга амал килишда максимал фойда ишлаб чиқаришнинг энг катта самарадорлигидан далолат беради. Тамойил А.Смитнинг иқтисодий назарияси ва В.Паретонинг оптимал битим ҳақидаги таълимотига асосланади.
9. Жамиятда энг заифларга зиён етказиши мумкин бўган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Ролснинг тақсимот адолат қоидасига асосланади.

10. Бошқа кишининг шахсий камол топиши ва ривожланишига тўсқинлик қиласиган нарсаларни ҳеч қачон қилма. Тамойил Нозикнинг жамият ривожланиши учун шахс эркинлиги даражасини кенгайтириш назариясига асосланади.

Корпоратив маданиятнинг умумий ва ҳаммага маъқул бўлган таърифи йўқлигига қарамай, бу тушунча умум қабул қилинган ахлоқий қадриялар, қонунчилик талабларига амал қилиш, одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, атроф-муҳитни асраш билан боғлиқ ҳолда фойдаланилади.

